Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

# АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2181-5011

№2 (14) 2013

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари
# АХБОРОТНОМАСИ
ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

**МУАССИС:**
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

**Таҳрир кенгаши:**
Рашитжон Қодиров
Светлана Ортиқова
Ниғматилла Йўлдошев
Нуриддинжон Исмоилов
Зоҳид Дўсанов
Хакимбой Ҳалимов
Улуғбек Суннатов
Шухрат Узаков
Толибжон Умаров

**Бош муҳаррир:**
Бахтиёр Пўлатов

**Масъул котиб:**
Ғофуржон Алимов

**Таҳрир ҳайъати:**
Баҳодир Исмоилов
Аббосхон Сангинов
Мухтор Зоиров
Фахри Раҳимов
Фурқат Шодманов
Жаҳонгир Мақсумов
Матлюба Аминжанова

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2011 йил 29 апрелдаги 172/5-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

**Манзил:**
100047, Тошкент шаҳри,
Тараққиёт кўчаси 59-уй

**Саҳифаловчи:**
Сарварбек Бобожонов

web-site: www.vuk.uz
e-mail: axborotnoma@vuk.uz

Буюртма №
Адади: 1000
Журнал «Мир полиграфии»
МЧЖ ҚК босмахонасида
чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Авлиё ота кўчаси 7-уй

## МУНДАРИЖА

**Т.УМАРОВ.** Процессуал мажбуриятларни такомиллаштириш: миллий ва хорижий тажриба. 1
**Ҳ.МУҲИДДИНОВ.** Перспективы развития и внедрения информационно-коммуникационных технологий в Республике Узбекистан. 5
**С.САМАДОВ.** Қонун устуворлиги — обод турмуш барқарорлиги. 9
**И.АРНАЛ.** Борьба с коррупцией во французском праве введение. 12
**О.НАБИЕВ.** Компьютер жиноятчилиги тушунчаси, турлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва омиллари 19
**Б.ПЎЛАТОВ.** Прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятининг ривожланиши ва такомиллашиши. 24
**Ш.ДЕҲҚОНОВ.** Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг қонунчилик механизмларини мустаҳкамлаш масалалари. 29
**Ф.РАҲИМОВ.** Жиноятчиликка қарши курашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари. 35
**М.ЯКУБОВ.** Модернизация системы управления государственными органами. 39
**Б.ТОШЕВ.** Ахборот технологияларининг хусусиятлари ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари. 44
**М.АМИНЖОНОВА.** Мустаҳкам оила — обод турмуш кафолати. 47
**М.МАМАСИДДИҚОВ.** Судлар томонидан процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя этиш — одил судлов кафолати. 50
**Ю.ПУЛАТОВ.** Применение психологических методов информационного воздействия в правоохранительной деятельности. 53
**З.ХУДОЙБЕРГЕНОВА.** Интерактивные услуги органов государственной налоговой службы для налогоплательщиков юридических и физических лиц. 56
**З.НЕМАТХОДЖАЕВ.** Давлат органлари фаолиятида интерактив хизматлар кўрсатишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ва унда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари. 61
**Т.АБДУЛГАЗИЕВ.** Современные информационно-коммуникационные технологии в деятельности судов. 64
**Ж.МУҲАММАДИЕВ.** Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида миллий норматив негизни такомиллаштириш муаммолари. 68
**Б.РЎЗМЕТОВ.** Ўзбекистон ва хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида инсон ҳуқуқларининг таъминланиши. 71
**Ў.НЕГМАТОВ.** Тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари. 76

**Хорижий адабиётларнинг шарҳи** 79
**Янги китоблар** 83

**Толибжон УМАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг**
**Олий ўқув курслари бошлиғи, ю.ф.д.**

# ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРИЯТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

✦ *Мақолада жиноят процесси иштирокчиларини процессуал мажбуриятларга риоя этишг механизмларини такомиллаштириш масалаларига тўхталиб ўтилган.*

✦ *В статье рассмотрены вопросы совершенствования правовых механизмов соблюдения процессуальных обязанностей участниками уголовного процесса.*

✦ *This article focuses of improving legal mechanisms for the observation of procedural obligations by the participants to criminal proceedings.*

**Калит сўзлар:** *процессуал мажбуриятлар, процесс иштирокчилари, одил судлов.*
**Ключевые слова:** *процессуальное обязательства, участники процесса, правосудие.*
**Key words:** *procedural obligations, participants in the process, justice.*

Процессуал мажбуриятлар инсон ҳуқуқларини суд орқали самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир. Мажбуриятларга риоя этиш суд иш юритуви ва одил судлов кафолати учун зарурий шарт-шароитларни яратувчи муҳим омил хизмат қилади. Судья, прокурор, терговчи ва процессда иштирок этаётган бошқа шахс томонидан мажбуриятларга риоя қилмаслик одил судловнинг кафолатланишига салбий таъсир кўрсатади. Мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши — жиноят процесси босқичларини самарали амалга оширилишида ва ҳақиқатни қарор топишида муҳим ўрин тутади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов соҳадаги ислоҳотларга эътибор қаратиб, “Жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланганлиги”ни алоҳида таъкидлаган[1].

Ўз навбатида инсон ҳуқуқларига тааллуқли процессуал мажбуриятларни халқаро каталоглар асосида такомиллаштириш жуда муҳим. Мазкур жараёнда процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар “ҳар қандай ҳуқуқ муайян мажбуриятни келтириб чиқариш” тўғрисидаги концептуал ғояга мувофиқ бўлиши лозим.

Аслида процессуал мажбурият — жиноят процессидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан ҳолда процесс иштирокчиларига қонунчиликда императив характерга эга бўлган тартиб-қоидаларга мувофиқ, хатти-ҳаракатларни бажариш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиб туриш ёхуд уларга риоя этилишида намоён бўлади.

Замон талабларига кўра, халқаро ҳамжамият ҳам процессуал мажбуриятларни халқаро ҳужжатларга мос равишда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

“Инсон ҳуқуқ ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Европа конвенциясида процессуал мажбуриятларни баҳолаш мезони сифатида одил судловнинг алоҳида хусусиятлари назарда тутилиб, унда:

— одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилиши;

— процессуал шаклларнинг қонунда мустаҳкамлаб қўйилганлиги;

— демократик принциплар тизими доирасида амалга оширилиши;

— муайян ижтимоий-ҳуқуқий, яъни (юридик) низоларни ҳал этишга қаратилган бўлиши;

— адолатли суд муҳокамаси натижаларига доир (процессуал) алоҳида актлар қабул қилиниши ифодаланади.

Ҳозирда Европанинг 44 мамлакати, бевосита 800 миллиондан ортиқ аҳоли мазкур конвенциянинг субъекти сифатида иштирок этиб, тегишли ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинмоқда.

Шунингдек, одил судловнинг кафолатланишида процессуал мажбуриятларнинг алоҳида аҳамият

касб этувчи жиҳатлари сифатида:

✦ барча процессуал мажбуриятлар қонунда қатъий белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши;

✦ мажбуриятлар тарафлар ҳуқуқлари доирасидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши;

✦ мажбуриятлар асосан шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиниши нуқтаи назарига кўра шакллантирилиши;

✦ демократик ва адолатлилик принципларига кўра, белгиланган ягона мақсадга эришиш йўлида тарафларга тенг мажбуриятлар юкланиши;

✦ асосийси, ҳар бир процессуал мажбуриятнинг ҳуқуқий табиати процесс иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомидан келиб чиққан ҳолда белгиланишидир.

Таъкидлаш жоизки, процессуал мажбуриятларни бажарилишига муайян даражада таъсир этувчи салбий омиллар ҳам мавжуд бўлиб, жумладан:

— далилларни асослилиги, қонунийлигини ва мақбуллигини етарли даражада эътироф этилмаслиги;

— амалдаги қонунчиликда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун тегишли таъсир чораларни белгиланмаганлиги;

— процесс иштирокчиларига нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан айрим қонунбузилиши ҳолатларининг содир этилиши оқибатида юзага келмоқда.

Процессуал мажбуриятларни бажарилиши одил судловнинг муҳим кафолати ҳисобланиб, уни амалга ошириш икки йўл орқали, яъни:

– одил судловни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

– жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишини процессуал кафолатлаш билан таъминланади.

Аксарият ҳолларда, халқаро судлар томонидан масъул мансабдор шахслар томонидан процессуал мажбуриятларга риоя этилмаслиги одил судловни кафолатланишига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида эътироф этилиб, ушбу масалаларга алоҳида равишда эътибор қаратилишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари Европа суди томонидан мазкур турдаги ҳолатларга:

✦ ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахснинг яқинларига ёки адвокатига хабар бериш ёхуд боғланиш имкониятининг лозим даражада эмаслиги;

✦ жиноий иш материаллари билан танишиш имкониятини етарли даражада ташкил этилмаганлиги;

✦ жиноят иши юритиладиган тил билан иштирок этиш талабларининг лозим даражасида эмаслиги;

✦ ажнабий фуқарога нисбатан муайян чекловлар ўрнатилганлиги;

✦ халқаро шартномаларда белгиланган мажбуриятларга риоя этимаслиги;

✦ қонун нормаларини тўғри талқин этмаслик, энг муҳими, Европа суди томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган тавсияларга риоя этмаслик каби ҳолатлар қайд этилган[2].

Бугунги кунга келиб, Австрия, Болгария, Германия, Греция, Литва, Люксембург, Мальта, Норвегия, Польша, Словения, Англия, Франция, Хорватия ва Швейцарияда Европа судининг мажбурий характердаги кўрсатмалари асосида ўз юрисдикциясида қабул қилган ҳукм ва қарорларни ўзгартириш тўғрисидаги процессуал тартиб жорий этилди. Мазкур тартибни Италия, Руминия ва Туркияда ҳам жорий этиш назарда тутилмоқда.

Мазкур масала юзасидан Европа судига 2013 йилнинг январь ойининг охирига қадар 5600 та (2011 йилда 64400 та, 2012 йилда 65200 та) мурожаат қилинган, шундан 348 таси (2011 йилда 1511 таси, 2012 йилда 1678 таси) юзасидан қарор қабул қилинган, 21950 таси (2011 йилда 22600 таси, 2012 йилда 1678 таси) кўрмасдан қолдирилган[3].

Маълумки, Европа суди томонидан "Инсон ҳуқуқ ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Европа конвенциясининг 6-моддасига мувофиқ:

✦ кўпол процессуал ҳуқуқбузарлик натижасида суд қарорининг қонунийлигига шубҳа уйғониши;

✦ судга мурожаат қилган шахсга нисбатан жиддий зарар етказилиши ҳолатларининг вужудга келиши каби процессуал характерга эга бўлган низолар кўрилади. Европа суди томонидан ҳал этиладиган низоларнинг мазмунидан ҳам кўриниб турибдики, мазкур суднинг асосий мақсади процессуал мажбуриятларни бажармаслик оқибатида келиб чиққан низоларни ҳал этишдан иборатдир.

АҚШ ва Европа давлатларида процессуал механизмни такомиллаштириш юзасидан концептуал характерга эга бўлган ёндашувлар мавжуд бўлиб, у:

✦ процессуал мажбуриятларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

✦ процессуал мажбуриятлар бўйича жавобгарликни оптималлаштириш;

✦ халқаро ташкилотларнинг тавсия ва кўрсатмаларига таянган ҳолда, соҳада ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўриш;

✦ зарарни қоплаш ва ундиришга қаратилган процессуал мажбуриятларни бажаришга оид қатъий мезонлар ишлаб чиқиш;

✦ тарафлар манфаатини кўзлаган ҳолда, процессуал иш юритишнинг соддалаштирилган

тартибини жорий этиш кабиларни ташкил этади.

Хусусан, АҚШда 1970 йилда қабул қилинган "Жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Қонунга кўра, суд томонидан давлат фойдасини кўзлаб ишда қатнашаётган процесс иштирокчиларга маълум шартлар асосида "иммунитет" ҳуқуқи берилган. Шунингдек, 1990 йил қабул қилинган "Жиноятдан жабр кўрганларнинг ҳуқуқлари ва реституция тўғрисида"ги Федерал қонунга асосан, Адлия вазири томонидан жиноятдан жабрланганларнинг хавфсизлигини таъминлаш дастури бажарилиши устидан алоҳида назорат ўрнатилган[4].

Германияда 1993 йилдаги "Асосий гувоҳ тўғрисида"ги, 1998 йилдаги "Хавф таҳдид солаётган гувоҳлар ҳимоя билан таъминлаш масалаларини тартибга солиш тўғриисида"ги қонунларда гувоҳларни ҳимоя қилишга оид қўшимча чоралар (жумладан, баъзи тоифадаги гувоҳларни сўроқ қилишнинг "имтиёзли" тартиби ва бошқалар) белгиланган. Бундан ташқари, ГФРнинг 1994 йилдаги "Жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Қонунида гувоҳ ва жабрланувчиларнинг анонимлигига катта аҳамият берилган[5].

Францияда жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш масалаларини тартибга солувчи қонунларнинг бутун бир тизими амал қилиб, 1997 йилдаги "Жиноятдан жабрланганнинг баданига шикаст етказиш оқибатидаги зарарни қоплаш тўғрисида"ги ва 1981 йилдаги "Шахс эркинлиги ҳимояси ва хавфсизликни кучайтириш тўғрисида"ги ҳамда 1983 йилда "Жиноятдан жабрланганлар ҳимоясини кучайтириш тўғрисида"ги қонунлар орқали жабрланувчиларнинг юридик, психологик, ижтимоий ёрдам учун компенсация олиш ҳуқуқи кафолатланган.

Процессуал мажбуриятларнинг бажарилиши ҳамда уни бажармаганлик учун чора кўриш масалаларига Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида алоҳида тўхталиб ўтилган. Хусусан, кодекснинг "Процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш суриштирув, дастлабки тергов ва судда процессуал мажбуриятлар ҳамда тартибни бузганлик учун жавобгарлик" — деб номланган 32-бобида мазкур ҳолатлар ўз аксини топган.

Бироқ, процессуал мажбуриятларни бажаришни таъминлашнинг аксарият босқичларида:

— терговда тўпланган далилларга процессуал талаблар асосида етарли баҳо бермаслик;

— тергов ҳаракатлари бўйича муддатларнинг риоя этмаслик;

— суд терговида тарафлар кўргазмаларига етарлича ҳуқуқий баҳо бера олмаслик;

— тарафларга етказилган зарарни қоплаш ва ундиришга қаратилган процессуал мажбуриятларнинг етарли даражада бажарилмаслиги;

— процессуал интизомга риоя этмаслик, яъни процесс иштирокчиларининг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланиши, мажбуриятларни бажариши ва иш юритувига оид тартиб-қоидаларга қатъий риоя этиш механизмларига риоя этилмаслик;

— Олий суд Пленуми қарорлари ҳамда маҳкамалараро кўрсатмаларда назарда тутилган талабларни бажармаслик каби ҳолатлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида учрамоқда.

Шу боисдан процесс иштирокчиларининг мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликни белгиловчи процессуал нормаларни такомиллаштириш долзарб вазифа ҳисобланиб, унинг самарали ечими одил судловни таъминланишида яна бир муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси **Жиноят-процессуал кодексида процесс иштирокчиларининг мажбуриятларини ва бу мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарлик чораларини белгилаш мезонларини ишлаб чиқиш ва қонунчиликда мустаҳкамлаш жуда муҳим.**

Таҳлил натижаларига кўра, деярли барча МДҲ давлатлари қонунчилигидаги эксперт, мутахассис, гувоҳ, таржимоннинг мажбуриятлари, шунингдек, шахсий кафиллик тўғрисидаги моддаларда мазкур иштирокчиларга юклатилган мажбуриятлар бажарилмаган такдирда, уларга нисбатан пул жаримаси қўлланиши ҳамда жариманинг минимал ва баъзи давлатларда максимал микдорлари ҳам белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 271-моддасида процесс иштирокчиларининг қандай процессуал мажбуриятларни бузганлиги учун жавобгарликка тортилиши белгиланган бўлса-да, ушбу моддада қайд этилган процессуал мажбуриятлар тизимида процессуал муддатларга риоя этиш, бошқа процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш каби мажбуриятлар ўз ифодасини топмаган. Чунки, бу икки мажбуриятни бажарилмаслиги ҳам бошқа шахснинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келади. Ана шу жиҳатдан бу мажбуриятларни ЖПКнинг 271-моддасида акс эттирилиши процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 273-моддасида суд мажлисида процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни юклашга доир суднинг амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлари белгилаб берилган. Ушбу моддада суднинг процесс иштирокчиларининг процессуал мажбуриятларни бажармаганлиги учун нафақат жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этишга доир ҳаракатлари, балки маъмурий, интизомий жавобгарликка тортишга доир ҳаракатлари ҳам назарда тутилиши лозим.

Процессуал мажбуриятларни бажармаганлик

учун жавобгарлик қўллаш механизмини такомиллаштиришда:

— процесс иштирокчиларининг ўзининг процессуал мажбуриятларини узрли сабабларсиз, қасддан бажармаганлигини аниқлаш;

— мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини тасдиқловчи маълумотларни тўплаш ва уларни расмийлаштириш;

— мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини исботловчи даллилларга таянган ҳолда, ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларига кўра тегишли таъсир чораларини қўллаш алоҳида аҳамиятга эга[6].

Юқоридагиларга кўра, Жиноят-процессуал кодексига процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликни қўллашни тартибга солувчи алоҳида норма киритилиши мақсадга мувофиқ.

Мамлакатда одил судловни кафолатлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, процессуал мажбуриятлар механизмларини ўзида мустаҳкамлаган қонун нормаларини такомиллаштиришда:

— процесс иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомидан келиб чиққан ҳолда, процессуал мажбуриятлар турларини аниқ таснифлаш;

— қонун ижодкорлигида процессуал мажбуриятларга риоя этиш самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратиш;

— Олий суд Пленуми қарорларида моддий-ҳуқуқий нормалар билан бир қаторда процессуал мажбуриятларни бажармаслик учун жавобгарлик қўллашга оид ҳуқуқий нормаларга ҳам мутаносиб равишда изоҳлар берилиши;

— моддий зарарни қоплаш мажбурияти механизмларини такомиллаштириш ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлаштириш лозим.

Шунингдек, процессуал мажбуриятларни бажарилмаслигига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этиш юзасидан:

— Жиноят-процессуал кодексида процессуал мажбуриятларни бажармаслик учун таъсир чораларни аниқроқ белгилаш;

— процесс иштирокчиларига ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда мажбуриятларни бажармаслик оқибатларини тушунтириш, шунингдек процессуал ҳужжатларда буни мустаҳкамлаш;

— процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлаши билан бир қаторда, одил судловни қарор топишига замин яратади.

Халқаро мезонлар асосида процессуал мажбуриятларни бажариш ҳамда уларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш механизмларини такомиллаштирилиши, ўз навбатида соҳага доир қонун ҳужжатларини халқаро стандартларга ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига мувофиқ равишда ривожлантириш имкониятини беради.

[1] Каримов. И.А. "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция"си. / Халқ сўзи. 2010 13 ноябрь

[2] http://www.eurasialegal.info/index

[3] http://europeancourt.ru/statistika-evropejskogo-suda/#5

[4] Воробьев И.А. Защитв сымдетелей как одно из ключевых условий эффективной борьбы с организованной преступностью.// Журнал российского права. 1999. №2. — Б. 134.

[5] Брусницын Л. Как обезопасносить лиц, содействующих угоовному правосудию // Российская юстиция. 1996 №9 Б.45.

[6] Ш.С. Қулматов. Дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажарилишини таъминлашда ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. — Тошкент, 2011. № 1. — Б. 103-105.

**Ҳаким МУҲИДДИНОВ,**
**Тошкент ахборот технологиялари университети ректори, и.ф.н.**

# ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ И ВНЕДРЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

✦ *Мақолада халқ хўжалигининг барча соҳаларида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилган асосий масалалар мажмуаси ва муаммолари кўрилган.*

✦ *В статье рассматриваются основные проблемы и комплекс задач, ориентированные на развитие и внедрение информационно-коммуникационных технологий во всех сферах народного хозяйства.*

✦ *In article, main problems and issues, oriented on introduction and development of information-communication technologies all spheres of public facilities are considered.*

***Таянч сўзлар:*** *ахборот-коммуникация технологиялар, АКТ инфраструктураси, ўқув дастури, электрон ресурслари.*
***Ключевые слова:*** *информационно-коммуникационные технологии, ИКТ инфраструктура, учебная программа, электронные ресурсы.*
***Key words:*** *information technology, IT infrastructure, educational program, electron resources.*

Экпонанциальное развитие современного общества характеризуется комплексным внедрением последних достижений науки и техники, а также информационно-коммуникационных технологий (ИКТ).

Поступательное внедрение новейших информационных технологий в различных отраслях народного хозяйства является приоритетным фактором интеллектуального развития молодежи и социально-экономического развития всего отечественного общества. В сфере разработки и внедрении ИКТ в годы достигнуто в данном направлении колоссальных успехов. Политика нашего государства в области развития информатизации, основополагающие принципы которой определены Президентом Исламом Каримовым, непосредственно направлена на интеграцию нашей страны в мировое информационное пространство и сообщество. Мощный импульс этому процессу придало Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-1730 «О мерах по дальнейшему внедрению и развитию современных информационно-коммуникационных технологий» от 21 марта 2012 года.

С целью практической реализации данного Постановления разработана концепция и специальная программа. Цель концепции включает в себе выработка комплекс организационных мер по интенсивному развитию и внедрению ИКТ, создание инновационной информационно-образовательной среды, позволяющей разрабатывать и реализовывать конкурентоспособные образовательные программы соответствующие мировым стандартам, предлагать высококачественные образовательные услуги, проводить научные исследования на высоком уровне, эффективно управлять учебными заведениями, активно сотрудничать и взаимодействовать с образовательными учреждениями мира, страны и региона.

Комитетом связи, информатизации и телекоммуникационные технологии определены ряд задач, требующих неотлагательных решений:

— осуществление реформы и модернизации государственной политики в сфере подготовки высококвалифицированных специалистов по ИКТ;

— создание распределенной инфраструктуры, как по вертикали, так и по горизонтали для обеспечения свободный доступ к любым электронно-информационным ресурсам, включая правительственным информационным базам и банкам данных;

— создание и развитие интегрированной информационно-аналитическую среды для выработки и принятия рациональных управленческих ре-

шений во всех сферах народного хозяйства;

— интенсивно и рационально использовать последние достижения ИКТ и информационные ресурсы в предпринимательской деятельности и в дистанционном образовании;

— создание региональных центров повышения квалификации, курсов подготовки и переподготовки педагогических кадров в сфере ИКТ;

— создание динамических веб сайтов и веб порталов промышленно-производственных предприятий, учреждений и образовательных систем;

— создание и внедрение приборов, средств, устройств и технологий для модернизации промышленно-производственных предприятий, управляемых с помощью программных средств, тем самым создать новые рабочие места;

— разработка комплекса интегрированных учебных программ, ориентированных на учет интеллектуально-психологических способностей слушателей;

— разработен концепции интеграции образовательных учреждений с производством, внедрять блочно-модульную технологию обучения;

— создать и организовать инновационные центры и центры молодых ученых и специалистов с целью привлечения одарённых студентов к НИР и НИОКР;

— систематически проводить мониторинг среди выпускников, осуществить сотрудничество с местными органами управления по устройству выпускников на работу по профессии.

Современное состояние развития и внедрения ИКТ в различных отраслях народного хозяйства характеризуется следующим образом:

— в Республике Узбекистан создана законодательная база в области информатизации и ИКТ, приняты Законы «Об информатизации», «Об электронной цифровой подписи», «Об электронном документообороте», «Об электронной коммерции», «Об электронных платежей», разрабатываются и внедряются нормативно-правовые акты, направленные на реализацию Законов в сфере ИКТ;

— созданы глобальные, корпоративные и локальные информационные сети и мобильные средства связи, практически все учреждении оснащены современными компьютерами, каждый работник и специалист умеет навыки работы на компьютере;

— возросло качество и количество информационных сетей, увеличился уровень компьютеризации во всех учреждениях страны и непрерывно увеличивается число пользователей сетей телекоммуникаций, передачи данных и Интернет;

— интенсивно развивается инфраструктура телекоммуникаций, создана цифровая магистральная сеть телекоммуникаций с доведением цифровых каналов до областных центров и ряда районных центров, успешно осуществляется телефонизация страны и стремительно растет рынок средств мобильной связи, а также передачи данных;

— с целью повышения квалификации, подготовки и переподготовки высококвалифицированных кадров широко внедряются интерактивные мультимедийные технологии, презентационные и анимационные материалы, электронные и интернет ресурсы, электронные учебники и электронные печатные издания, а также дистанционные образовательные системы;

— информационные ресурсы динамических веб сайтов и веб порталов государственной власти, производств, науки и образование позволяет осуществить интеграции «управление-производство-наука-образование»;

— налажены высокоскоростные волоконно-оптические линии связи, обеспечивающие оперативный электронный документооборот между различными учреждениями и государственными органами управления;

— осуществляется интернет реклама производственных продуктов, новинок, разработок и видов интерактивных услуг, производится электронное соглашение и электронная оплата.

Наряду с этим, состояние и темпы развития ИКТ в стране требует принятия следующих дополнительных мер по ускоренному развитию и внедрению ИКТ в обществе:

— создание и развитие государственных порталов Республики Узбекистан и ведомственных организаций для оказания населению интерактивных услуг;

— разработка и реализация технических проектов, направленных на обеспечение предоставления образовательных учреждений услуг широкополосного доступа к сети Интернет;

— создать и внедрять отечественных производственных лицензионных и сертифицированных программных продуктов и разработка эффективного механизма по стимулированию разработчиков программного обеспечения;

— организация целевой подготовки высококвалифицированного кадрового потенциала для работы в сфере информационно-коммуникационных технологий;

— повышение уровня оснащенности учреждений, предприятий и учебных заведений современным совместимым компьютерным оборудованием и обеспечения доступа их к сети Интернет;

— разработка и реализация механизмов, методов и средств, совершенствование нормативных баз обеспечения национальной информационной безопасности.

В перспективе процедуры оснащение компьютерным и телекоммуникационным оборудованием включает в себя:

1. Рациональное распределение приобретенных компьютерных оборудований и технических средств между учебными заведениями с учетом их потреб-

ности.

2. Постепенный переход к беспроводным сетям связи для обеспечения доступа к открытым электронным информационным ресурсам. Стабильное повышение доли использование мобильной техники в управленческом и образовательном процессе обеспечить полное покрытие общество беспроводными точками доступа Wi-Fi.

3. С учетом направленности и специальности учебных заведений лекционных аудиторий, семинарских и лабораторных учебных кабинетов оснастить мультимедийной техникой и подключить сети Интернет.

С целью обеспечения принятия оперативных и оптимальных управленческих решений необходимо:

1. Комплексная автоматизация управленческой деятельности всех подразделений государственных и негосударственных учреждений, создать базу данных администраторов сервера, осуществить обработки данных, выработки предложений для принятия решений.

2. Маркетинговое исследование деятельности и всех структур министерств и ведомств Республики Узбекистан для рационального распределения трудовых, финансовых, материально-технических, пространственно-временных ресурсов.

3. Систематически дополнить информационную базу и электронно-информационные ресурсы вузов, академических лицеев и профессиональных колледжей для обеспечения интеграции «образование-производство» данными производств и учреждений.

4. Создание и своевременное внедрение отечественных и зарубежных инновационных технологий в народном хозяйстве, в учебные процессы, во всех структурных министерствах Республики Узбекистан реализовать электронный документооборот, расширить номенклатуры интерактивных услуг населению.

Внедрение компьютерной и информационно-коммуникационной технологии в учебный процесс предполагает решение следующих задач:

1. Расширить методов и способов использования потенциальных возможностей персональных компьютеров, сетей связи, тестовых программ для оценки уровней теоретических знаний и прикладных навыков обучающихся.

2. Систематически проводить мониторинг электронных образовательных информационных ресурсов, с целью постепенного обновления и обеспечения наиболее новыми и приоритетными данными.

3. Разработать и внедрять в учебные процессы электронные образовательные ресурсы, включая: мультимедийные учебные материалы; автоматизированные лабораторные практикумы удаленного доступа; математические модели и прикладные программы учебного назначения, предназначенные для решения трудоемких расчетов, оптимизации, исследования свойств объектов и процессов на компьютерных моделях; тренажеры, имитационные системы, виртуальные среды.

6. Согласно образовательным стандартам создать комплекс электронных учебно-методических материалов, учебников, учебных пособий по эффективному использованию в учебном процессе всего спектра информационно-программного обеспечения.

7. Периодически проводить сравнительный анализ стандартов, материалов типовых и учебных программ по всем направлениям бакалавриатуры и специальностям магистратуры со стандартами зарубежных стран и внести соответствующие корректировки с целью их модернизации.

8. Систематически привлекать и обеспечить участие одарённых студентов и программистов на конкурсах инновационных, прикладных и фундаментальных проектов и хоздоговорных работ.

9. Подготовить и обеспечить участия студентов МВССО Республики Узбекистан в конкурсе грантов, объявленных зарубежными государственными учреждениями.

Задачами обеспечения отраслей народного хозяйства высококвалифицированными и конкурентоспособными специалистами по ИКТ являются:

1. Внедрять систему многоуровневой подготовки специалистов в области информационных технологий и информационной безопасности за счет развития дополнительного профессионального образования, включая сертифицированные программы, открытия новых направлений бакалавриатуры и магистратуры («Программная инженерия», «Инновационная технология», «Электронная реклама и менеджмент», «Консалтинг и маркетинг в ИТ», «Электронная коммерция», «Информатизация и библиотековедение», «Мультимедийная технология», «Биотехнология» и др.);

2. Обеспечить преемственность образовательных программ «колледж — вуз» в области ИКТ за счет разработки профильных образовательных программ, проведения профессионально ориентированной работы, а также проведения совместных семинаров, конференций и круглых столов.

3. Развивать сотрудничество с ведущими компаниями и отраслевыми предприятиями в сфере телекоммуникации, связи и информационных технологий за счет проведения практик, стажировок студентов и преподавателей, приглашения специалистов из сферы ИКТ — индустрии для ведения специальных курсов, проведения совместных семинаров и конференций и т.п.

С целью повышение педагогической квалификации профессорско-преподавательского состава необходимо:

1. Разработать многоуровневые типовые и учеб-

ные программы курсов повышения квалификации, переподготовки преподавателей в сфере ИКТ и знании иностранного языка.

2. Периодически организовать и провести международные, Республиканские, межвузовские научно-практические, научно-теоретические, учебно-педагогические семинары, конференции, симпозиумы, круглые столы, дебаты и др.

3. Организовать целенаправленной подготовки и переподготовки профессорско-преподавательского состава на ведущих зарубежных научных и образовательных центрах по ИКТ.

В области информатизация научных исследований целесообразно:

1. Поддерживать новые формы научной деятельности, предусматривающие использование современных ИКТ: телеконференций, электронных учебников, журналов, дистанционного доступа к любым открытым информационным базам данных и т.д.

2. Организовать и стимулировать фундаментальные и прикладные научные исследования в области комплексного использования новых информационных технологий в сфере научных исследований.

3. Развивать научные направления, связанные с новыми информационными технологиями, высокопроизводительными вычислениями, средами и ресурсами, ориентированными на повышение качество и количество выпускаемых конкурентоспособных промышленно-производственных продуктов.

4. Создавать временные творческие коллективы для целенаправленной научно-исследовательской работы психолого-педагогического характера в области обучения информатике и информатизации образования.

5. Развивать научное направление по созданию отечественных программных продуктов.

Пристальное внимание следует уделять обеспечению информационной безопасности, в частности:

— организовать и усилить работы по выявлению внутренних и внешних информационных угроз на стратегически важные информационные объекты, разработать методы, способы, механизмы и технологии защиты информации;

— создать эффективной систему контроля по выполнению требований, правил, нормативно-правовых актов информационной безопасности.

— обеспечить бесперебойность и безотказность работы аппаратных средств, резервирования и продолжить работы по определению действий по резервному копированию и защите информации при чрезвычайных обстоятельствах.

— организовать работы по разработку антивирусных программ.

— внедрение в сеть современной системы обнаружения вторжений, мониторинг несанкционированного подключения к информационным ресурсам и проведение эффективной криптографической и парольной защиты. Использование единственной системы авторизации пользователей и разграничения прав доступа к ресурсам сети на базе доменной поддержки операционной системы.

— систематически проведение контроля состояния программного и информационного обеспечения и мониторинга за деятельностью пользователей (вход-выход в систему, доступ к сетевым ресурсам и пр.).

— с целью уменьшения материальных расходов вести систему мониторинга трафика и учет принимаемой и передаваемой информаций в сети позволяющей анализировать качество и полезности трафика.

Практическая реализация выше изложенных задач позволяют повышать эффективности и качества производственной продукции, оказать оперативных интерактивных услуг населению, образовать новых рабочих мест, повышать эффективности управления, процесса обучения, облегчить доступ к международным информационным ресурсам, повышать на степень уровень научно-исследовательских и конструкторских работ.

**Салом САМАДОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокурори**

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ОБОД ТУРМУШ БАРҚАРОРЛИГИ

✦ *Мақола Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органларининг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг ижроси борасида инсон ҳуқуқлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиши бўйича фаолиятига бағишланган. Шунингдек, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоясига ҳам тўхталган.*

✦ *Статья посвящена деятельности органов прокуратуры Республики Каракалпакстан в сфере защиты прав человека и интересов общества и государства, в рамках реализации государственной программы «Год семьи». В ней также освещены вопросы защиты прав предпринимателей.*

✦ *The article is dedicated to the activities of the Prosecutor of the Republic of Karakalpakstan in the area of human rights protection, the interests of society and the state, in the framework of the state program "Year of the Family". It also devoted to the protection of the rights of interpreters.*

***Таянч сўзлар:*** *Мустаҳкам оила йили, инсон ҳуқуқлари, тадбиркорлар ҳуқуқлари.*
***Ключевые слова:*** *Год семьи, права человека, права предпринимателей.*
***Key words:*** *"Year of the Family", human rights, rights of interpreters.*

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузасида глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганига қарамай, ўтган йилда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланишда давом этгани, аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиши ва мамлакатимизнинг жаҳон бозорларидаги мавқеи янада мустаҳкамланганини алоҳида таъкидланди.

Шуниси қувонарлики, Ўзбекистонда инқирозга қарши кураш борасида тўпланган тажриба нуфузли халқаро молия ва иқтисодий институтлар, жаҳондаги етакчи илмий марказлар томонидан юқори баҳоланди. Эришилаётган бундай натижалар ҳар бир юртдошимиз қалбига чексиз ғурур бағишлаши шубҳасиздир.

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Шаҳар ва қишлоқларда янгидан-янги маданий-маиший объектлар, турар жой бинолари, кенг ва равон йўллар, замонавий коллеж ва лицейлар барпо этилди. Бундай яратувчилик ишлари олиб борилаётган ислоҳотларнинг улкан самарасидир.

Умуман, юртимизда ҳар йили кириб келаётган йилга алоҳида ном берилиб, давлатнинг, халқнинг бутун куч ва имкониятларини ушбу ном мазмунидан келиб чиқувчи эзгу мақсадга йўналтириш анъанага айланган. Бунинг исботини "Баркамол авлод йили", "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" сингари кўплаб Давлат дастурлари ижросида ҳам кўриш мумкин. Халқ хўжалигининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари туфайли халқимиз ҳаёти йилдан-йилга фаровонлашиб, давлатимизнинг иқтисодий қудрати ортиб бормоқда. Хусусан, ўтган "Мустаҳкам оила йили"да ҳам кўплаб эзгу ишлар амалга оширилди. Уларда прокуратура органларининг ҳам муносиб улуши бор. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, бевосита Нукус шаҳар прокуратурасининг олиб бораётган ишларига тўхталиб ўтиш мумкин. Чунончи, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан доимий назорат ишлари олиб борилди. Шаҳарда фарзандларимизнинг соғлиғини мустаҳкамлаш йўлида ташаббус кўрсатилиб, етарли шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Ҳудудда прокуратура ташаббуси билан болалар учун турли аттракционлар, бассейн, сув ҳавзаси, амфитеатр, спорт мажмуаси барпо этилгани бунинг далилидир. Худди шу каби Вазир-

лар Маҳкамасининг "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 164-сонли Қарори ижроси юзасидан ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда Республиканинг Нукус, Тахиатош шаҳарлари, Қўнғирот, Хўжайли ва Нукус туманларида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 14 нафар етим болаларнинг барча қулайликларга эга бўлган, тўлиқ жиҳозланган уй-жойлар билан таъминланганлиги эътиборга молик ишдир.

«Мустаҳкам оила йили»да аҳолининг, хусусан, ёш оилаларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш давлатимизнинг диққат марказида турган асосий масалалардан бири бўлди. Давлат дастурига кўра, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши кўлами янада кенгайтирилди. Бир қатор туманларнинг қишлоқларида янги турар жойлар барпо этилиб, муҳтож оилаларга фойдаланиш учун топширилди. Ўз навбатида прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг турар жойга бўлган ҳуқуқини таъминлаш соҳасига доир қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат кучайтирилди. Текширишларда аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Жумладан, Кегейли туман прокуратураси томонидан тумандаги икки қаватли, 16 оилага мўлжалланган турар жой биноларининг ноқонуний йўллар билан, тенглик тамойилига амал қилмасдан фақат 3 нафар фуқарога тақсимлаб берилгани аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан ушбу яшаш жойи билан боғлиқ ҳужжатлар ўрганилиб, ишга ҳуқуқий баҳо берилди. Ноқонуний қарорга протест келтирилиб, тураржой туман ҳокимлиги ҳисобига қайтарилди ва бу уйлар муҳтож оилаларга берилди.

Умуман олганда, қишлоқ жойларда замонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш, қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш аҳоли фаровонлигини оширишга доир узоқ муддатли давлат дастурининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, ўтган йили Қорақалпоғистонда 400 та ана шундай уй-жойлар барпо этилди. Бундай бунёдкорлик ишлари давом эттирилган ҳолда 2013 йилда жами 77 миллиард сўмлик 550 та уй-жойлар қуриш режалаштирилган.

Истиқболни ўйлайдиган ҳар қайси давлат баркамол авлод таълим-тарбияси, аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш каби долзарб масалаларга жиддий аҳамият беради. Ўтган йилда ҳам таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга қаратилган чора-тадбирлар изчил давом эттирилди. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури, болалар ва хотин-қизлар спорти, болалар мусиқаси ва санъатини ривожлантиришга доир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг ижроси қандай натижалар берганини Қорақалпоғистон мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, фақат Қорақалпоғистоннинг ўзида 2011 йилда 9565 нафар ўқувчи ўрнига мўлжалланган 24 та мактаб, 2012 йилда эса 21392 нафар ўқувчи ўрнига мўлжалланган 37 та мактаб мукаммал таъмирланди. Беруний, Тўрткўл, Амударё ва Кегейли туманларида янги мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига доимий эътибор берилди. Болалар спортини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар кўлами эса янада кенгайди. Бу йўналишда Республикамиз Президентининг 2012 йил 13 февралдаги 1704-сонли қарори асосида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2012 йилги манзилли дастурига асосан 10 та объектда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. Бу ишга жами 9 млрд. 730 млн. сўм маблағ ажратилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси жадал суръатларда ривожланаётгани қувонарли ҳолдир. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бу соҳага доир қонунчиликни мустаҳкамлаш, тадбиркорларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларга барҳам беришга қаратилган бир қатор қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан кенг қамровли тадбирлар амалга оширилди. Биргина 2012 йилнинг ўзида 2198 та янги кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинди. Уларнинг умумий сони 21 минг 569 тани ташкил этиши ҳам тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётганини кўрсатади. Ўтган йилнинг ўзида 328 нафар тадбиркорнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинган. Барча прокуратура органларида ишонч телефони рақамларининг узлуксиз ишлаши таъминланди. Шунинг мамнуният билан қайд этиш мумкинки, барча шаҳар ва туман прокуратура ходимлари томонидан тадбиркор ва ишбилармонларни улар учун қулай вақтда қабул қилиш йўлга қўйилган. Келиб тушган ариза ва шикоятлар ўз вақтида ҳал қилиб берилмоқда. Ўтган йили шундай 81 та ариза келиб тушган бўлса, уларнинг деярли барчаси ижобий ҳал этилган. Жумладан, Элликқалъа туман прокуратурасига тумандаги «АТК-20» масъулияти чекланган жамияти раҳбари мурожаат қилиб, корхона иш фаолиятини кенгайтириш мақсадида банкдан кредит олиш масаласида амалий ёрдам сўраган эди. Прокуратура аралашуви билан мазкур корхонага 400 милли-

он сўм кредит ажратилиши таъминланди. Бунинг натижасида корхона яна қўшимча 15 та янги иш ўрнига эга бўлди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ҳам диққат марказимизда бўлди. 44 та стационар, 245 та амбулатория муассасалари, шу жумладан, 186 та қишлоқ врачлик пунктлари, 16 та диспансер аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Инсон саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган ютуқларимиз сифатида аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизматидаги ижобий ўзгаришларни ҳам айтиш мумкин. Бугунги кунда республикамизнинг барча туманларида унинг бўлимлари ташкил этилган бўлиб, уларда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган.

Давлатимиз Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда Юртбошимиз таклифи билан 2013 йилга "Обод турмуш йили" деб ном берилди. Бу таклиф халқимиз томонидан қизғин кутиб олинди. Обод турмуш ҳақида гап кетганда таъкидлаш жоизки, ободлик, энг аввало, кўнгилдан бошланади. Кўнгил обод бўлиши учун биринчи навбатда кишининг оиласи тинч бўлиши, у оиласини моддий жиҳатдан етарлича таъминлаш имкониятини берадиган муқим иш жойига эга бўлиши керак. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, аҳолини, биринчи навбатда ёшларни ишга жойлаштириш масаласига катта эътибор берилмоқда. 2012 йили мамлакатимизда комплекс чоратадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионта янги иш ўринлари яратилди. Қорақалпоғистонда бу рақам 49722 тани ташкил этди. Бундай эзгу ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, республикада 49725 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашда прокуратура органларининг алоҳида ўрни бор. Зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш борасида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратура органлари томонидан ўтган йили бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2012 йилда қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назоратини таъминлаш юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра 9610 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари бўйича 453 та жиноят иши қўзғатилди. Энг асосийси, 3605 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизни дунёнинг ривожланган давлатлари сафида кўриш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилиш, халқимиз орзу қилган эркин, фаровон ва обод ҳаёт барпо этиш барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди. Бу борада ушбу йилда ҳам халқ турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган улкан бунёдкорлик ишларимиз давом эттирилади. Прокуратура ходимлари ҳам қонун устуворлигини таъминлашдек масъулиятли вазифани адо этишда халқимизга ҳалол ва сидқидилдан хизмат қилаверадилар.

**Изабелль Арнал,**
**Ключевой эксперт Проекта ЕС «Содействие судебно-правовым реформам в Узбекистане»**

# БОРЬБА С КОРРУПЦИЕЙ ВО ФРАНЦУЗСКОМ ПРАВЕ: ВВЕДЕНИЕ

✦ *Мақола француз ҳуқуқ тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ўзига хос хусусияларига, ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий асосларига, жиноят судлови нормалари ва унга қарши курашишнинг оператив воситаларига бағишланган.*

✦ *Статья посвящена особенностям борьбы с коррупцией во французском праве, правовым основам данной деятельности, нормам уголовного судопроизводства и оперативным средствам борьбы с ней.*

✦ *This article is dedicated to the anti-corruption elements in French system, legal grounds of this activity, norms of criminal procedures and operative instruments to aid the fight against corruption.*

***Таянч сўзлар:*** *француз ҳуқуқи, коррупция, одил судлов.*
***Ключевые слова:*** *французское право, коррупция, правосудие.*
***Key words:*** *French law, corruption, justice.*

Юридический арсенал Франции в области борьбы с коррупцией опирается, прежде всего, на законодательную базу, государственные органы и гражданское общество. Во внутригосударственном праве, в общих чертах, коррупционное правонарушение (ст. 432-11 и 433-1 уголовного кодекса) можно охарактеризовать посредством трёх понятий:

1— **Взяткодатель**: любое физическое или юридическое лицо, которое добивается вмешательства или невмешательства со стороны государственного служащего или которое удовлетворяет подобную просьбу с выгодой для себя или для третьего лица.

2— **Взяткополучатель**: представитель государственной власти (т.е. лицо обладающее властью принятия решения и принуждения над физическими лицами и над имуществом, которой его наделил государственный аппарат (все сотрудники правительственных учреждений, префекты, полицейские, преподаватели, военные, нотариусы и т.д.);

- выборное должностное лицо (депутаты, делегаты государственных учреждений экономического характера);

— лица, состоящие на государственной службе (т.е. лица, исполняющие служебные обязанности или совершающие действия для общественной пользы).

3— **Незаконное соглашение:**

— Ходатайства, предложения или согласие на предложения, обещания, дарения, презенты или всякого рода преимущества

— Злоупотребление должностными полномочиями или преступное бездействие

Наиболее часто применяемые меры наказания: 10 лет тюремного заключения и штраф достигающий 150 000 ˆ

Как показано ниже, по примеру правонарушений, связанных с коррупцией в целом, коррупционные преступления международного характера также были включены во французское законодательство.

## II ЗАКОНОДАТЕЛЬНО-НОРМАТИВНАЯ БАЗА

Франция ратифицировала ряд международных конвенций и включила в свою правовую систему некоторые документы Европейского Союза, сделав тем самым выбор в пользу того, чтобы выполнить свои международные обязательства.

### А. Международные документы, включённые во французское право

1. 31 июля 2000 г. Франция ратифицировала *Конвенцию ОЭСР от 17 декабря 1997* касательно борьбы с коррупцией иностранных государственных должностных лиц в ходе осуществления международных деловых операций. Целью этого соглашения было предотвратить подкуп иностранных государственных служащих со стороны международных компаний.

2. *Конвенция Европейского союза от 26 мая 1997 г.* по борьбе с коррупцией среди европейских должностных лиц, а также государственных служащих стран-членов ЕС (инкриминирование

активной и пассивной коррупции государственным служащим Европейского сообщества, стран-членов ЕС…).

*3. Кадровое решение 2003\586\отдела юстиции и внутренних дел в Совете Европейского союза от 22 июля 2003 г.* относительно коррупции в частном секторе предусматривает квалифицировать в качестве уголовно наказуемого деяния любой факт пассивной коррупции в профессиональной деятельности субъектов частного права, как физических, так и юридических лиц с целью разъяснить им их ответственность и согласовать законодательства.

*4. Конвенция ООН против коррупции 2003 г. (так называемая Меридская конвенция)*, ратифицированная 11 июля 2005 г. и вступившая в силу 15 декабря 2005 г. Данная конвенция является первым по-настоящему жёстким глобальным документом, который кроме того затрагивает в общих чертах все аспекты борьбы с коррупцией: предупреждение, инкриминирование, нормы уголовного права и уголовного процесса, международное сотрудничество, взыскание задолженностей, техническая помощь и обмен информацией. Особое внимание здесь уделяется важной роли средств борьбы с отмыванием денег и поощряется мониторинг со стороны финансовых учреждений за счетами их главных клиентов. Также подчеркивается важность создания подразделений финансовой разведки в странах, где они ещё не существуют.

*5. Конвенция Совета Европы об уголовной ответственности за коррупцию от 27 января 1999 г. и дополнительный протокол к ней от 15 мая 2003 г.* а также конвенция Совета Европы о гражданско-правовой ответственности за коррупцию от 4 ноября 1999 г.

**В Интеграция международных документов во французское законодательство**

**1— Закон № 2000-595 от 30 июня 2000 г.** относительно борьбы с коррупцией внёс поправки в уголовный и уголовно- процессуальный кодексы.

Этот закон ознаменовал собой важный этап в усилиях французских властей по борьбе с коррупцией в ходе осуществления международных деловых операций.

**2— Закон № 2005-743 от 4 июля 2005 г.** привнёсший и адаптировавший различные нормы права ЕС в сферу правосудия (транспозиция во внутригосударственное право кадрового решения отдела юстиции и внутренних дел Европейского союза от 22 июля 2003 г. относительно борьбы с коррупцией в частном секторе). С тех пор необязательно чтобы коррупционер был сотрудником компании. Таким образом, исполнительный директор предприятия, участник общества, представители либеральных профессий, таких как адвокаты, нотариусы, аудиторы, члены ассоциаций также могут быть привлечены к ответственности на основании этих положений.

В то же время меры наказания также были ужесточены. Тогда как прежняя статья L.152-6 трудового кодекса предусматривала максимальную меру наказания в виде лишения свободы до 2 лет и штраф в размере 30 000 евро, отныне коррупция в частном секторе подлежит наказанию для физических лиц – до 5 лет тюремного заключения и штраф в размере 75 000 евро, для юридических лиц – штраф, достигающий 375 000 евро.

Кроме того на правонарушителя могут быть наложены не менее значительные дополнительные меры наказания: запрет заниматься профессиональной деятельностью, помещение под судебный надзор, закрытие учреждения, исключение из рынка государственных заказов, конфискация предмета, послужившего для совершения преступления, публикация или придание огласки решению.

**3— Закон № 2007-1598 от 13 ноября 2007** продолжил адаптацию французского законодательства, ставшую необходимой для соблюдения международных обязательств Франции в области борьбы с коррупцией. В дополнение к положениям, касающимся коррупции, этот закон внес изменения в уголовно-процессуальный кодекс относительно способов проведения специальных методов расследования, применимых к делам о мошенничестве в составе преступного сообщества.

**а)** Данный закон внёс изменения во внутригосударственное право, в уже существующие положения, чтобы **унифицировать** составные элементы коррупции и торговли влиянием. Теперь относительно всех обвинений в коррупции и торговле влиянием, закон уточняет, что преимущество предоставляется либо государственному служащему, либо третьим лицам, что выражается следующей формулировкой « *для себя самого или для третьих лиц* ».

Это добавление гарантирует интерпретацию, соответствующую требованиям конвенции Совета Европы об уголовной ответственности за коррупцию.

Закон от 13 ноября 2007 г. также добавил в ст. 433-2 уголовного кодекса (касательно активного и пассивного злоупотребления влиянием в корыстных целях между физическими лицами) и ст. 445-1 У.К. (относительно дачи взятки лицу, не являющемуся государственным служащим) выражение « в любой момент », которое трактовалось не одинаково.

**b) Обвинения в отношении сотрудников судебного ведомства**

В статье 434-9 уголовного кодекса, относительно активной и пассивной коррупции сотрудников государственного судебного аппарата фигурирует перечень лиц, которые представляют собой личный состав судебного ведомства подверженный коррупции. Закон добавил в этот список « *сотрудников канцелярии суда* », которые до настоящего момента были забыты, в то время как они упоминаются в ст. 11 конвенции Совета Европы об уголовной ответственности за коррупцию.

Кроме того, для того чтобы придерживаться требований дополнительного протокола конвенции Совета Европы об уголовной ответственности за коррупцию, определение понятия третейского судьи было изменено.

В действительности, наше законодательство различало национального и зарубежного арбитров на основе территориального критерия (миссия осуществляется на территории страны или за её пределами, бывшая статья 434-9). Впредь французское законодательство распространяется на « *любого арбитра, исполняющего свои обязанности под властью закона иностранного государства о третейских судах* ». Благодаря интеграции в тексты обвинения ссылки на процессуальный закон, на основании которого судья выполняет свои обязанности, закон, таким образом, заменил бывший территориальный признак на материальный фактор.

Привлечение к ответственности за коррупцию национального или иностранного третейского судьи по-прежнему подчиняется обычным критериям территориальной юрисдикции уголовных судов Франции, поскольку это не противоречит общим положениям уголовного кодекса (ст. 113 - 2 и 113-6 и последующие статьи У.К.).

Таким образом, при применении ст. 113-2 и последующих статей мы можем определить компетенцию французских судов для того, чтобы узнать факты происшествия, определить закон (национальный или зарубежный), в силу которого судья выполняет свои обязанности, также это позволяет квалифицировать и определить относятся ли факты коррупции к сотрудникам национальных судебных органов в соответствии со статьей 434-9 или же к коррупции сотрудников иностранной или международной судебной системы в соответствии с новыми статьями 435-7 и 435-9 уголовного кодекса (см. ниже).

— В статью 434-9 уголовного кодекса, также как и в новые документы о коррупции среди сотрудников иностранного и международного судебного ведомства была добавлена гипотеза о « *содействии кому-либо с использованием служебного положения* ».

В действительности, во всех обвинительных текстах о коррупции (даже в частном секторе) уже упоминалось о « *злоупотреблении должностными полномочиями или преступном бездействии* » чтобы установить деяние ожидаемое коррупционером.

Только обвинения в коррупции сотрудников судебного ведомства национального или международного уровня не определяют, что выносимый ими вердикт может являться результатом «*содействия с использованием должностных полномочий*». Это искажение в составлении документов и, следовательно, в трактовке фактов преступления было упразднено.

Помимо судебных заключений и постановлений, которые являются деяниями, вытекающими из служебных обязанностей судей, отныне могут быть рассмотрены деяния по содействию кому-либо с использованием должностных полномочий, таких как необоснованное получение бюллетеня n° 1 из досье криминалистического учёта, информации о расследовании или материалов судебного дела.

**c) Расширенное толкование обвинений в международных преступлениях**

**— Расширение сферы действия существующих обвинений**

Отныне закон более не различает, имеет ли коррупция место в контексте международной торговли или при любых других обстоятельствах. Следовательно, были удалены все ссылки на деяния, совершенные в ЕС или за его пределами, а также ссылка на конвенции в обвинительных статьях.

Теперь во французском праве существует четыре обвинения в международной коррупции:

— Пассивная коррупция среди государственных служащих, депутатов иностранного государства или сотрудников международных организаций (ст. 435-1 уголовного кодекса);

— Активная коррупция среди государственных служащих, депутатов иностранного государства или сотрудников международных организаций (ст. 435-3 уголовного кодекса);

— Получение взятки сотрудниками судебного ведомства национального или международного уровня (ст. 435-7 У.К.);

— Дача взятки сотрудникам судебного ведомства национального или международного уровня (ст. 435-9 У.К.);

Два первых правонарушения теперь позволяют французским судебным органам привлекать к ответственности и судить как взяткодателя, так и коррумпированного иностранного или международного государственного служащего. Это постановление касается любого представителя государственной власти или избранного депутата любого иностранного государства, а также сотрудников международных, общественных или региональных организаций (ООН, НАТО, ЕС).

— **Создание новых обвинений**

Во внутригосударственное право было добавлено обвинение в активном и пассивном злоупотреблении влиянием в корыстных целях в отношении национальных сотрудников судебного ведомства (новая статья 434-9-1 У.К.). До настоящего момента торговля влиянием по отношению к магистрату могла быть преследована в уголовном порядке как злоупотребление влиянием по отношению к госслужащему, предусмотренное статьёй 433-2 У.К., так как магистраты могут быть отнесены к « государственным органам и органам власти ». И напротив, торговля влиянием по отношению к третейскому судье или эксперту не могла быть преследована на этих же основаниях. Новое положение статьи 434-9-1 У.К.

1.Торговля влиянием по отношению к международным государственным служащим

Законодательство предусматривает одинаково преследовать по закону торговлю влиянием, как по отношению к госслужащим, так и международным сотрудникам (судья международного суда, депутат международной ассамблеи или международное должностное лицо).

Для этого в законе было предусмотрено четыре новых обвинения:

– пассивная торговля влиянием в отношении международного государственного служащего (ст. 435-2 У.К.);

– активная торговля влиянием в отношении международного государственного служащего (ст. 435-4 У.К.);

– пассивная торговля влиянием в отношении сотрудников судебного ведомства международного уровня (ст. 435-8 У.К.);

– активная торговля влиянием в отношении сотрудников судебного ведомства международного уровня (ст. 435-10 У.К.).

2. Барьеры на пути правосудия

Положения Конвенции ООН 2003 г. против коррупции привели к прямому расширению сферы правонарушений согласно статьям 433-3, 434-8 и 434-15 уголовного кодекса, которые инкриминируют препятствия для надлежащего функционирования национальных систем правосудия, а также факты нарушения функционирования судебной системы другого государства или международной организации.

Таким образом, закон создает две новые статьи: о « *подкупе свидетеля* » в рамках иностранного или международного судопроизводства (ст. 435-12 УК) и « *угрозах или запугивании иностранных или международных сотрудников судебного ведомства* » (ст. 435-13 УК).

Статья 435-12 УК предписывает, что «наказывается тремя годами тюремного заключения и штрафом в размере 45 000 евро факт использования кем-либо обещаний, предложений, презентов, давления, угроз, насильственных действий, манипулирования или других ухищрений в ходе судебного разбирательства или относительно исковых требований или судебной защиты в иностранном государстве или международном суде, чтобы склонить другого человека дать или воздержаться от дачи показаний, побудить кого-либо дать ложные показания, даже если подкуп не возымел должного действия ».

При составлении данной статьи была взята за основу соответствующая статья внутригосударственного права. (ст. 434-15 УК).

Составные элементы преступления те же самые. Отличие заключается лишь в самом судопроизводстве, в течение которого происходят эти события, так как речь идёт о « судебном разбирательстве или об исковых требованиях или судебной защите в иностранном государстве или международном суде ».

Статья 435-13 УК предписывает что « наказывается десятью годами тюремного заключения и штрафом в размере 150 000 евро факт использования кем-либо угроз, насильственных действий или совершение другого рода неправомерного влияния с целью добиться от магистрата, присяжного заседателя или любого другого сотрудника судебного ведомства, госслужащего или офицера обнаружения преступлений и уголовного преследования в иностранном государстве или международном суде, чтобы тот совершил или воздержался от совершения каких-либо действий, связанных с его должностными полномочиями или же содействием кому-либо с использованием служебного положения.

В основу этой поправки, внесённой в ст. 433-3 относительно угроз и неправомерного влияния в отношении государственных служащих, входит статья 434-8 УК, касательно угроз и неправомерного влияния в отношении сотрудников национального судебного ведомства. Однако, она охватывает более широкий спектр, так как она также рассматривает факт применения « насильственных действий », а не только угроз и запугиваний, а также « офицера обнаружения преступлений и уголовного преследования », что значительно расширяет перечень служащих, сюда входят « солдаты жандармерии, сотрудники национальной полиции, таможни, инспекции труда».

— 3. Защита сотрудников-осведомителей

Закон предусматривает новый раздел в трудовом кодексе относительно коррупции, в котором прописана эффективная правовая защита работника, добросовестно сообщившего своему начальству или давшего показания в судебных или административных органах о фактах обнаружения им коррупции в процессе осуществления своих служебных обязанностей.

Это постановление позволяет привести закон в соответствие с требованиями статьи 9 конвенции Совета Европы о гражданско-правовой ответственности за коррупцию от 4 ноября 1999 г., которая призывает государства-участники обеспечить « адекватную защиту» против любых необоснованных санкций в отношении сотрудников « информаторов ».

**4 – Закон N 2011-525 от 17 мая 2011 г.** об упрощении и улучшении законодательства был вынужден переписать существующие обвинения, чтобы расширить область их толкования и учесть требования различных международных документов.

Данный закон прояснил нормативные акты касательно « антериоритета коррупционного сговора » особенно в отношении подкупа иностранных государственных должностных лиц, упразднив условие предшествования ходатайства о разрешении, предложении или факта уступки на просьбы по отношению к моменту возникновения спорного вопроса.

## III– НОРМЫ УГОЛОВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА

В этом разделе будет кратко представлена не только организация уголовного преследования и судебное разбирательство дел о коррупции, но и будут освещены некоторые особенности французского законодательства по этому вопросу.

### А– Привлечение к уголовной ответственности за коррупцию, в том числе иностранных должностных лиц

Все уголовные суды второй инстанции[1], правомочные в территориальном отношении, рассматривают дела о коррупции.

Тем не менее, бывают ситуации, когда уголовные дела касательно торговли влиянием и международной коррупции подпадают одновременно и под юрисдикцию суда большой инстанции г. Парижа и уголовных судов первой инстанции. Эта конкурирующая подсудность распространяется на такие сферы деятельности как привлечение в уголовной ответственности, следствие и судебное разбирательство, и это в не зависимости от сложности дел в соответствии со ст. 706-1 УПК.

Компетенция французских судебных органов была значительно расширена в области коррупции внутри сообщества. Статья 689-8 уголовно-процессуального кодекса (УПК) определяет расширенную сферу компетенции французских судебных органов в области коррупции внутри сообщества, в соответствии с требованиями конвенции Европейского союза.

Внутри ЕС, конвенция 1997 г. о коррупции внутри европейского сообщества напротив опирается на принцип ассимиляции, который запрещает привлечение к уголовной ответственности лиц за коррупцию в отношении должностного лица другого государства-члена ЕС или европейского чиновника на более жестких условиях, чем для коррупции внутри государства. Следовательно, уголовное преследование может быть реализовано посредством гражданского иска, так как оно существует во внутригосударственном праве.

Закон оставляет за прокуратурой право уголовного преследования коррупционных правонарушений со стороны иностранных должностных лиц или сотрудников судебного ведомства международного уровня за пределами Евросоюза (ст. 435-6 и 435-11 УК). ОЭСР недавно снова порекомендовала Франции упразднить данную монополию на привлечение к уголовной ответственности.

Стоит также отметить в организации французской судебной системы существование 30 экономических и финансовых центров на региональном уровне, также как и создание в октябре 2004 г. межрегиональных специализированных судов[2], учреждённых законом от 9 марта 2004 г.

Межрегиональные специализированные суды включают в свой состав магистратов, сотрудников прокуратуры, следственных судей, имеющих большой опыт в рассмотрении дел по борьбе с организованной преступностью и финансовыми преступлениями, представляющих большую сложность (ст. 704, 1-й абз. уголовно-процессуального кодекса ст. К. 47-2 УПК).

Эта специализация субъектов судебного разбирательства на самых сложных делах находит отражение в следственных органах.

Центральная бригада по борьбе с коррупцией, созданная в октябре 2004 г. при министерстве внутренних дел, представляет собой многопрофильный орган, состоящий из полицейских, жандармов и чиновников, задействованных в сфере экономики, финансов и промышленности и работающих под началом главы государственного комитета налоговых и финансовых расследований и центрального управления судебной полиции.

Задачей Центральной бригады по борьбе с коррупцией является проведение, самолично или при содействии других следственных органов, при согласовании с судебной инстанцией, всех следственных действий касательно фактов коррупции, а также фактов растраты корпоративных средств, бухгалтерских правонарушений связанных с вышеупомянутыми преступлениями. Данная бригада рассматривает сложные дела, как правило, международного уровня, подпадающие под их компетенцию, как например дела с участием иностранных должностных лиц.

**В – Расширенное толкование отдельных**

**следственных методов, применимых к организованной преступности, коррупции и торговле влиянием**

Статья 50 Меридской конвенции предусматривает, что каждое государство-участник « предпринимает, в пределах своих возможностей, меры необходимые для того, чтобы власти могли надлежащим образом прибегнуть на своей территории к контролируемым поставкам, а также, когда сочтут нужным, к другим специальным методам расследования, таким как электронное наблюдение или другим формам контроля, а также использовать агентурные операции ».

Таким образом, в законодательной власти были расширены сферы применения некоторых специальных методов расследования касательно коррупции и торговли влиянием, к которым они подходят из-за тайного характера данных правонарушений. Отныне ко всем правонарушениям, относящимся к коррупции и торговле влиянием национального и международного уровня применяются меры по наблюдению (ст. 706-80 уголовно-процессуального кодекса - УПК), агентурные операции (ст. 706-81 по 706-87 УПК), прослушивание телефонных разговоров на стадии расследования (ст. 706-95 УПК), прослушивание и видеонаблюдение некоторых мест и транспортных средств (ст. 706-96 по 706-102 УПК) и возможность принятия охранительных мер (ст. 706-103 УПК).

**С – Срок исковой давности уголовного дела**

Обычно срок давности уголовного иска относительно коррупционного правонарушения с участием иностранных должностных лиц составляет 3 года, что периодически вызывает критику ОЭСР, которая считает его неадекватным в вопросе о международной коррупции.

Однако, необходимо отметить, что судебная практика кассационного суда постепенно расширила срок исковой давности за преступления, носящие тайный характер. Таким образом, палата по уголовным делам кассационного суда указывает на то, что « отправная точка срока исковой давности по фактам коррупции и злоупотреблении доверием, была перенесена на дату, когда те были скрыты или обнаружены, с целью создания условий, позволяющих возбудить уголовное дело ».

**К- Привлечение к ответственности юридических лиц**

Вопрос привлечения в ответственности юридических лиц в делах о коррупции и, особенно, в делах о коррупции иностранных должностных лиц имеет большое значение в стратегии уголовного преследования. В действительности, если привлечение к ответственности юридических лиц будет осуществляться разумно путём высоких штрафов и значительных дополнительных мер наказания, таких как исключение из рынка государственных заказов, то оно позволит санкционировать надлежащим образом самые тяжкие факты коррупции внутри структуры юридического лица, коммерческая деятельность которого основана на использовании этих незаконных методов. Положения статьи 121-2 уголовного кодекса должны быть объединены. Из этого следует, что юридические лица могут быть признаны виновными только в том случае, если будет установлено, что правонарушение было совершено по их инициативе, их отделениями или представителями. Важно отметить, что судебная практика кассационного суда приняла широкое толкование этого понятия, чтобы упростить ответственность самого юридического лица.

Таким образом, кассационный суд полагает, что ответственность юридических лиц может быть доказана действиями делегатария, например руководителя зарубежного филиала компании или же отсутствием физического лица, ответственного за коррупционные деяния, тогда как известно, что правонарушение было совершено одним из отделений или представителей данной компании. В таком случае, можно предположить, что коррупционное решение могло быть принято только руководителем компании, по причине расходов внутри предприятия.

**Е- Использование процедуры явки в суд по предварительному признанию вины в области международной коррупции**

Закон N 2011 -1862 от 13 декабря 2011 г. касательно распределения судебных дел и упрощения некоторых судебных процедур, в статье 27 позволил расширить область применения процедуры признания своей вины и явки в суд относительно правонарушений, за которые предусмотрено наказание до 10 лет лишения свободы[3] и коррупционного правонарушения со стороны иностранных государственных служащих. Однако, эта процедура строго ограничивается простейшими случаями, в которых взяточничество является отдельным событием, изолированным от повторяющейся практики рассматриваемой компании.

## IV– ОПЕРАТИВНЫЕ СРЕДСТВА

На практике, французские судьи опираются на существующие методы привлечения внимания общественности к проблеме коррупции и её выявления, чтобы более эффективно производить расследование и оптимально бороться с коррупцией.

**А— Аудиторские проверки, осуществляемые центральным управлением по предупреждению коррупции**

Франция считает, что для эффективной борьбы с межнациональной коррупцией необходима глобальная мобилизация всех служб данного го-

сударства (судебные органы на местах, технические службы министерства юстиции, технические отделы министерств, таких как министерство иностранных и европейских дел, министерство экономики, финансов и промышленности).

Центральное управление по предупреждению коррупции, основанное законом n 93- 122 от 29 января 1993 г. при министерстве юстиции выдаёт заключения по законопроектам и мерам, необходимым для предупреждения фактов пассивной и активной коррупции, участвует в проведении тренингов в национальной школе магистратуры по вопросам профессиональной этики судей и т.д. Оно также может оказывать содействие судебным органам при обнаружении последними фактов коррупции, или относительно правонарушений о посягательстве на порядочность судей.

**Уведомление со стороны должностного лица или аудитора о совершении правонарушения**

Скрытый характер коррупционных действий показывает, что помимо уведомления о незаконной деятельности изнутри предприятия, выявление фактов коррупции осуществляется посредством анализа компании, к которой принадлежит взяткодатель или путём оценки предоставления неположенного преимущества в процессе частноправовой сделки.

В силу статьи 40 уголовно-процессуального кодекса и на основании статьи L 823 коммерческого кодекса должностные лица и аудиторы обязаны докладывать прокурору республики о преступных деяниях, с которыми они столкнулись в ходе осуществления ими своей профессиональной деятельности.

**С- Обнаружение и конфискация незаконно приобретённого имущества**

Регулярный поиск случаев незаконного обогащения, особенно посредством выявления внешних признаков богатства является составной частью уголовной политики и обнаружения незаконных прибылей.

**1— Обнаружение**

a) Управление разведки и противодействия подпольным финансовым схемам (TRACFIN) было создано в 1990 г. после саммита G7 при министерстве бюджета, государственных счетов и гражданской администрации Франции, чтобы бороться с подпольными финансовыми схемами и операциями, отмыванием денег и финансированием терроризма. Основной задачей TRACFIN является борьба с подпольными финансовыми схемами и операциями, отмыванием денег и финансированием терроризма.

b) Национальная картотека банковских счетов (FICкBA) занимается регистрацией счетов всех видов (банковские, почтовые, сберегательные вклады...) и предоставляет уполномоченным лицам информацию о счетах физических лиц или компаний. Судебные органы часто обращаются к этому банковскому учреждению, которое может быть очень полезным для выявления банковских счетов физических лиц во Франции.

c) Отдел по обнаружению имущества, добытого преступным путём (PIAC) при Центральном бюро по борьбе с крупными финансовыми преступлениями

**2— Конфискация незаконно приобретённого имущества**

Агентство по управлению арестованным и конфискованным имуществом (AGRASC), государственное учреждение, находящееся под надзором министерства юстиции, свобод и бюджета, государственных счетов и государственной реформы, было создано на основании закона № 2012-768 от 9 июля 2010 г. с целью облегчения наложения ареста на имущество и его конфискации в уголовном судопроизводстве.

[1] Во Франции, включая метрополию и заморские владения, существует 180 судов большой инстанции.

[2] Закон предоставил межрегиональные компетенции 8 судебным органам ( Париж, Лион, Марсель, Лилль, Ренн, Бордо, Нанси и Фор-де-Франс (Мартиника)

[3] Существуют исключения упомянутые в статье 495- 16 уголовно-процессуального кодекса, особенно если речь идёт об умышленном или неумышленном посягательстве на физическую неприкосновенность человека или преступлениях сексуального характера.

**Олимхўжа НАБИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи**

# КОМПЬЮТЕР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

✦ *Мақолада компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларни квалификация қилиш муаммолари, мазкур жиноятчилиги тушунчаси, уларнинг турлари ва келиб чиқиш сабаблари ёритилган.*

✦ *В статье рассматриваются проблемы квалификации преступлений связанных с использованием средств компьютерной техники, понятия данной преступности, их виды и причины совершения.*

✦ *In article, are being considered problems of classification of crimes associated with using computer technologies, notions of this criminality, types and reasons of perpetration.*

***Таянч сўзлар:*** *компьютер технологиялари, компьютер жиноятлари, компьютер ўғрилари, компьютер фирибгарлиги, компьютер вируслари.*
***Ключевые слова:*** *компьютерные технологии, компьютерные преступления, компьютерная кража, компьютерное мошенничество, компьютерные вирусы.*
***Key words:*** *computer technology, computer crimes, computer's robbery, computer fraud, computers virus.*

Мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларда юз бераётган улкан ўзгаришларни ижтимоий ҳаётимиздаги ахборот технологиялари соҳасидаги динамик фаол ўзгаришларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Компьютерлаштириш ва компьютер технологиялари соҳалари ўзининг жамият учун фаол ижобий хусусиятлари билан биргаликда, ҳаётимизда янгидан-янги салбий ижтимоий муносабатларни, хусусан, ҳуқуққа хилоф фаолият турларини, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига янги турдаги жиноятлар билан курашиш масъулиятини ҳам юклади.

Президентимиз Ислом Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, "Аҳолининг интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти кенгайиб бораётганини албатта ижобий баҳолаш лозим. 2010 йилда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 1,4 баробар кўпайди ва 6,6 миллион кишидан ошди. Айни вақтда интернет хизматини кўрсатиш тарифларини босқичма-босқич камайтириб бориш ҳисобидан ундан фойдаланувчилар учун шароитлар тобора яхшиланмоқда. Хусусан, 2010 йилда бу борадаги тарифлар 20 фоизга пасайтирилганини алоҳида қайд этиш керак"[1].

«Компьютер жиноятлари» термини дастлаб Америка, кейинчалик эса бошқа чет эл адабиётида 60-йилларнинг бошларида, компьютердан фойдаланиш орқали жиноятлар содир этилиши ҳоллари аниқланган даврдан бошлаб, қўлланила бошланди[2]. Ўшанда компьютер жиноятлари содир этадиган шахсларни «компьютер ўғрилари», «қўлсиз босқинчилар», жиноят содир этиш усулини эса «электрон мияни бузиш» деб аташ расм бўлган эди.

Компьютер техникаси ёрдамида содир этиладиган жиноятлар ичида, айниқса, иқтисодиёт соҳасидаги турли жиноят шаклларининг кўпайганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Компьютер технологиялари воситасида содир этиладиган жиноятларнинг аксариятини ўғрилик (ЖК 169-модда), фирибгарлик (ЖК 168-модда), ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш жиноятлари (ЖК 167-модда) ташкил этади.

Мазкур жиноятларни умумий бир хусусият ва белги бирлаштириб туради. Жумладан, ушбу жи-

ноятлар фақатгина компьютер технологиялари асосида содир этилади, бир объект атрофида бирлашган бўлади, жиноят содир этиш қуроли ва воситалари ҳам деярли бир хил бўлиб, жиноятчи шахси ҳам профессионал сифатлари билан ажралиб туради. Бундай жиноятларни содир этиш учун юқори даражадаги компьютер технологиялар соҳасидаги билим ва малака талаб қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур тоифадаги жиноятлар ўз хусусиятига кўра электрон маълумотларнинг хавфсиз сақланиши, алмашинуви ва қайта ишланиши соҳасида жамиятдаги ижтимоий муносабатларга жуда катта зарар етказиб, бу зарар ҳажмини тўғри баҳолаш бугунги амалиётда учраб турадиган муаммолардан биридир.

Ўтказилган таҳлилларга кўра, барча компьютер технологиялари воситасида содир этиладиган жиноятларнинг 70 фоизида компьютердан ўзгалар мулкига тажовуз қилишнинг воситаси сифатида фойдаланилади. Бу каби ижтимоий хавфли қилмишлар бизга унга қарши самарали кураш чораларини излаш ва шунга мувофиқ жиноят қонунини такомиллаштириш талабини қўяди. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, амалдаги компьютер техникаси воситасидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкини талон-торож қилишни тартибга солишга қаратилган жиноят қонуни нормалари бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермай қолди.

Компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар ичида "компьютер фирибгарлиги" (computer fraud) кенг тарқалган бўлиб, у ўтган асрнинг 70-йилларида ривожланган давлатларда иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этишнинг кенг тарқалиши билан вужудга кела бошлади.

Натижада 1980 йилларга келиб кўплаб давлатлар жиноят қонунчилигида иқтисодиёт соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг содир этиш усулларига тегишли ўзгартишлар киритила бошланди.

Компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жинояти талон-торож қилишнинг замонавий шакли бўлиб, бу энг аввало, тадбиркорлик ҳамда хўжалик фаолияти соҳаларида компьютер технологияларидан кенг фойдалана бошланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Лекин миллий Жиноят кодексида махсус компьютер технологиялари воситасида содир этиладиган талончилик жиноятлари учун жавобгарлик ўрнатувчи махсус модда мавжуд эмас. Бу ҳолат яқин қўшни давлатлар ва Россия Федерацияси қонунчилигига ҳам тегишли ҳолат саналади. Бундан фарқли равишда, ГФР ва АҚШ қонунчилигида шу тоифадаги ижтимоий хавфли қилмишларни тартибга солишга қаратилган махсус нормалар ўрнатилган.

Бироқ бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида компьютер фирибгарлиги тушунчаси мавжуд бўлмаса-да, мазкур тушунча илмий адабиётларда кенг тарқалган бўлиб, у асосан банк ҳисоб варақларини бузиш, кредит-молия тизимларида компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларни содир этиш усули сифатида эътироф этилади.

Шу боис, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жинояти содир этилиш усулларига кўра хилма-хил бўлиб, мазкур жиноятларни тўғри квалификация қилиш учун компьютер технологиялари соҳасидаги жиноятлар тушунчасини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ.

Компьютер жиноятчилигига қуйидаги уч жиҳатдан ёндашиш мумкин:

— компьютер техникаси воситалари ва шу шаклда маълумотларни сақловчи ахборот сақлаш воситаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш, олиш, йўқ қилиш ёки унга зарар етказишга қаратилган жиноят сифатида. Бу жиноят компьютер хотирасида сақланаётган маълумотларни қонунга хилоф равишда операция қилишга қаратилмаган бўлиб, шу сабабли мавзу ижтимоий хавфли қилмишларни ўзгалар мулкига талон-торож сифатида баҳолаш лозим. Бунда энг аввало, маълумотларга бўлган компьютер операцияларини олиб боришга бўлган субъектнинг ҳуқуқи ва уни амалга ошириш усулларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

— Компьютер "вируслари"ни, яъни зарарли дастурларни яратиш ҳамда уни юбориш ёки жойлаштириш орқали компьютер ахборот базасига рухсатсиз кириш билан боғлиқ жиноятлар. Бу каби қилмишларга нисбатан жавобгарлик ЖК $278^6$-модда билан юзага келади.

Жиноятчилар томонидан компьютер техникаси воситаларидан тамагирлик ниятида жиноят содир этишда фойдаланилади. Бунда энг аввало, жиноятчилар ўзгалар мулкини қўлга киритиш мақсадида бирор-бир ташкилотнинг маълумотлар базасига ёки дастурий таъминотига тегишли ўзгартишлар киритишади.

Бугунги кунда банк фаолиятида ЭҲМ ёки компьютер тармоқларидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жинояти кенг тарқалган.

Мазкур тоифадаги жиноятларда айбдор компьютердаги молиявий характердаги маълумотлар базасига киришга рухсати бўлган ҳолда, яъни ўз хизмат вазифасидан фойдаланган ҳолда банк ҳисоб-китоб операцияларидаги камчиликларни аниқлаш орқали пул операцияларини қонунга хилоф равишда амалга ошириш йўли билан ўзга-

лар мулкини талон-торож қилишга ҳаракат қилади. Бунда тахминан қуйидаги ҳаракатларни қилишга уринади:

— келгусида пул маблағларини талон-торож қилиш мақсадида ЭҲМ дастурий таъминотига кирувчи базага маълумотларни нотўғри кўрсатиб киритади;

— карточка ёрдамида электрон пул ҳисоб китобларини амалга оширувчи компьютер дастурига кириш кодини аниқлайди;

— тўлов карточкаларининг дубликатларини тайёрлайди, кўпинча банк тизимининг бухгалтерия тизимлари андозаларини тайёрлашга уринади.

Аксарият ҳолатларда компьютер тармоқларини бузиш ва унга рухсатсиз кириш замонавий компьютер хийлаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Натижада жиноятчи банк мижозларининг ҳисоб варақларини бузишга ва ўз ҳисоб варақларига пулларни ўтказишга муваффақ бўлади. Кўпчилик ҳолатларда жиноятчилар ўз ҳисоб варақларини дунёнинг турли давлатларидаги банкларда очишга ҳаракат қилишади ҳамда банкни танлашда улар ушбу банк жойлашган давлатнинг ҳуқуқий режими, унинг халқаро шартномаларга аъзолиги каби масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратишади. Чунки давлатнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга аъзолиги ва унинг халқаро ҳамкорлиги кўпчилик ҳолатларда жиноятчиларнинг яширинишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Бундай жиноятларни содир этиш ўз навбатида жуда катта тайёргарлик ва аниқ ишлаб чиқилган жиноят режаси билан чамбарчас боғлиқ. Бу ўринда жиноятчининг жиноятга тайёргарлик кўриш жараёни унинг жиноят содир этиладиган банк ёки ташкилот билан қанчалик боғлиқ эканлиги, унинг фаолиятидан қанчалик хабардор эканлиги билан ҳам боғлиқ. Банк ёки талон-торож қилиш объектига айланган ташкилотга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган шахс, аввало, мазкур ташкилот компьютер тизимига йўл топишга уринади, унинг дастурий таъминоти паролини аниқлашга ёки уни бузишга ҳаракат қилади. Четдан ҳаракат қилаётган шахслардан фарқли равишда талон-торожга қўл ураётган банк ёки ташкилот ходимлари бошқачароқ ҳаракат қилишга уринади. Улар пул маблағларини ўтказиш учун сохта фирма ёки ташкилотлар тузишга ва унинг ҳисоб варақларига пул маблағларини ўтказишга интилади.

Жиноий ҳаракат дастлаб жиноятчининг ЭҲМ ёки бошқа автоматлаштирилган дастурий таъминот билан алоқага кириши ва ундаги маълумотлар базаси, пул алмашиниш йўлларини ўрганиш билан бошланади. Кейинчалик эса тегишли пул ёки маълумотлар жиноятчи ўзи атайлаб ташкил этган ёки келишилган ташкилот пул маблағига ўтказиш йўллари изланади[3].

Бу ўринда жиноятни квалификация қилишда айрим муаммолар вужудга келиши мумкин. Хусусан, бу шаклда содир этиладиган жиноятларни фирибгарлик деб квалификация қилиш лозимми ёки бу ҳаракатлар яширин амалга оширилиш хусусиятига кўра ўғирликни тавсифлайдими, деган савол туғилади.

Бундай ҳолатларда жиноятни содир этишнинг объектив томони белгиларига эътибор қаратиш лозим бўлади. Агар жиноят банк ёки ташкилотнинг масъул шахси томонидан содир этилса ёки ишониб топширилган шахснинг ҳаракатларидан иборат бўлса, у ҳолда ЖК 167-моддаси билан квалификация қилиниши лозим. Агар жиноят банк ёки ташкилотга умуман алоқаси бўлмаган шахс томонидан банк дастурий таъминоти паролини аниқлаш ёхуд бузиши оқибатида амалга оширилган тақдирда қилмишни ўғирлик деб тавсифлаш мақсадга мувофиқ.

Айрим олимлар эса, мазкур ҳолатларни ҳеч қандай эътирозсиз фирибгарлик деб тавсифлаш лозимлигини уқтиришади. Лекин бу қараш ҳам ўз навбатида мунозарага сабаб бўлиши мумкин.

Б.Завидовнинг фикрича, бу ҳолатларда алдов биринчи навбатдаги белгига айланади. У алдовнинг мазмунини айбдорнинг компьютер дастурларни онгли равишда нотўғри расмийлаштириши, рухсатсиз маълумотлар жараёнига таъсир қилиши, банк маълумотларидан нотўғри фойдаланиши, ўзгалар мулкини қўлга киритиш мақсадида нуқсонли ва бузилган дастурларнинг қўлланилишида деб изоҳлашга ҳаракат қилади[4].

Лекин, бу ҳаракатларни алдаш деб эътироф этиш мумкинми? Бу ҳаракатларни содир этиш вақтида айбдор мулки йўқолишидан зарар кўрган жабрланувчини эмас, балки компьютер тизимини алдашга уринади. Агар шундай бўлса, айбдор талон-торож қилиш жараёнида қандай алдов турини қўллайди? Бу жараёнда айбдор фаол алдов турини амалга ошириши мумкин. Лекин бу ўринда ҳам айбдор компьютер воситаларига ҳеч қандай алдашга қаратилган маълумотларни тақдим этмайди. Бу вақтга қадар маълумот ўша компьютер базасида сақланаётган бўлади, айбдор уни маълум даражада ўзгартиради, холос. Шундан сўнг, ўзининг жиноий ниятини амалга оширишнинг сўнгги босқичидагина айбдор пул маблағларини ўз ҳисоб варақларига ўтказиш вақтида банк операцияларини амалга оширувчи аниқ бир шахслар (кассир, банк операциялари бўйича масъул ходим ва бошқалар) билан алоқага киришади.

Аммо, бу жараёнда ҳам барча ҳаракатлар яширин равишда содир этилади, пул маблағларини ўтказиш вақтида иштирок этган банк ходимлари ҳам бу ҳаракатларни қонунга хилоф равишда содир этилаётганлигини тасаввур қилмайди. Бундан ташқари, бу жиноят содир этиш босқичида ҳам айбдор банк ходимларига нотўғри маъ-

лумотларни тақдим этмайди, у фақатгина худди ўша банкнинг мижози сифатида ўзига тегишли пул маблағини нақд пул шаклида олади ёки бошқа ҳисоб вараққа кўчиради.

Ушбу ҳолатларда яна бир қарши фикр юзага келиши мумкинки, яъни айрим ҳолатларда бу каби фирибгарлик операцияларини амалга ошириш вақтида айбдор қилмишни содир этиш учун сохта ҳужжатларни тақдим этиши мумкин. Банк ходимларига тақдим этилаётган ҳужжатлар фирибгарлик жиноятини содир этиш воситаси ёки қуроли бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу сабабли бу ҳолатларда қилмишни фирибгарлик сифатида квалификация қилиш талаб қилинади.

Агар талон-торож қилиш жинояти ҳеч қандай банк ёки кредит ташкилотларининг ходимлари билан тўғридан-тўғри алоқага киришмасдан содир этилган тақдирда, қилмишнинг яширин амалга оширилганлиги белгисидан келиб чиққан ҳолда, ўғрилик деб квалификация қилиш лозим.

Алоҳида ҳолатларда, банкларда компьютер воситаларидан фойдаланган ҳолда ўғрилик содир этиш жинояти нафақат банк операциялари билан шуғулланувчи ходимлар томонидан, балки банк ёки кредит ташкилотининг бошқарув вазифалари билан шуғулланувчи ходимлар томонидан ҳам содир этилиши мумкин. Бундай ҳолатларда шахс нафақат ўғрилик учун жавобгарликка, балки ўз хизмат ёки мансаб ваколатларини суиисътемол қилганликда ҳам айбланиши мумкин. ЖКнинг 205-моддасига биноан ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти объектив томондан қуйидаги уч муқаррар белгидан иборат:

— шахснинг ўз мансаб ваколатидан фойдаланиши кўринишидаги қилмиш;

— фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зарар етказиш шаклидаги жиноий оқибатлар;

— қилмиш ҳамда келиб чиққан жиноий оқибатлар ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлиги[5].

Бу ўринда шахсни мазкур модда билан жавобгарликка тортиш учун, аввало, у томонидан банк ёки жамиятга етказилган аниқ зарарларни исботлаш талаб қилинади. Бизнингча, бу каби ҳолатлар аниқланган тақдирда қилмишни компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда ўғрилик ёки фирибгарлик ва мансабдорлик жиноятлари билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиш лозим.

Олимлар орасида ҳам компьютер техникаси воситасидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятларини квалификация қилишда бир хил ёндашув мавжуд эмас. Бу энг аввало, компьютер воситаларидан фойдаланган ҳолда жиноят содир этиш вақтида фирибгарлик ёки ўғрилик белгиларининг мавжудлигини белгилаш билан боғлиқ. Бу тоифадаги жиноятларда мулк эгаси унга нисбатан айбдор компьютер воситасида қилган ҳаракатлари натижасида ўз ихтиёрига кўра жиноятчига мулкини тақдим этади. Бу шаклдаги алдов бир қарашда фирибгарликда назарда тутилган алдовдан катта фарқ қилади. Чунки, алдов бевосита мулк эгасига нисбатан эмас, балки компьютер базаси ёки унинг операциялар амалга оширишига нисбатан содир этилади. Бу эса содир этилган алдовнинг восита шаклида қўлланилганлигини ва бевосита жиноятни содир этишга қаратилмаганлигини келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, жиноят предметига мантиқан ёндашадиган бўлсак, компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзгалар мулкини талон-торож қилиш вақтида айбдор тажовуз қилувчи компьютер маълумотлари бевосита пул маблағини тақдим этмайди. Бу компьютер базаларида пул маблағлари ёки мулк сақланмайди, аксинча, мулкнинг тавсифловчи маълумотларигина сақланади, шундан келиб чиқадики, бевосита мулкдорга алдов ишлатилмас экан, демак, мулкни мулк эгаси ўз ихтиёрига кўра айбдорга тақдим этади.

Агар айбдор компьютер тизимига пул маблағларини эгаллаш ёки бошқа мулкни қўлга киритиш мақсадида қонунга хилоф равишда кирар экан, бу ҳолатда у компьютер тизимига ҳийла ишлатиш ёки бошқа техник воситалар ёрдамида киради.

Компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб ўзгалар мулкини талон-торож қилишнинг моҳияти шундаки, айбдор компьютер тизимидаги автоматик ўзгарувчан маълумотларни модификация қилиши натижасида мулк билан боғлиқ маълумотларда тегишли ўзгаришлар юз беради, бу эса мулкка бўлган эгалик ҳуқуқининг ўзгаришига, яъни айбдор хоҳлаган шахсга бошқа мулкдорга тегишли мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг ўтишини англатади.

Компьютер техникаси воситасидан фойдаланиб жиноят содир этиш жуда мураккаб жиноятлар сирасига киради. Ҳозирги кунда компьютер ёрдамида фирибгарлик содир этишнинг турли усуллари мавжуд. Айтайлик, компьютер хотирасидаги маълумотларни олиб ҳисоб варақни бошқа, янгисига кўчириш; банк тўлов кредит карточкалар ёрдамида, яъни қалбакилаштириш ёки ҳали фойдаланиш имконияти тугамай ҳам ва бошқа усулларда содир этилади.

Компьютер техника воситасидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш деганда — алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан компьютер техника воситаси ёрдамида ўзгалар мулкини ёки мулкий ҳуқуқини талон-торож қилишни тушуниш лозим.

Бизга маълумки, фирибгарлик жинояти объектив томондан мулк талон-торож қилингандан сўнг тамом бўлган, яъни мулк жиноятчининг ихтиёрига ўтгач тамом бўлади, бироқ компьютер техникасидан фойдаланиб фирибгарлик содир этишда жиноят тамом бўлган деб топиш мураккаброқдир. Чунки мулк компьютерда эмас, балки ахборотда сақланади. Шунинг учун, компьютер техникасидан фойдаланиб фирибгарлик содир этишда компьютер хотирасидаги маълумотларни олиб, мулк ёки мулкий ҳуқуқни жиноятчи ўзига тегишли ҳисоб вараққа ўтказган вақтдан бошлаб жиноят тамом бўлган деб ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу жиноятни содир этиш усулларидан бири айбдор компьютер воситаси хотирасига кириб, маълумотларни олади ва ҳисоб варақдан бошқа ҳисобга ўтказиб, сўнг «вирус» юбориб изни йўқотишга ҳаракат қилади. Усуллардан яна бири банк тўлов пластик карточкалари ёрдамида фирибгарлик жиноятини содир этишдир. Яъни банк пластик карточкаси нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш ва кредит олиш воситасидир. Бу восита ўз ўрнида нақд пулсиз ҳар қандай савдо муассасасида товар олди-сотди ва хизмат кўрсатиш ҳамда бу юзасидан ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини яратади. Ўзбекистонда ушбу банк тўлов карточкалари 1996 йил ташкил этилиб, муомалага киритилган.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий-ижтимоий соҳаларда юз бераётган улкан ўзгаришлар, замонавий технологик воситалар ва алоқалардан фойдаланилиши олдимизга ахборот хавфсизлигини таъминлаш, компьютер жиноятчилигининг олдини олиш ва жиноятчиликнинг ушбу кўринишларига қарши курашнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифасини қўяди.

Ушбу вазифаларни бажариш учун эса компьютер жиноятчилигини чуқуррок ўрганиш, миллий қонунчилигимизни такомиллаштириб бориш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бундай жиноятчиликнинг олдини олиш борасида профилактик ҳамда махсус тезкор чораларни ўтказиб бориш лозим бўлади.

[1] И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.//Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси(21.01.2011 йил).

[2] *Becay August.* Computer Crime.. – Toronto, 1978. – P. 3

[3]Кочои С., Савельев Д. Ответственность за неправомерный доступ к компьютерной информации // Российская юстиция. 1999. N 1. С. 44 — 45.

[4] Завидов Б.Д. О понятии мошенничества и его модификациях (видоизменениях) в уголовном праве // Право и экономика. 1998. N 11. С. 50 — 51.

[5] Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. (Махсус қисм) Тошкент: ILM ZIYк. 2006. –Б. 30.

**Бахтиёр ПЎЛАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг**
**Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи, ю.ф.д., проф.**

# ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШИШИ

✦ *Мақола Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида прокуратура органлари фаолиятининг ривожланиши ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган.*

✦ *Статья посвящена развитию и своеобразным особенностям деятельности органов прокуратуры, в процессе проведимых судебно-правовых реформ Республики Узбекистан в дни независимости.*

✦ *The article is devoted to periods of developing and distinctive features of public prosecution bodies activity, in the course of conduction of judicial and legal reform of Republic of Uzbekistan on Independence days.*

***Таянч сўзлар:*** *прокуратура, қонун ижроси, ҳуқуқий кафолат, манфаатлар, назорат органлари, прокурор назорати.*
***Ключевые слова:*** *прокуратура, исполнение закона, правовая гарантия, интересы, надзорные органы, прокурорский надзор.*
***Key words:*** *prosecutor's office, to performance the law, law's guarantee, interest, surveillance organ, directorate of public prosecutions.*

Ўзбекистон тараққиётини ҳал этувчи концепцияни шакллантиришда мамлакат Президенти Ислом Каримов давлат қурилишининг бутун бошли дастури ўзагини ташкил этувчи бешта асосий тамойиллари қаторида қонун устуворлигини, қонунга итоаткорликни эътироф этди. Ушбу талаб тўлиғича республикамизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш мақсадида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг мазмун ва йўналишини белгилаб берди.

Давлатчилик ва қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилишда ва қонунийликни таъминлашга оид давлат фаолияти тизимида Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2001 йил 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ VI сессиясидаги "Адолат — қонун устуворлигида" деб номланган маърузасида" **Прокуратура — қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислоҳотларни ўтказишда ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутади**"[1], деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунларданоқ миллий прокуратуранинг пайдо бўлиши ва шаклланишига алоҳида эътибор берилди. Ушбу йўналишдаги биринчи илдам қадам — давлатимиз раҳбарининг прокуратура органларини иттифоқ марказидан ҳақиқий мустақиллигига эришиш юзасидан қилган саъй-ҳаракатлари бўлди. 1990 йил 1 ноябрда Ўзбекистон ССРнинг "Ўзбекистон ССРда ижро ва бошқарув ҳокимияти тизимини такомиллаштириш ва Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунини қабул қилиш тўғрисида жасоратли сиёсий қарор қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатда, биринчи марта иттифоқ доирасида Ўзбекистон прокурори ҳамда унинг ўринбосарлари илгаригидек иттифоқ Бош прокурори томонидан эмас, республика Президентининг тақдимномасига биноан мамлакат парламенти

томонидан тайинланиши мустаҳкамланди ва Ўзбекистон Республикаси прокурорининг фақат Ўзбекистон Республикаси парламенти ва Президенти олдидаги ҳисобдорлиги ва жавобгарлиги белгиланди. Республика прокуратура органларининг тўлиқ мустақиллиги, уларнинг фақат Ўзбекистон прокуроригагина бўйсуниши эълон қилинди.

Шу ўринда прокуратура органларининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаган иккита ҳужжатни эътироф этиш лозим: **биринчиси**, 1991 йил 31 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Мурожаати; **иккинчиси**, "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидир.

Айнан шу қонунга мувофик, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январда Ўзбекистон прокуратурасининг мустақил Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтказилишини белгиловчи Фармони ва 1992 йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги 33-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу Фармон ва ҳукумат қарори билан нафақат прокуратуранинг мавқеи мустаҳкамланди, балки прокуратура ходимларига қатор имтиёз ва устунликлар бериш билан бирга, моддий-техника базаси ҳам сезиларли даражада мустаҳкамлаган. Айнан шу ҳолатлар прокурорларнинг ўзларига юклатилган назорат ваколатларини эркин равишда амалга оширишда ҳақиқий мустақиллигини таъминлашда ижобий рол ўйнади.

Давр Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини зудлик билан ишлаб чиқиш ва қабул қилишни талаб этар эди. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тузилиши ва давлатчилиги асосларини вужудга келтириш учун, миллий ҳуқуқий тизим шакллантирилиши ва давлатимизнинг қонунчилик базаси ишлаб чиқилиши, мамлакатда бозор муносабатларини шакллантиришда, ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликнинг мувофиқлаштирилиши талаб этилар эди.

Мамлакатдаги ижтимоий ҳолат, авваламбор, давлатчиликнинг дастлабки шаклланиш даври, миллий қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги ёш мустақил республикада барқарорликни сақлаб қолиш, жамоат тартиби ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва шунга ўхшаш жамиятга қарши ва миллатлараро келишмовчилик ҳолатларини келтириб чиқармаслик зарурияти — зудлик билан ушбу қадамларни қўйишни талаб этар эди.

Шунингдек, прокуратура органлари нормал фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий база шакллантирилиши керак эди. Чунки, прокуратура органларининг асосий фаолияти қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини ҳамда қонунлар устуворлигини таъминлашга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланган фуқароларнинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда мамлакат мустақиллиги, жамият ва давлат қурилиши, сиёсий ва иқтисодий тизимни ҳар қандай ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Ёш ва мустақил Ўзбекистон Республикасининг дастлабки қабул қилган қонунларидан бири, мамлакатнинг Асосий Қонуни — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинган куннинг эртасига, яъни 1992 йил 9 декабрда парламент томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни бўлди.

Бу қонун ўзининг тарихий вазифасини бажарди. Яъни "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан мамлакатда талаб даражасидаги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот ўрнатилишига бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодийислоҳотларнинг биринчи босқичи прокуратура органлари учун жуда зарур бўлган дастлабки туртки бўлди.

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари тизимида прокуратура органлари бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик каби принципларга таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этди. Қуйи турувчи прокурорлар маҳаллий ва бошқа давлат органларига бўйсунмаган ҳолда юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсуниши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатиши белгилаб берилди.

Кейинчалик, заруратга қараб, прокуратура тизими ривожлантирилди, прокуратура фаолиятининг услуб ва шакллари такомиллаштирилди, унинг ҳуқуқий мақоми ва давлат-ҳуқуқий институтлари тизимидаги ўрни мустаҳкамланди.

Иқтисодиёт соҳасидаги турли суиистеъмолчиликлар, ўзгалар мулкини ўзлаштиришлар, порахўрликка қарши кураш фаолиятидаги самарадорликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 3 мартдаги 96-сонли қарори билан ташкил этилган ва кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2004 йил 11 март кунидаги Фармонига асосан ўзгартирилган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси марказий аппарати тизимида иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кура-

шиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда шу бошқарманинг тегишли бўлинмалари ташкил этилди.

Иқтисодий ва валютага оид жиноятларга қарши курашни кучайтиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 291-сонли "Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим рол ўйнади. Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди. Мазкур департамент Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 ноябрдаги 415-сонли қарори билан такомиллаштирилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги "Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд қилинган 2004 йил 11 мартдаги 3406-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари тузилмаларида «Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимлари» ташкил қилинди. Бўлимларнинг асосий вазифаси этиб, давлат солиқ қўмитаси ва идораларида ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти органларида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил қилиш белгиланди.

Суд-ҳуқуқ тизимининг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, миллий қонунчилик асосларини шакллантириш, жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда прокуратура органлари фаолиятини ҳозирги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиб, уни шу кун талабларига мувофиқлаштириш ва бунда шахс ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олиш прокуратура органлари фаолиятини ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқарди.

Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида "Адолат — қонун устуворлигида" деб номланган маърузасида "Давлат муассасалари, биринчи навбатда прокуратура ходимлари бир ҳақиқатни қулоғига қуйиб олсинки, улар мана шу халқнинг бир қисми, ҳеч кимдан, оддий одамлардан ортиқ жойи йўқ. Уларни шу халқ вояга етказган. Бас шундай экан, прокуратура ходимлари уларни назорат қилишлари эмас, балки уларга хизмат қилишлари керак. Прокуратура ваколатининг доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини айнан ана шу нуктаи назардан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур. Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётганлиги прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади. Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва назорат органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир. Прокурорлар фаолиятига улар томонидан қўзғатилган жиноят ишлари ёки жавобгарликка тортилган фуқаролар сонига қараб эмас, балки тегишли ҳудудда қонунчиликка амал қилинишининг ҳолатига қараб баҳо берилади. Қонунни ҳимоя қилиш суд, прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини, қонунларни яхши билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича самарали иш олиб боришдан иборатдир", деб таъкидлаган.

Мамлакатимиз Президенти маърузада шунингдек, "Жамиятни демократлаштиришнинг ҳозирги давр шароитларида, мамлакатимизда фуқароларимизни ва хўжалик субъектларини ҳимоя қилишга қодир бўлган суд-ҳуқуқ институтлари ҳамда бозор иқтисодиётини бошқарувчи маълум бир ҳуқуқий база яратилган вақтда прокурор назорати тизимига ҳам тегишли тартибда ўзгартириш киритиш вақти етиб келди. Бугунги кунда хўжалик субъектларининг фаолиятига прокуратура органларининг тўғридан-тўғри аралашувига иқтисодиёт соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар йўл қўймайди. Шу муносабат билан "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасида прокурор ваколатларини сезиларли даражада қисқартириш назарда тутилмоқда" деб қайд этган.

Юқорида қайд қилинган концептуал ғоялар 2001 йил 29 августда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунида ўз ифодасини топди. Мазкур қонун билан прокуратуранинг демократик асослари мустаҳкамланди, яъни прокурорларнинг халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, зарурат бўлганда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот бериш мажбурияти ҳамда Бош прокурорнинг буйруқлари ва бошқа ҳужжат-

ларини (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) ишлаб чиқиш фаолияти устидан Конституциявий суд томонидан суд назоратини амалга ошириш механизми белгиланди. Прокуратуранинг хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга бевосита аралашиши, шунингдек, идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажариши тақиқланди.

Шу билан бир вақтда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи тегишли органлар фаолиятини мувофиқлаштириб боришлари белгиланди.

Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш билан бирга прокуратура улар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни ҳам амалга оширади. Шунинг учун прокуратура органлари зиммасида давлатдаги ҳуқуқ-тартиботнинг қонунийлиги ҳолатига алоҳида жавобгарлик масъулияти ётади.

2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми натижаси бўйича қабул қилинган ҳамда 2011 йил 18 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунларида прокуратура органларининг Ўзбекистон Республикасининг Сенати ва Қонунчилик палатаси билан ўзаро муносабатлари механизми, шунингдек, Бош прокурорнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлиси олдидаги ҳисобдорлиги белгиланди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб, прокуратура ушбу сиёсатни амалга оширишнинг жуда муҳим бир қисми-дастаги ҳисобланади. Прокуратура универсал орган сифатида давлатнинг, жамиятнинг ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ҳуқуқий кафолатни таъминловчи органдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан Бош прокурорнинг 2004 йил 12 мартдаги 1-сонли буйруғи билан прокуратура тизимида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил қилинди. Бошқарманинг асосий вазифалари этиб фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш белгиланди.

Прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш потенциалига пахта ва донли маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ давлатнинг стратегик манфаатларини ҳимоя қилишда талаб катталиги эътиборга олиниб, Президентнинг юқорида қайд қилинган Фармонига асосан прокуратура таркибида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими тузилди.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси устидан назоратга ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Прокурор назоратининг ушбу йўналиши долзарблиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сонли "Вояга етмаганлар иши бўйича Комиссия фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги ва 2011 йил 17 январдаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорларининг қабул қилиниши ҳамда ушбу Давлат Комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раислик қилиши муносабати билан янада кучайди.

Прокурорлик назоратини бошқарув ресурслари билан бу таркибдаги ҳамжиҳатлиги вояга етмаганларнинг сиҳат-саломатлигини ҳимоя қилиш, ўқиши, иш билан таъминланиши, бўш вақтларидан унумли фойдаланиш каби муаммоларини конструктив ҳал қилиш ва уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши фактларини тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда прокурорлик назорати натижадорлигини ошириш имконини берди. Прокуратура ёш авлодни соғлом, маънавиятли, ахлоқан кучли ва Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашда давлатга ёрдам бермоқда.

Республикамизда прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш потенциалига талабни кучайиши ва уни фуқаро ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва давлатнинг стратегик манфаатлари билан боғлиқ муҳим ижтимоий вазифаларини ҳал қилишда фойдаланишга оид ўзига хос ижобий тажрибани Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раислигида фаолият кўрсатаётган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси[2] фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Давлат томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тамойилларини таъминлашни давом эттириш йўлидаги муҳим босқич, мамлакатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" бўлиб, унда мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устуворлиги ва

қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш эканлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 17 июндаги "Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш соҳасида адлия органлари ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунийлик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича янги ҳуқуқий механизм ўрнатилди. Мазкур қарорнинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини берди.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрдаги 335-сонли Қонуни билан суд тергови да айблов хулосасининг хулоса қисмида баён этилган, судланувчига қўйилган айбловни давлат айбловчиси томонидан ўқиб эшиттирилиши белгиланди. Айблов хулосасини ишда иштирок этувчи прокурор томонидан ўқиб эшиттирилиши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 25-моддасида қайд қилинган, судда иш юритув тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилишни тўла таъминлайди, негаки суд олдиндан айблов тарафида ҳам, ҳимоя тарафида ҳам туриши мумкин эмас ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламайди.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари структурасининг конституциявий мустаҳкамланиши ва ривожланиши, улар томонидан фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишини таъминлаш ва қонунбузилишларнинг олдини олиш бўйича ваколатларининг амалга оширилиши прокуратура Ўзбекистонда янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминловчи демократик давлатнинг механизми эканлигидан далолат беради.

---

[1] Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10 – том, 45 – бет.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида"ги Қарори 2008 йил 17 апрель, ЎРҚ – 154 – сон.

**Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси депутати**

# ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ

✦ *Мақолада мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини шакллантириш ва такомиллаштириш масалалари ёритилган. Муаллиф мазкур соҳада самарали ҳуқуқий механизмни яратишга алоҳида эътибор қаратган.*

✦ *В статье рассматриваются вопросы правовых основ формирования и совершенствования в государстве современных информационно-коммуникационных технологий. Автор особое внимание обращает на реализацию эффективного правового механизма в данной области.*

✦ *In article, is being considered questions of fundamental legal principles of forming and improvement modern information and communication technologies in government. Author pays special attention to realization of effective legal mechanics in this sphere.*

***Таянч сўзлар:*** *ахборот-коммуникация технологиялари, телекоммуникация, ахборотлаштириш, электрон имзо, электрон ҳужжат, интернет, электрон ҳукумат.*
***Ключевые слова:*** *информационно-коммуникационные технологии, телекоммуникация, информатизация, электронная подпись, электронные документы, электронное правительство.*
***Key words:*** *information technology, telecommunication, informative circulate, e-signature, e-card, e-government.*

Маълумки, истиқлол шарофати билан мамлакатимизда барча соҳалар қатори илғор замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом эттириб келинмоқда. Энг аввало, Ўзбекистонда мазкур соҳани тартибга солувчи мукаммал қонунчилик базаси яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу билан бирга, бугун дунёда шиддат билан кечаётган глобаллашув шароитида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг кескин тараққий этиб бориши кузатилаётганлиги, илғор давлатларнинг ушбу соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, ҳозирги даврда ахборот-коммуникация технологиялари орқали узатиладиган ахборот жамият ривожининг энг муҳим шартларидан бири бўлиб қолди. У ишлаб чиқариш ресурси, инсонлар орасидаги алоқани таъминловчи қудратли воситага айланди. Шу боис, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, умуман, жамиятнинг ахборот узатиш тезлиги ҳамда сифатига бўлган талаблари кун сайин ортиб бормоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини жадал суръатлар билан тараққий эттириш Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг бош йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки, бу йўналиш нафақат республикани ахборотлашган жамиятга айлантириш учун хизмат қилади, балки мамлакатимиз иқтисодиётини жадал суръатлар билан ривожлантиришда ўзига хос етакчи тармоқ — “локоматив” ролини ўйнайди.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов: “Биз яқин йиллар давомида алоқа ва телекоммуникация ривожи бўйича жаҳон стандартлари даражасига кўтарилишимиз лозим. Ривожланган коммуникация тизими бўлмаса, Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди. Биз буни аниқ ҳис қилишимиз лозим”, — дея таъкидлаган эди.

Ушбу дастурий вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқларини, Интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартлари даражасига етказиш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Албатта, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўз навбатида, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини шакллантириш ва такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мазкур соҳада самарали ҳуқуқий механизмни яратишга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва такомиллаштирилиши комплекс равишда, изчиллик билан, илмий асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Бунда Ўзбекистонда амал қилувчи қонун ҳужжатлари, чет эл қонунчилиги тажрибаси, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олиб, ушбу соҳа фаолиятини такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Ўтган давр мобайнида соҳани янада ривожлантиришга қаратилган 11 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 та Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 40 дан ортиқ қарорлари ва 300 дан ортиқ идоравий қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Мамлакат парламенти томонидан ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, жамиятни ахборотлаштириш, шунингдек, ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги масалаларини тартибга солишга қаратилган "Алоқа тўғрисида"ги (1992), "Радиочастота спектри тўғрисида"ги (1998), "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги (1999), "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги (2003), "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги (2003), "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги (2004), "Электрон тижорат тўғрисида"ги (2004), "Электрон тўловлар тўғрисида"ги (2005), "Автоматлаштирилган банк тизимида ахборот ҳимояси тўғрисида"ги (2006), "Ахборотлаштириш ва маълумотларни узатиш соҳасида содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги (2007) ҳамда янги таҳрирдаги "Почта алоқаси тўғрисида"ги (2009) Қонунлар қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида яратилган бундай кенг ҳуқуқий майдон мамлакатимизда сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланиши йўлида қулай имкониятлар яратмоқда.

Жамиятни ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш мақсадида 2003-2004 йилларда "электрон" қонунлар блоки қабул қилинди. Булар "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги ва "Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларидир. Мазкур қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқий меъёрлар ҳамда бир қатор ривожланган давлатларнинг тажрибалари ҳам атрофлича ўрганилиб, миллий қонунчилигимизга мақбул жиҳатлари уйғунлаштирилди.

Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши ва жойларда уларнинг ижроси таъминланиши, ўз навбатида, иш юритиш маданиятининг электрон кўринишининг шаклланишида, масофа қисқаришида, вақт тежалишида ҳамда иқтисодий самарадорликнинг ошишида муҳим омил бўлди. Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланиши электрон ҳужжат айланиши, электрон рақамли имзо, электрон тижорат, электрон тўловлар каби яна бир қанча янги хизмат турларининг шаклланишига, жумладан, тадбиркорларимизга масофадан туриб дунёнинг хоҳлаган мамлакатидан ўзига ҳамкор топиш ва тижорат ишларини юритишига кенг йўл очди.

Мамлакатимиз миллий иқтисодиётида янги йўналиш ҳисобланган мазкур тизимларнинг тез суръатларда тараққий этишининг яна бир омили бу ахборот-коммуникация технологияларини рақамлаштириш даражасининг ортиши, хусусан, халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланишнинг умумий тезлиги ўтган йилга нисбатан 61 фоизга ошиб, бугунги кунда 7780 Мбит/сни ташкил этаётгани ва улардан фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратилганлигидадир. Шунингдек, жорий йил бошида маълумотлар узатиш, жумладан, Интернет тармоғига уланиш бўйича хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларининг сони 930 тага етган бўлса, жамоавий фойдаланиш пунктлари 1063 тани ташкил этди.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, электрон тижоратнинг шиддат билан ривожланишига Интернетдан фойдаланувчилар сони аҳолининг 20-25 фоизини ташкил этгандагина эришиш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда Интернетдан фойдаланувчилар сони 10 миллион нафардан ортгани электрон тижоратнинг келгусидаги ёрқин истиқболидан дарак бериб турибди.

Ўзбекистонда электрон ҳужжатларга ҳуқуқий мавқе берувчи "Электрон ҳужжат айланиши

тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, электрон ҳужжат айланиши тизимини ривожлантиришга кўмаклашиб, давлат ҳокимиятининг турли идоралари ўртасидаги ҳужжат айланишини автоматлаштиришга қулай имконият яратмоқда. Электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ўзаро ахборот алмашинуви даражаси ва сифатини оширишга, ахборот излаш самарадорлиги ўсишига, катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлаш ва улардан фойдаланишга кўмаклашиб, қоғозли ҳужжат айланиши улушининг камайишига ёрдам бермоқда. Ушбу қонун электрон ҳужжатнинг ҳуқуқий мақомини ва унинг реквизитларини аниқлаган бўлиб, электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларини, электрон ҳужжатни олиш, жўнатиш, уларни сақлаш ва муҳофаза этиш тартибини белгилаб берди.

"Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзо ва қоғоздаги шахсий имзо тенг кучга эга эканлигини таъминлаб берди. Натижада юридик ва жисмоний шахслар томонидан Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда керак бўлган барча ҳисобот формалари ва бошқа маълумотларни электрон равишда интерактив ҳолда олиш ҳамда солиқ ва статистика ҳисоботларини топшириш имкониятини яратди. Бу тизим кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг вақтини тежаш, давлат хизматчилари билан бевосита мулоқот учун навбат кутиш ёки солиқ ҳисоботларини тўлдиришдаги хато ва камчиликларни тузатишга эмас, балки ўз тадбиркорлик ишларини ривожлантиришга сарф этишларига имкон бермоқда.

Шунингдек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ва ижросининг таъминланиши натижасида республикамизда 9 та электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказлари ташкил этилди. Агар электрон рақамли имзо калитлари сони 2006 йилда 93 тани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб 300 мингтадан ортиб кетди.

Шу билан бир қаторда, мижозларга янги хизмат турларини кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари кафолатлаб қўйилди. Бу билан иқтисодиётимизга "Pay Net", "Fast Pay", "Moblis", "E-karmon" каби электрон тўловлар хизматини кўрсатувчи муассасалар кириб келди, «SMS-банкинг","Интернет-банкинг" каби янги электрон тўлов хизматлари жорий этилди. Эндиликда ушбу хизматлар шарофати билан мижозлар коммунал хизматлар, мобил алоқа ва Интернет хизматларини ҳисоб-китоб қилиб, уй-рўзғор молларини Интернет орқали сотиб олишмоқда.

2005 йилдан бошлаб Ўзбекистонда давлат органларининг Интернетдаги расмий веб-сайтларининг очилиши татбиқ этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида"ги 256-сонли Қарори билан ушбу сайтларга асосий талаблар белгиланган бўлиб, унда сайтларни тўлақонли расмийлаштириш, ундан фойдаланиш ва янгилаш мақсадида веб-сайтда жойлаштириладиган зарурий ахборотлар рўйхати, мазмуни ва бошқа керакли шартларга нисбатан халқаро стандартлар аниқ шакллантирилди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш воситасида жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро тезкор ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлардан кенг фойдаланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2007 йил 23 августда "Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниб, у билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, давлат ва жамият қурилиши соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йил 21 мартда "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий қилиш ва ривожлантириш чоралари тўғрисида"ги Қарор қабул қилинди. Унда давлат органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот тизимларини босқичма-босқич интеграция қилиш асосида Миллий ахборот тизими шаклланишини таъминлаш, интерактив давлат хизматлари сифатини яхшилаш ва уларнинг рўйхатини кенгайтириш, миллий ахборот тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа қатор вазифаларни кўзлаб, ахборот-коммуникация технологияларини янада кўпроқ жорий қилиш ва ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Муҳтарам Юртбошимиз Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида тақдим этган Концепцияда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик ташаббуслари ушбу соҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган тадрижий ислоҳотларнинг узвий давоми бўлиб, ахборот олишнинг эркин ва тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-

лиги принципларини амалга ошириш, соҳада бозор механизмларини янада такомиллаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратишни назарда тутади.

Концепцияда оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, давлат органлари ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтириш мақсадида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш таклиф этилди. Бу қонуннинг ҳаётга жорий этилиши давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб боришнинг ҳуқуқий механизмларини яратиб, давлат органларининг ахборот хизматлари ва медиа-тузилмалари ишини фаоллаштириш, улар томонидан маълум бир муддатларда брифинг ва матбуот анжуманлари ташкил этиб бориш, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни ва роли ҳам алоҳида белгилаб қўйилмоқда. Зеро, бугунги тезкор ва шиддаткор замонда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг чексиз имкониятларидан самарали фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мазкур соҳада мамлакатимизда бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, кейинги йилларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини компьютер техникаси, локал ҳисоблаш ва корпоратив компьютер тармоқлари билан жиҳозлаш кўлами янада кенгайтирилиб, республикамиз бўйича компьютер техникаси билан таъминланиш даражаси тобора ўсиб бормоқда. Давлат бошқаруви органларида локал ҳисоблаш тармоқлари яратиш борасидаги ишлар якунига етиб қолган бўлса, корпоратив компьютер тармоқлари яратиш бўйича саъй-ҳаракатлар жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Шунингдек, айни вақтда 98 фоиз давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг Интернет глобал тармоғида ўз веб-сайтлари яратилган. Базавий интерактив давлат хизматларининг умумий сони эса 197 тага етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари Қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири мазкур соҳадаги мавжуд қонунлар ижроси устидан мунтазам равишда назорат-таҳлил ишларини олиб боришдир. Қўмитамиз томонидан олиб борилаётган ана шундай назорат-таҳлил жараёнлари жойларда соҳага оид қонунларнинг ижросини таъминлашда айрим ташкилий ва норматив муаммо ҳамда камчиликлар ҳам борлигини кўрсатмоқда. Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, давлат хизматчиларининг бу борадаги билим ва малакаларини ошириш, уларнинг замонавий ахборот тизимлари, жумладан, Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, мамлакатда самарали электрон ҳукуматни яратиш мақсадида интерактив давлат хизматларини ривожлантириш ва сифатини ошириш масалалари долзарблигича қолмоқда.

Ҳозиргача ўтказилган назорат-таҳлил якунларига кўра, ахборот-коммуникация технологияларига оид барча қонун ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилиб, эришилган натижалар бўйича Қўмита томонидан мазкур соҳанинг янада эркин ривожланишини таъминлашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш ишлари дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, яқин йиллар давомида ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва янада ривожлантиришга қаратилган 3 та янги қонун лойиҳаси, амалдаги 6 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Янги қонун лойиҳаларига "Шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги, "Ҳужжатларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида"ги, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаларига эса, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Радиочастота спектри тўғрисида"ги, "Электрон тўловлар тўғрисида"ги, "Электрон тижорат тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги ва "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонунларни киритиш мумкин.

Ушбу қонун лойиҳаларининг айримлари ўтган вақт мобайнида ишлаб чиқилиб, парламент муҳокамасига киритилди ва қабул қилинди. Мисол учун, аҳоли барча қатламларининг ахборот-кутубхона ресурсларидан монеликсиз фойдаланишини таъминлаш, уларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маданий ва таълим олиш эҳтиёжларини тўла қондириш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ресурсларидан

ўзаро фойдаланишни таъминлаш мақсадида 2011 йил 13 апрелда "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

1999 йилда "Телекоммуникациялар тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, унда телекоммуникацияларни яратиш, фаолият кўрсатиши ва ривожланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалар белгилаб қўйилди.

Ушбу қонун ҳамда телекоммуникация тармоқларини модернизациялаш ва ривожлантириш бўйича қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш ҳамда соҳада амалга оширилган тизимли ва босқичма-босқич ислоҳотлар натижасида республиканинг барча вилоят марказларида рақамли халқаро телекоммуникация станциялари ўрнатилди, магистрал халқаро ва вилоятлараро алоқа линияларида толали-оптик кабель ва рақамли радиорелели линиялар ўтказилди. Республика ҳудудларида CKMA стандартида симсиз радиофойдаланиш телекоммуникация тизими жорий этилди. Бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, 2011 йил 30 декабрда "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун билан фуқароларни замонавий телекоммуникация хизматлари кўрсатиш билан тўлақонли ва сифатли таъминлаш, ахборотлаштириш ҳамда телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш, алоқа хизматлари, маълумот узатиш ва тарқатиш соҳаси равнақига йўналтирилган янги нормалар киритилди. Уларга кўра, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ҳамда жисмоний шахсларга интерактив давлат хизматлари кўрсатиш мақсадида умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоқларининг самарали ишлаши ва ривожлантирилиши учун шарт-шароитларни яратиш бўйича мажбурият белгиланди.

Шундай қилиб, қонуннинг янги нормаларида ўзаро ижтимоий-иқтисодий муносабатларга замонавий телекоммуникация технологияларини кенг жалб этиш мақсадида уларни янада тараққий эттириш ва кенгайтириш масаласи ўз ифодасини топди.

Ривожланган ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланишда Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги миллий сегментни ривожлантириш зарурлиги, уни ташкил этишда асосий ўрин тутувчи домен номлари ва домен номлари тизими каби муҳим тушунчаларга таъриф берилиши муҳим аҳамият касб этади. Интернетдан фойдаланиш кўламини кенгайтиришдан асосий мақсад ҳам фуқароларга зарур ахборотни уларга керак бўлган вақтда олиш имконини беришдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 20 га яқин телекоммуникация операторлари мавжуд бўлиб, улар телекоммуникация тизимида 28 та йўналиш бўйича дунёнинг 180 та мамлакатига тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналлар орқали ўз хизматларини кўрсатишмоқда.

Айни вақтда қўмитамиз аъзолари бўлган депутатлар соҳа мутахассислари, экспертлар, ҳуқуқшунослар билан ҳамкорликда ахборот-коммуникация технологияларига оид қонунларни янада такомиллаштириш устида фаол иш олиб боришмоқда. Соҳага оид янги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан давом эттирилаётган саъй-ҳаракатларимиз жамиятни ахборотлаштиришга йўналтирилган фаолиятни қўллаб-қувватлаш, ахборот-коммуникация технологияларидан кенгроқ фойдаланишни рағбатлантириш, уларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа барча соҳаларда янада кенг қўлланилишига қаратилган ҳуқуқий имкониятларни яратиб беришдан иборатдир.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш мақсадида ахборот хизматларини кўрсатиш, электрон ҳужжат айланиши, ахборот ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, электрон ҳужжат айланиши, ахборот тизимларини яратиш ва уларнинг ўзаро ишлашини таъминлаш, ахборот хавфсизлиги, ахборотни муҳофаза қилиш ва бошқа йўналишлар бўйича стандартларни ишлаб чиқиш ҳам бугунги кундаги долзарб масалалардан саналади.

Телекоммуникация соҳасини ривожлантиришнинг долзарб масалалари сирасига эса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация воситалари ҳамда Интернет тизимини янада кенг жорий этиш, халқаро телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш ва халқаро коммутация марказларини захиралаш мақсадида йўлдошли алоқа тизими орқали қўшимча каналлар ташкил этиш, рақамли телевидение қамровини кенгайтириш ва рақамли телевидение фойдаланувчиларига қўшимча хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш, телекоммуникациялар тармоқларининг ишончлилиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича захиралаш ҳамда автоматлаштирилган бошқарув тизимини такомиллаштириш ишларини якунига етказиш каби масалаларни киритиш мумкин. Шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этишга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг

ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, илғор технологияларга асосланган қурилма ва воситалар ишлаб чиқариш кўламини ошириш, янги ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматларни жорий этиш мақсадида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини инобатга олган ҳолда тегишли қонунлар ва қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунларни ишлаб чиқиб, қабул қилишни ҳам ҳозирги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Муҳтарам Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳаларни жадал амалга ошириш тобора муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаб, шундай деди: ***"Биз ўзимизга шуни аниқ тасаввур этишимиз керакки, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади".***

Дарҳақиқат, бугунги кунда олдимизда масъулиятли вазифалар турибди. Яъни қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг кўплаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур. Бу борада "Электрон ҳукумат" тизимини, шу жумладан, бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштиришга, Ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларни интеграция қиладиган миллий тизимни яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги Юртбошимизнинг маърузасида устувор йўналиш сифатида белгилаб берилди.

Албатта, яқин истиқболдаги ушбу мақсад-муддаоларни амалга ошириш учун, биринчи навбатда, мазкур соҳада қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, самарали ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш ҳамда жойларда соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида фаолият олиб бориш биз депутатларнинг устувор вазифамиздир. Пировардида, бу саъй-ҳаракатларимизнинг натижаси ўларок, истеъмолчиларнинг барча қатламлари ҳамда жадаллик билан ривожланиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари талабларига мос тушадиган, тубдан янгиланган ахборот-коммуникация тармоқлари вужудга келишига замин яратилиб, мамлакатимизда ахборотлаштириш жараёнлари янада жадаллашади ҳамда Ўзбекистон жаҳон ахборот маконида ўзига хос ва муносиб ўринга эга бўлади.

**Фахри РАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг**
**Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи, ю.ф.д.**

# ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

✦ *Мақолада жиноятчиликка қарши курашнинг муаммолари ёритилиб, уларнинг мустақиллик йилларидаги кўринишлари ва йўналишлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Муаллиф ушбу йўналишда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтган.*

✦ *В статье освещая проблемы противодействия преступности, приводяться мнения об их состоянии и направлении в годы независимости. Автор обращает внимание на важность реализации в государстве последовательной судебно-правовой реформы в данном направлении.*

✦ *In article, have been taken up problems of criminality opposition, are being cited opinions about their status and direction on Independence days. Author pays importance attention to implementing judicial law reform in this sphere.*

***Таянч сўзлар:*** *жиноятчилик, қарши кураш, коррупция, Жиноят кодекси, жазо чоралари, салбий таъсир, жиноят-ҳуқуқий ҳодиса.*
***Ключевые слова:*** *преступность, противодействие, коррупция, уголовный кодекс, меры наказания, негативное влияние, уголовно-правовое происшествие.*
***Key words:*** *criminality, resistance, corruption, criminal code, punishment measures, negative impact, criminal event.*

Ўзбекистон давлати мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатда жиноятчиликка қарши кураш стратегиясини белгилаб олди. Ўша даврдаги вазият жуда мураккаб, жиноятчилик авж олган, унга қарши курашувчи органлар фалаж аҳволга келган, аҳоли эса ҳимоясиз бир ҳолатда эди. Шу туфайли давлат раҳбарининг қатъий ҳаракатлари билан жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашишга давлат идоралари, жамоатчиликнинг барча бўғинлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликка жалб этилди. Давлат жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг асосий йўналишини белгилаб берди. Табиийки уларнинг саъй-ҳаракатлари фақат фуқаролик жамиятининг барча институтлари ҳамда жамоатчилик ёрдамида муваффақият қозониши мумкинлиги эътиборга олинди. Ушбу институтларнинг ҳамкорлиги масалалари бутун дунё криминологлари томонидан тан олинган ва БМТнинг бир қатор резолюцияларида ўз аксини топган. Жумладан, БМТнинг жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарлар билан муносабатга бағишланган махсус сессияси IV Конгресси материалларида хулоса қилинишича, дунёдаги турли давлатларда жиноятчилика қарши курашда жамоатчилик институтларидан фойдаланиш мезонлари объектив сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар туфайли турличадир, аммо ягона фикр шунга келиб тақаладики, барча фуқароларнинг, бутун жамиятнинг ёрдамисиз жиноятчиликка қарши курашиб бўлмайди. Фуқароларимизнинг ҳуқуқбузарликка қарши қаратилган ички имкониятлари ва юксак даражадаги ахлоқи жиноятчилик ва коррупциянинг жамиятни емиришига қарши энг яхши ҳимоядир. Оилада, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, маҳалла институтининг обрў-эътибори — ҳамма-ҳаммаси одамларимизда қонунбузилиши билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан барқарор қаршиликни шакллантиришга қаратилмоқда.

Республикамиз Президенти таъкидлаганидек, ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жиркaнч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши

нафақат ислоҳотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради.

Эътироф этилишича, жиноятчилик ҳамма мамлакатларда ва ҳамма даврларда бўлган. Бироқ ўтиш даврида унинг мазмуни фақат жиноий қилмиш доираси билангина чекланиб қолмайди. Янги мустақил давлатларда амалга оширилаётган ислоҳотлар орқали амалда мулкни қайта тақсимлаш жараёни юз беради. Айни шу ҳол ислоҳотларнинг моҳиятини белгилайди. Аввалги тузумда давлат томонидан тортиб олинган бойлик эндиликда уни яратган ва ўз меҳнати билан кўпайтираётганларга тегишли бўлади. Бу масалани одилона ҳал қилиш давлатнинг ўз сиёсатини тўғри белгилашига боғлиқ бўлади. Ҳар бир мамлакат бу жараённинг шакллари ва суръатларини мустақил белгилайди. Уни жиноятчилар дунёсининг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қилишга сафарбар этади.

Жиноятчиликка қарши кураш сиёсати доимий равишда ҳал этилиши мураккаб бир муаммо тариқасида сақланиб келган. Унинг аҳволи, унга қарши кураш олиб борилиши давлат тузилиши ва ривожланишини тўғри ташкил этишга боғлиқ бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб, жиноятчиликка қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Жиноятчиликка қарши кураш сиёсати назарий жиҳатдан ҳам ўрганилиши тақозо этилади. Унинг назарий асосларини шакллантирмасдан туриб, жиноятчиликка қарши кураш амалиётини яратиб бўлмайди.

Жиноятчиликка қарши кураш сиёсати назариясининг тушунчасига шундай таъриф берилган: «Жиноятчиликка қарши кураш сиёсати бу сиёсатнинг шундай йўналишики, унда огоҳлантирувчи чораларни кенг доирада амалга ошириш ва ишлаб чиқиш орқали, қилмишнинг жиноий ёки жиноий эмаслигини, жазонинг мавжудлигини, белгиловчи моддий, процессуал ва жиноят ижроия ҳуқуқи нормаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш орқали, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашда рухсат бериладиган давлат мажбурлов чораларининг доирасини аниқлаш орқали жиноятчиликка қарши курашнинг илк талаблари шаклланади».

Жиноятчилик ўзининг ҳуқуқий белгиси билан бошқа ижтимоий ҳодисалар (ахлоқий нормалар)дан, жиноят-ҳуқуқий белгиси билан эса – бошқа, жиноят ҳисобланмайдиган жиноий (интизомий, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий ва бошқа) ҳуқуқбузарликлардан фарқ қилади.

Шундай қилиб, жиноятчилик бир қанча ўзига хос белгиларга эгадир. Булар: нисбатан оммавийлик, тарихий ўзгарувчанлик, объективлик, ижтимоийлик, жиноят-ҳуқуқийлик, у ёки бу давлатда муайян даврда содир этилган барча жиноятларнинг умумий миқдори ва ҳоказо. Бошқача айтганда, жиноятчилик – муайян макон, минтақада маълум давр ичида содир этилган барча жиноятлар мажмуи кўринишидаги тарихан ўзгарувчан, салбий, объектив ва ижтимоий ҳодисадир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2-чақириқ VI сессиясида қабул қилинган ва амалдаги қонунларга киритилган ўзгартиришлар жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини амалга оширишда янги босқични бошлаб берди. Бу босқичнинг моҳияти жиноятчиликка қарши курашда, унинг олдини олиш, жиноятнинг салбий таъсирларини бартараф этишга йўналтирилганлигида намоён бўлди. 2001 йилда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"-ги Қонун жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг янги тамойилларини белгилаб берди.

Жиноятларни таснифлаш, жиноий жазо тайинлаш ва уни ўташ қоидаларига жиддий янгиликлар киритилди, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди, ярашув институти жорий қилинди. Жиноят ишларини тергов қилиш, шахсни ҳибсда ушлаб туриш, ишларни судларда кўриб чиқишнинг янги тартиби ва қатъий муддатлари белгиланди.

Халқаро ҳуқуқ нормаларига мос бўлган жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг олиб борилиши муносабати билан жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турлари кескин камайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, "Оғир жазо, айниқса фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш унга қарши курашиш самарадорлиги, жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда қонунни бузган шахс жазонинг муқаррарлигини нечоғлик англашига боғлиқ"[1]. Президентимизнинг ҳақлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Жиноятчилик нафақат нисбатан оммавий, объектив ва ижтимоий, балки тарихан ўзгарув-

чан ҳодиса ҳамдир. Турли тарихий шароитда ва турли жамиятларда кишиларнинг айни бир ғайриижтимоий қилмишлари ҳар хил баҳоланган. Жиноятчилик ўз ижтимоий моҳиятига кўра ҳам, намоён бўлган жойига кўра ҳам ўзгарувчандир. Масалан, жиноятлар доираси нафақат турли ижтимоий-иқтисодий тузумларда, балки ҳатто айни бир тузумга мансуб давлатларда ҳам бир хил эмас. Боз устига, жиноятлар доираси айни бир тузумга мансуб бир давлат тарихида ҳам ўзгариб туради.

Ниҳоят, жиноятчилик — жиноят-ҳуқуқий ҳодисадир, чунки унинг таркибидан ўрин олган жиноятлар доираси амалдаги жиноят қонунчилигида белгилаб қўйилади. Биз жиноятчилик тўғрисида сўз юритганимизда, давлат томонидан тан олинган ижтимоий хавфли ва ғайриҳуқуқий қилмишлар (ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик) мажмуидан келиб чиқамиз.

Жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини амалга оширишда Жиноят кодексининг махсус қисмидаги моддаларда муқобил санкцияларни кўпайтириш, шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда тузалишига рағбатлантирувчи нормаларни киритиш, ЖКда жиноят сифатида назарда тутилган, ижтимоий жиҳатдан унчалик хавфли бўлмаган қилмишларнинг декриминализация қилиниши, яъни улар жиноий қилмиш сифатида эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқ. Ушбу йўналишда мамлакатимизда изчил суд-ҳуқуқ ислоҳотлари амалга оширилмоқда.

Коррупцияга ва жиноятчиликка қарши кураш муаммолари бизда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Албатта, бу борада кенг тарқалган ва умумэътироф этилган бир фикрни, яъни тоталитаризмдан демократия ва бозор муносабатларига ўтишдек мураккаб давр моҳиятан асосий сиёсий, иқтисодий ва маданий тузилмаларни синдириб ташлашни англатади, бу эса ахлоқ-одоб меъёрларига салбий таъсир этади ва жиноятчилик ҳамда коррупция муқаррар равишда кучаяди, деган хулосани эслатиб ўтиш мумкин. Лекин бу ҳодисалар давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва пировардида ёш истиқлолимизга қандай таҳдид солишини чуқур тушуниш учун, афтидан, биргина шу таърифнинг ўзи камлик қилади.

Жиноятчи унсурларнинг янги хўжалик муносабатлари тизимини шакллантириш жараёнида фаол ва хуфиёна иштирок этиши жамиятда ахлоқсизлик вазиятини туғдиради. Бу эса мамлакат учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам номақбул жиноий бозор иқтисодиётининг алоҳида тури шаклланишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципини таъминлаш йўлида улкан ишлар қилинди. Унга мувофиқ, жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, мулкий ва мансаб мавқеидан, динга муносабатидан, ижтимоий уюшмаларга аъзолигидан ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар қонун олдида тенг бўлиб, уларни жавобгарликка тортиш масаласи содир этган ножўя хатти-ҳаракатининг моҳиятига боғлиқ бўлади. Бу принципга риоя этиш фуқароларнинг ҳуқуқий давлат ва демократик жамиятдаги ҳуқуқий мавқеининг пойдеворини ташкил қилади.

Жиноят процессида яна бир тамойил мавжудки, унга риоя этиш фуқароларни қонунларга итоат этиш ва ҳурмат қилишга олиб келади. Одиллик принципи деб қонунга киритилган ушбу тамойил жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Ҳеч ким айнан битта жинояти учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Одиллик принципи шуни англатадики, суд жазо тайинлашда эҳтиросга эмас, балки содир этилган жиноятга ва айбдор шахсига объектив баҳо бериши шарт.

Қонунларда белгиланган одиллик принципи ва инсонпарварлик принципи бир-бирини тўлдиради, шунингдек, қонунларимизни мукаммал тарзга олиб келган.

Инсонпарварлик принципи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида кўрсатилган бўлиб, унга мувофиқ, шахсга тайинланган жазо ва бошқа таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Демократик давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсати барча фуқароларнинг уларнинг ижтимоий ҳолатидан, машғулот туридан, ғояларидан, миллатидан, бошқа ижтимоий-демографик ва шахсий хусусиятларидан қатъи назар тенг ҳуқуқий ҳимояланганлигини назарда тутади.

Инсонпарварлик ҳар бир инсонни тенг жиноий-ҳуқуқий ҳимоялашни талаб қилади. Айнан шу принциплар айб шакли, мотив ва мақсадлар билан фарқ қиладиган турли қилмишларга бир хил жазо чораларини қўллашга йўл қўймайди.

Жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг инсонпарварлик қарашлари нафақат жабланув-

чиларни, балки жиноят содир этган шахсларни ҳам ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўяди. Унинг амалга оширилиши, биринчидан, айбдорни қасос ва ўч олишдан давлат ҳимоясига олади, жиноий ва жиноий-процессуал қонунлар доирасида жавобгарликка тортилишини таъминлайди.

Ҳозирги кунда умуман, ижтимоий сиёсат ва хусусан, жиноятчиликка қарши кураш сиёсати асосига гуманистик принциплар қўйилмоқда. Жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида бу принцип асосий аҳамиятга эга. Унинг амалга оширилиши шахснинг давлат ва унинг органлари билан ҳуқуқий тартиб ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги муносабатларни кафолатлаш, инсон учун энг муҳим бўлган унинг айрим ҳаётий фаолият соҳалари давлатнинг аралашувидан холи бўлишини таъминлашга қаратилган. Бундан ташқари, у давлат, хусусан, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига улардаги мавжуд восита ва усуллар билан инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини юридик кафолатлаш мажбуриятини юклайди. Шундай қилиб, жиноятчиликка қарши кураш сиёсати ҳам инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигидан келиб чиқиши керак.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти инсонларнинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари билан чамбарчас боғлиқ экан, ушбу ислоҳотларнинг муҳим йўналиши сифатида жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш соҳасидаги вазифалар ҳам англанади.

[1] Каримов. И.А Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. -Т.: Ўзбекистон, 2002. 35-б.

**Максадхон ЯКУБОВ,**
**Заведующий кафедрой Ташкентского университета информационных технологий, д.т.н., профессор**

# МОДЕРНИЗАЦИЯ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫМИ ОРГАНАМИ

✦ *Мақолада давлат органлари бошқарув тизимини ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш орқали модернизациялашнинг концептуал асослари қаралган.*

✦ *В статье рассматриваются концептуальные основы модернизации системы управления государственными органами власти на основе рационального использования информационно-коммуникационных технологий.*

✦ *In article, conceptual bases of state organ of power management, based on the rational use of information-communication technology are considered.*

***Таянч сўзлар:*** *электрон ҳукумати, интернет, пластик карточка, электрон хизматлари, электрон бошқариш.*
***Ключевые слова:*** *электронное правительство, интернет, пластиковая карточка, электронные услуги, электронное управление.*
***Key words:*** *e-government, internet, plastic card, e-services, e-management.*

В постановлении Президента Республики Узбекистан от 21 марта 2012 года ПП-1730 "О мерах по дальнейшему внедрению и развитию современных информационно-коммуникационных технологий" отмечается, что в условиях интенсивного развития информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) все сферы деятельности государственных органов в электронном виде являются востребованными гражданами и организациями различных форм собственности1. Прежде всего, это характеризуется динамичностью развития таких сфер как: социальная (фонд социального страхования, пенсионный фонд, фонд материального стимулирования), юридическая (адвокатура, нотариат, судопроизводство), экономическая (бюджет, финансы, налоги), культурная (наука, образование), медицинская, муниципальная сфера (жилищно-коммунальное хозяйство) и т. д. В условиях мирового экономического и финансового кризиса практическая реализация постановлений позволяет существенно сэкономить материальные, финансовые и трудовые расходы за счет рационального использования ИКТ.

Электронное правительство порождает ожидание кардинальных измененийв правилах взаимодействия государственного сектора с гражданами и бизнесом. Ожидается, что применение электронного правительства повысит результативность и эффективность исполнительных функций государства, сделает правительство более прозрачным и подотчетным гражданам и бизнесу; изменить отношения между государством и гражданами за счет существенных изменений в уровне демократии.

Целью электронного государственного управления является повышение эффективности его деятельности, упрощение взаимодействия между государственными органами, гражданами и организациями.

Согласно определению консультационной компании GartnerGroup электронное правительство - это трансформация внутренних и внешних отношений государственных организаций на основе использования возможностей Интернета, информационных и телекоммуникационных технологий с целью оптимизации предоставляемых услуг, повышения уровня участия общества в вопросах государственного управления и совершенствования внутренних процессов.

В настоящее время не существует единой концепции электронного правительства. Имеется лишь набор общих требований, выполнения которых граждане и бизнес вправе ожидать от правительства информационного общества. Различные категории потребителей объединяет единое стремление получить более эффективные средства доступа к информации с тем, чтобы уменьшить стоимость транзакций, сделать взаимодействие с государственными органами более простым, быстрым и комфортным. Основными целями деятельности электронного правительства являются:

оптимизация предоставления более широкого доступа к информации и справедливого распределения правительственных услуг, предоставляемых обществу;

повышение степени участия всех избирателей в процессах руководства и управления страной;

поддержка и расширение возможностей самообслуживания граждан;

интенсивный рост технологической осведомленности и квалификации граждан;

снижение воздействия фактора географического местоположения.

Электронное правительство, скорее всего, необходимо рассматривать как прикладное решение, способ модернизации уже существующих структур и отношений, а не как самостоятельную идею комплексной трансформации самих принципов организации управления государством.

Реализация концепции электронного правительства предполагает решение следующих основных задач:

— создание официальных сайтов в Интернете и их наполнение актуальной официальной информацией. К обязательной информации относится общая, справочная и контактная информация государственных учреждений, статистика, сообщения о событиях в стране, законы и нормативные акты, правительственные отчеты, содержимое государственных архивов;

- создание интерактивных служб, позволяющих упростить процедуры взаимодействия государства с гражданами, обеспечить максимально комфортные условия для обращения в государственные учреждения. Среди таких служб, можно выделить составление и подачу налоговых деклараций, оплату счетов, подачу заявлений, электронные торговые площадки для проведения государственных закупок;

- создание эффективной системы обратной связи с гражданами. Это так называемые электронные почтовые ящики для обращений граждан, открытые и закрытые интернет-форумы, системы голосования и социологических опросов.

Создание электронного правительства должно обеспечить не только более эффективное и менее затратное администрирование, но и кардинальное изменение взаимоотношений между обществом и правительством. В конечном счете, это приведет к совершенствованию демократии и повышению ответственности власти перед народом. Функционально деятельность электронного правительства можно разделить на три составляющие — государство для государства (предоставление госорганом услуг для других административных органов), государство для граждан (предоставление государственных услуг для населения), государство для бизнеса (предоставление государственных услуг для хозяйствующих субъектов). Общепринятыми являютсяаббревиатуры этих составляющих - G2G (government to government); G2C (government to citizens); G2B (government to business). Эти модули включают в себя многочисленные прикладные элементы: свободу доступа граждан к государственной информации, перевод государственных органов на безбумажное делопроизводство, установление для всех государственных органов показателей эффективности работы на год и регулярный их контроль, который производится как парламентом, так и гражданами, введение в государственных органах пластиковых карт для идентификации госслужащих, перечисление им зарплаты, расчетов за командировки, перенесение в сеть большинства стандартных трансакций между государством и гражданами или бизнесами.

В целом можно выделить четыре сферы проявления электронного правительство.




Электронное правительство представляет собой использование ИКТ для преобразования правительства с целью сделать его более доступным для граждан, более эффективным и более подотчетным. Согласно этому, оно включает в себя:

— обеспечение более полного доступа к информации через Интернет (законы, законопроекты, другие нормативно-правовые акты, формы необходимых документов, экономические и другие научные данные);

— содействие гражданскому участию в государственной жизни путем создания возможностей для более удобного взаимодействия с работниками государственных органов управления через электронные каналы, например, обеспечение возможности заполнения требуемых документов в электронном виде;

— повышение подотчетности правительства путем повышения прозрачности его операций, что снижает риски коррупции;

— поддержку выполнения целей развития путем уменьшения времени и материальных затрат, которые субъекты малого бизнеса несут в связи с общением с государственными структурами, а также путем обеспечения сельских и других периферийных общин информационно-коммуникационной инфраструктурой.

Таким образом, электронное правительство предполагает стимулирование взаимодействия между гражданами, правительственными организациями и

избираемыми чиновниками, включая процессы государственного управления и выработки государственной политики. Особое внимание при его развитии необходимо уделять развитию электронной демократии — повышению степени гражданского участия, он-лайн голосования, вопросам этики, безопасности и неприкосновенности частной жизни, нераспространению персональных данных, а также повышению уровня прозрачности в деятельности государственных органов управления.

Потенциальные возможности экономии средств и сокращения персонала не должны стать главным мотивом проведения реформ по внедрению электронного правительства. Хотя они часто и являются ценным результатом реформ, намного чаще выгоды получают предприятия и граждане, пользующиеся усовершенствованными системами, инвестиции в которое сделало правительство. Чтобы осознать все выгоды от самих преобразований, правительства должны разработать модель взаимоотношений с основными заинтересованными лицами (компаниями, торговыми ассоциациями, учеными и неправительственными организациями), ставящую во главу угла интересы гражданина. Без вклада этих действующих лиц даже те проекты в сфере электронного правительства, которые направлены на изменение внутренних процессов, могут оказаться провальными, поскольку граждане вряд ли станут пользоваться системой, которая не учитывает их потребности и интересы.

Республика Узбекистан сделала серьезный шаг вперед в отношении проблемы использования современных ИКТ в наиболее значимых областях жизни нашего государства и общества2. Во-первых, происходит осуществление отдельных государственных процедур в электронной форме, внедрение ИКТ в деятельность государственных органов. Так, например, налогоплательщики могут представлять налоговые декларации, расчеты вместе с документами в налоговый орган в электронном виде. В связи с разработкой перечня услуг, отдельные ведомства разрабатывают собственные регламенты осуществления государственных услуг. Во-вторых, развиваются системы электронного документооборота — как в рамках отдельных ведомств, так и на межведомственном уровне. Взаимодействие региональных информационных систем электронного документооборота — обмен электронными сообщениями является основой для формирования электронного взаимодействия между государственными органами, государством и обществом. В третьих, практически все органы власти и значительное количество региональных органов разработали собственные интернет-сайты. В четвертых, развиваются различные формы электронного взаимодействия граждан, организаций и государственных органов.

В нормативно-правовых документах, составлявших основу создания электронного правительства в Республике Узбекистан в государственной целевой программе (2012-2016годы) и разработанных на ее основе концепций обозначены три основные стратегические цели:

- ✦ повышение качества и доступности, предоставляемых гражданам и организациям государственных услуг;
- ✦ повышение открытости информации о деятельности органов власти;
- ✦ повышение качества административно-управленческих процессов.

Суть стратегии развития информационного общества в Узбекистане состоит в том, что государство гарантирует обществу создание таких условий, при которых любой гражданин сможет максимально эффективно пользоваться ИКТ, в том числе для доступа к информации о деятельности государственных органов управления, получения государственных и муниципальных услуг в электронном формате и защиты своих прав.

Электронное правительство является относительно новым проектом для Узбекистана и представляет собой определенную форму организации деятельности органов государственной власти, обеспечивающей за счет широкого применения ИКТ качественно новый уровень оперативности и удобства получения гражданами и организациями государственных услуг и информации о результатах деятельности органов государственного и муниципального управления. При этом, преследуются цели: повышение точности, полноты и оперативности, достоверности накапливаемой информации; обеспечение высокой степени контроля за выполнением решений и поручений правительства со стороны других структур исполнительной власти; обеспечение прозрачности выполнения решений и поручений правительства органами исполнительной власти: аппарат правительства будет иметь возможность в любой момент времени проверить, на каком этапе находится выполнение поручения или постановления внутри подконтрольного органа власти; снижение накладных затрат.

Электронное правительство предполагает многоступенчатое преобразование порядка взаимодействия отношений государства и общества, первым и важнейшим этапом которого является организация доступа граждан к информации об органах власти и их деятельности. Особо активно в последние годы проводится перевод отдельных государственных услуг в электронную форму. Развиваются различные формы электронного взаимодействия граждан, организаций и государственных органов при реализации государственного управления. Параллельно с этим расширяется использование ИКТ в деятельности органов государственной власти, внедряются системы электронного документооборота, как в рамках отдельных ведомств, так и на межведомственном уровне.

В перспективе именно на развитии электронного общества в большей степени, нежели на развитие электронного правительства, необходимо сосредоточить усилия органов власти. При этом, особое внимание следует уделять вопросу высокой степени различий уровня развития информационного общества и доступности ИКТ в различных регионах республики. Концепция включает в себя идею широкого внедрения современных информационных технологий в работу государственных структур с целью повышения эффективности и прозрачности работы государственного аппарата. Эта концепция дополнялась идеей сервисно-ориентированного государства, то есть государства как организации, предоставляющей услуги своим гражданам.

Электронное правительство представляет собой систему электронного документооборота государственного управления, основанную на автоматизации всей совокупности управленческих процессов в масштабах страны, нацеленную на существенное повышение эффективности государственного управления и снижение издержек социальных коммуникаций для каждого члена общества.

Внедрение электронного правительства в основном направлено на достижение следующих результатов:— повышение эффективности работы управленческого аппарата;— приведение в порядок сборов налогов, законов и их регулирования, регистрации информации, документооборота (выполнения большинства этих функций как раз и оптимизирует Интернет);-экономическое развитие (облегчение процедур, связанных с производством и торговлей, повышение конкурентоспособности отечественных производителей на международном рынке);— повышение качества жизни граждан (усовершенствование системы социальных услуг, системы здравоохранения, более надежное обеспечение безопасности, увеличение возможностей для образования, обеспечение более эффективной защиты окружающей среды). Для внедрения электронного правительства следует найти прикладные решения: государственные закупки; информационно-телекоммуникационный сектор экономики и электронных технологий в реформе жилищно-коммунального комплекса; информационная безопасность; новые технологии в образовании; обеспечение доступа населения к электронным услугам; электронные социальные службы; принципы проведения тендеров на поставки решений и продукции для электронного правительства; электронные услуги для отраслей; административные и правовые барьеры на пути развития информационного общества; информационные порталы и информационная прозрачность государства; платежные карты и электронные персональные инструменты в автоматизированных системах взаимодействия государства с населением; технологии электронного документооборота; взаимодействие бизнеса с государством в электронной среде; финансы и логистика в электронном правительстве.

Постепенный переход к электронному правительству требует существенных изменений во всей системе государственного и муниципального управления, в том числе внедрения электронного документооборота, создания электронных информационных ресурсов по всем направлениям деятельности органов власти и развития внутренних информационных сетей. В результате внедрения системы электронного документооборота происходит не просто уменьшение объема бумажного документооборота, но и сокращается время подготовки, согласования документов, исполнения поручений, повышаются оперативность получения необходимой информации и эффективность информационного взаимодействия между органами власти и их подразделениями. Электронный документооборот позволяет качественно улучшить контроль над деятельностью сотрудников органов власти, тем самым содействуя повышению их исполнительской дисциплины и продуктивности работы. При этом эффект от внедрения электронного документооборота выражается не только в прямой экономии ресурсов, но и в повышении качества работы органов власти, возможности более эффективно решать государственные задачи, реализовывать оперативное взаимодействие с различными субъектами и между органами власти. С помощью межведомственной системы электронного документооборота государственное управление становится более прозрачным, информативным и оперативным. Внедрение электронного правительства — это важный элемент административной реформы, направленный на модернизации системы государственного управления. Во-первых, оно обеспечивает прозрачность государственных процедур, способствует снижению уровня коррупции. Во-вторых, сокращает государственные расходы по содержанию государственного аппарата и одновременно повышает социальный уровень государственных служащих. В-третьих, улучшается профессионализм и качество деятельности служащих. В-четвертых, позволяет не тратить много времени на такие процедуры, как уплата налогов, оформление и получение различных документов. Создаютсяweb-порталы для оказания информационных услуг государственными органами. Эти услуги с каждым годом растут. Внедряется электронный документооборот в Аппарате Президента, Правительстве, Парламенте, некоторых министерствах и ведомствах. Уже сейчас есть возможность отправлять декларации налоговой отчетности через Интернет, подавать заявки на государственные закупки электронным способом, функционируют виртуальные приемные. Для того, чтобы программа электронного правительства приобрела достаточную общественную значимость, необходимо: провести следующие действия приложить усилия по повышению уровня развития информационной инфраструктуры; с учетом сложившихся совре-

менных условий.

Технические возможности сети Интернет сделали официальные сайты эффективным средством реализации взаимодействия органов власти с населением, оптимальным способом распространения информации о деятельности государственных органов и органов местного самоуправления и доведения официальной точки зрения государства до сведения общественности. Введение органами власти своих официальных сайтов призвано обеспечить гражданам и организациям, независимо от мест проживания и расположения, равный доступ к информации о деятельности государственных органов и органов местного самоуправления. Основные проблемы в сфере доступа к информации будут заключаться не столько в содержании официальных сайтов органов государственной и муниципальной власти, сколько в техническом обеспечении их контента.

Успех развития и модернизация электронного правительства и информационного общества определяется совместными усилиями государственных деятелей и заинтересованных сторон: бизнеса, образовательных и исследовательских институтов, общественных групп, гражданских организаций. При этом, значительных затрат потребует подготовка кадров, разработка специализированных программ, обеспечение безопасности сетей, разработка нормативно-правовой базы и подготовка судей соответствующей квалификации, обеспечение компьютерной и интернет-грамотности государственных служащих. Большие средства нужны для построения отделенной правительственной сети, создания информационно-телекоммуникационной инфраструктуры, просветительской и агитационной деятельности, внедрения учебных курсов в школах, высших учебных заведениях, центрах занятости, клубах и других учреждениях, чтобы охватить все слои населения, обеспечить им равные возможности использования сервисов электронного правительства. Электронное правительство тесно связано с такими компонентами информационного общества как электронная коммерция, электронный бизнес, электронный банкинг, универсальный доступ, пожизненное образование, компьютеризация, компьютерная грамотность и т.п. Поэтому инициатива формирования и развития электронного правительства, как и других компонентов информационного общества, принадлежит трем общественным секторам — бизнесу, общественности и правительству.

Внедрение ИКТ, в структуре государственного и муниципального управления является задачей стратегической важности. Она выполняет проекты административной реформы по решению проблем межведомственного взаимодействия при предоставлении государственных услуг и исполнению других функций государства. Способствует повышению информационной открытости органов государственной власти и местного самоуправления для общества, рост эффективности их взаимодействия с гражданами и повышение качества услуг, оказываемых ими гражданам и организациям.

Следует отметить следующие проблемы информационного общества, которых необходимо решать для модернизации деятельности государственных органов управления:

— определить ориентации создаваемых органами власти информационных ресурсов на массовое информационное обслуживание населения по вопросам, связанным с деятельностью этих органов;

— выработать законодательные механизмы регулирования правовых отношений в области государственных информационных ресурсов;

— определить координации создания региональными органами государственной власти информационных фондов и баз данных о юридических и физических лицах и правоотношениях между ними. К основным функциям государства в области управления информационными ресурсами относятся:

— создание первичных и производных информационных массивов и продуктов, необходимых для выполнения всего комплекса задач государственного управления и реализация конституционных прав граждан на доступ к информации;

— надежное хранение и защита информационных ресурсов;

— эффективное использование информационных ресурсов в деятельности органов власти и государственных учреждений;

— обеспечение свободного доступа граждан и организаций к информационным ресурсам в соответствии с Конституцией и действующим законодательством Республики Узбекистан.

Внедрение электронного правительства позволяет легче осуществлять мониторинг действенности и эффективности правительства в области предоставления услуг; оно упрощает и делает прозрачным финансовый менеджмент, управление персоналом, управление программами и изменениями. Программы внедрения ИКТ позволяют расширить возможности управленческой деятельности правительства. Все это сделает электронное правительство политической стратегией, а не просто технологическим решением, оптимизирующим работу структур государственного управления.

**Бобоқул ТОШЕВ,**
**Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, ю.ф.д.**

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИ

✦ *Мақола мамлакатимизда ахборот технологияларининг аҳамияти ва ривожланиш истиқболларига бағишланган. Ушбу соҳада республикада амалга оширилган ислоҳотлар ва хорижий давлатлар амалиёти ҳам кўрсатиб ўтилган.*

✦ *Статья посвящена значению и будущему развитию информационных технологий в государстве. Были также раскрыты проводимые в республике реформы и опыт зарубежных стран в данной области.*

✦ *The article is devoted to significance and future development of information technologies in government. Also have been disclosed conducting reforms in Republic and experience of foreign countries in this sphere.*

***Таянч сўзлар:*** *информацион технологиялар, интеллектуал мулк, ахборот хавфсизлиги, ЭҲМ.*
***Ключевые слова:*** *информационные технологии, интеллектуальная собственность, информационная безопасность, ЭВМ.*
***Key words:*** *information technology, intellectual ownership, information safety, PC.*

Нафақат табиий захиралар, балки ақлий салоҳиятимиз натижаси бўлган информацион технологиялар ҳам катта бойлигимиз ҳисобланади. Шу туфайли илғор илмий технологияларни ривожлантириш ва бу соҳада мутахассис кадрларни ҳам етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Биз тезкор техникавий тараққиёт, шиддат билан ривожланаётган ва мунтазам ривожланаётган замонавий юқори технологиялар, ахборот-компьютер тизимлари асрида яшаётганимизни унутмаслигимиз даркор».[1]

Бозор иқтисодиёти ривожланиши исталган шахс учун ахборотлар оламига кириш, ахборотларни тўплаш ва алмаштиришни тегишли даражада эркин бўлмаган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Товарлар муомаласида ахборотлар тижорат қийматига эга бўлиб, баъзи ҳолларда контрагент (тижорат шериги) учун аҳамиятга эга бўлган белгиланган сигналларни ўзида ифодалайди.

Ахборотлар индустрияси ва инфратузилмасини қамраб олган рекламадан тортиб замонавий электрон алоқа воситаларигача бўлган ахборот билан таъминлаш тушунчасини илмий жиҳатдан таърифлаш муҳим ҳисобланади. Чунки, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ахборот технологияларининг элементларини яхши билиб олиши лозим.

Ахборот билан таъминлаш деганда, ахборот технологиялари, хусусан, коммуникация воситалари билан элементар техник ёритиш ҳам, алоқа ва коммуникация воситалари ҳам ахборотлашган кузатув жараёни, ҳам маслаҳат шаклидаги пулли (пулсиз) хизмат ҳам, ахборотлаштирилган тизимлар ва дастурли маҳсулотларга киришга рухсат бериш ҳам ва муаллифларнинг интеллектуал мулки ҳисобланган ёки ҳисобланмаган маҳсулотнинг ўзи ҳам тушунилади.

Халқаро тажриба ва амалётга суянган ҳолда, мавжуд халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчиликка асосланиб, ахборот технологияларига қуйидагича таъриф бериш мумкин: «Ахборот технологиялари интеллектуал мулкнинг алоҳида йўналиши бўлиб, юқори технологиялар ва воситалар натижасида яратилган, замонавий ахборот майдонини шакллантирадиган, тезкор алоқага кириШиладиган, глобал ва узвий тизимга уланган, ахборотлар базаси ва шахсий маълумотлардан таркиб топган, ўз мулкдори ва эгаси бўлган, шартномавий муносабатлар натижасида фойдаланишга йўл қўйиладиган, иқтисодий даромад келтирадиган, тараққиётга хизмат қиладиган инсониятнинг энг сўнгги кашфиётидир».

Амалдаги қонунчиликка кўра, ахборот технологияларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: интеллектуал мулк объектлари; электрон

ҳисоблаш машиналари учун дастурлар; ахборот-коммуникация технологиялари; ахборотлаштиришга мўлжалланган юқори технологиялар; халқаро интернет тизими (тармоқли тизим) технологиялари.

Мамлакатлар иқтисодиёти янги иқтисод йўналиши ахборот технологиялари ҳисобига кўтарилиб бормоқда. Масалан, Ҳиндистонда «2002 йил Кибер-қонун»нинг яратилгани мамлакат иқтисодиётини тубдан кўтаришга асос бўлди. Шу йўналишда республикамизда ҳам янги иқтисодиёт асосларини яратишга катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам турли кучлар ахборот технологиялари ёки улардаги ахборотларга эгалик қилиш орқали даромад олишни мақсад қилиб олаётгани сир эмас. Давлатлар ана шундай янги кўринишдаги ҳаракатларга ҳуқуқбузарлик деб қараб, унинг ҳуқуқий асосларини яратишга ҳаракат қилишмоқда. Ахборот технологиялари эгалари ёки мулкдорларининг ҳуқуқлари асосан фуқаролик қонунчилигига асосан ҳимоя қилинади. Бугунги кунда ахборот технологиялари соҳасида ҳуқуқбузарликнинг фуқаролик, маъмурий ва жиноий турлари мавжуд.

Маълумки, ҳуқуқбузарлик содир этилиши мавжуд ахборот технологиясини қўлга киритиб, унинг эгаси бўлиш ёки иқтисодий даромад қилишдир. Ахборот технологиялари соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг бир кўриниши бу — ахборот хавфсизлиги объектларига хавфли таъсир ўтказиш ахборот, программа-математик, ташкилий-ҳуқуқий ва жисмоний усуллар кўринишидан иборат бўлиши мумкин.

Ахборот кўринишидаги ҳуқуқбузарликнинг кўринишлари қуйидагилардан иборат:

ахборот алмашувида манзилига етказиб бериш ва дарҳоллик тартибининг бузилиши;

ахборотни ноқонуний йиғиш ва фойдаланиш;

ахборот ресурсларига рухсатсиз кириш;

ахборот билан манипуляция (ахборотни яшириш ёки нотўғри талқин қилиш, дезинформация);

ахборот тизимларидаги маълумотларни ноқонуний кўчириш;

фуқаролар, ташкилотлар ва давлат манфаатига қарама-қарши бўлган позицияларда туриб оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

кутубхона, архив, маълумот банклари ва базаларидан ахборотларни ўғирлаш;

ахборотларни қайта ишлаш технологияларини бузиш.

Маълумки, ахборот технологияларидан энг кенг тарқалгани бу — халқаро Интернет тармоғи ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти ахборот технологияларини ҳимоя қилишда катта тўсиқ ва муаммоларга дуч келаяпти. Айниқса, компьютер технологияларини ҳимоя қилиш, бу соҳадаги қароқчиликка қарши кураш долзарб бўлиб бормоқда. ЭҲМ учун дастур ишлаб чиқарувчилар Ассоциациясининг маълумотларига қараганда, компьютер қароқчилиги Хитойда 96 фоиз, Россия Федерациясида 89 фоиз, АҚШда 27 фоиз, Болгарияда 93 фоизни ташкил этади[2].

Ахборот технологияларини бизнесда қўллаш жараёнида юзага келадиган қонунсиз ёки рухсатсиз муносабатларга қарши курашни таъминлаш мақсадида амалдаги соҳа қонунчилигига тегишли ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ кўринади. Биринчидан, бундай қонунлар бизнесга оид муносабатлар, айниқса, халқаро муносабатларни тартибга солиш, иккинчидан, бу соҳадаги ахборот технологияларини яратишни янада кенгайтиради, учинчидан, бундай объектлар савдосини янада кенгайтиради ва катта даромадлар келтиради.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб хорижий мутахассислар ахборот технологиялари соҳасида жиноятчиликнинг хавфли томонлари ва салбий оқибатларини бартараф қилишга катта эътибор қарата бошладилар. Ривожланган мамлакатларда ахборот технологияларини муҳофаза қилиш мақсадида амалдаги жиноят қонунчилиги базаси мустаҳкамланди. Масалан, 1986 йилда АҚШ Конгресси томонидан «Компьютерлар ёрдамида амалга ошириладиган фирибгарлик ва суиистеъмолликлар тўғрисида»ги Қонун, 1990 йил Буюк Британия парламенти томонидан «Компьютерлардаги суиистеъмолликлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди[3]. Бу мамлакатларда ушбу соҳадаги қонунларнинг қабул қилиниши компьютер, ахборот технологияларига оид жиноятчиликнинг камайиши, умуман олганда, уни назорат қилиш тизимини шакллантиришга олиб келди. Назаримизда, республикамиздаги мавжуд шу соҳа қонунчилиги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб такомиллаштирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маълумки, ахборот технологиялари билан ишлайдиган электрон алоқа воситалари ахборотлар манбаи ёки оммавий ахборот воситаси сифатида реклама билан ҳам шуғулланиб келадилар. Назаримизда, ахборот технологияларига асосланган реклама фаолияти ҳам ҳуқуқий жиҳатдан қайта кўриб чиқилиши керак. Рекламадан ўзгаларнинг фойдаланишини замон талаби ва бозор қонуниятлари асосида мустаҳкамлаш зарур. Рекламани тайёрлаш, тарқатиш ва ундан фойдаланишдан

келиб чиқадиган муносабатлар доираси лицензияда расмийлаштирилади. Лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари рўйхати эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган.

Юқоридагиларга кўра шуни хулоса қилиш мумкинки, ахборот технологиялари иқтисодиётни ривожлантириш, иқтисодиётга оид халқаро тизимни шакллантиришда ахборот алмашинувини таъминлашда муҳим замонавий восита ҳисобланади.

Ахборот технологияларидан бизнеснинг турли кўриши билан савдо қилиш, уни ижарага бериш, унда рекламада фойдаланиш кабилар ва бошқа фаолиятларда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш доимий равишда қонунчиликни такомиллаштириб боришни тақозо этади.

[1]И.Каримов. Ислоҳотлар стратегияси-мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир.-Т.: Ўзбекистон, 2003.-Б.38.
[2] Kriminalishtik-1998, N-10. –С.685-689.
[3] В.С.Комиссаров. «Преступление в сфере компьютерной информации: понятие и ответственность». Юридическая мир. № 2, стр.10

**Матлуба АМИНЖОНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг**
**Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи, ю.ф.н.**

# МУСТАҲКАМ ОИЛА — ОБОД ТУРМУШ КАФОЛАТИ

✦ *Мақолада мамлакатимизнинг амалдаги оила қонунчилиги таҳлил этилиб, муаллиф томонидан ушбу соҳадаги айрим бўшлиқларнинг мавжудлигига, айрим нормаларнинг заифлигига эътибор қаратилган. Муаллиф оила қонунчилигини такомиллаштиришга доир бир қатор таклифларни келтирган.*

✦ *В статье, проведя анализ действуюшего семейного законодательства, автором обращено внимание на некоторые имеющиеся пробелы и неэффективность ряда норм данной области. Автор привел ряд предложений по совершенствованию семейного законодательства.*

✦ *In article, has been analyzed existing family law. Author pays attention to some existing problems and inefficiency of variety of norms in this sphere. Author gives variety of suggestions of developing family law.*

***Таянч сўзлар:*** *мустаҳкам оила, тарбия, вояга етмаганлар, фарзандликка олиш, патрионат, меҳрибонлик уйи.*
***Ключевые слова:*** *крепкая семья, воспитание, несовершеннолетние, усыновление, патрионат, дом милосердия.*
***Key words:*** *strong family, upbringing, minor, adoption, patronage, children's community.*

Оила жамиятнинг кичик бир бўлаги ҳисобланиб, унинг мустаҳкамлиги ва барқарорлиги юртнинг келажагини белгиловчи омилдир. Оиланинг жамият равнақида тутган ўрни беқиёс эканлиги алоҳида эътиборга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши қатъий белгилаб қўйилиб, оила мустаҳкамлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2012 йилни "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилар экан, оиланинг жамият тараққиётида тутган ўрни ҳақида қуйидаги фикрларни билдирди: "Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ"[1].

Дарҳақиқат оила жамиятнинг негизи, мастаҳкам оила эса унинг пойдевори эканлиги шубҳасиздир. Бугунги кунда оила мустаҳкамлигини таъминлашга доир ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, улар ўз самарасини бериб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида оила муносабатларини тартибга солишда Конституция билан бир қаторда, шу Конституция нормаларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган Оила кодекси муҳим аҳамиятга эга. Ушбу кодекс оила муносабатларида ота-она ва фарзандларнинг бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам белгилайди. Кодексдаги бу нормалар Ўзбекистон Республикасининг миллий қадриятларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, кодекснинг IV бўлими ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари деб номланиб, бу бўлимда вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари, ота-онанинг шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ота-она ҳамда болаларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ ёритиб берилган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Оила қонунчилигининг айрим жиҳатларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Бу ҳақда гапирганда, аввало, мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётганини таъкидлаш керак"[2].

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, республикамиздаги мавжуд оила қонунчилигини таҳлил

этадиган бўлсак, қонунчиликдаги айрим бўшлиқларнинг мавжудлиги, айрим нормаларнинг заифлиги уларни такомиллаштиришни тақозо этади. Айниқса, оила муносабатларида ота-она ва фарзандларнинг мажбуриятларига доир нормаларни такомиллаштириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Масалан, **Оила кодексининг 65-моддасида боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи белгилаб берилган. Унга кўра, ҳ**ар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга, бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Боланинг ота-онаси бўлмаганда ёки улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади.

**Шунингдек, 73-моддага кўра, о**та-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт.

Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга.

Ота-она болаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт.

Ота-онанинг фарзандлар олдидаги мажбуриятидан яна бири ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлигидир.

Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Ота-онанинг фарзандлар олдида белгиланган мажбуриятларидан кўриниб турибдики, бу мажбуриятлар асосан болани моддий ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб етишишига қаратилган. Бугунги кунда айрим ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги ўз мажбуриятини бажармаслиги натижасида вояга етмаганларни баркамол инсон қилиб етиштиришда айрим муаммолар келиб чиқмоқда. Энг асосийси айрим ота-оналарнинг ўз мажбуриятини бажармаслиги натижасида фарзандлар тарбиясида, уларнинг вояга етиштиришда фақатгина давлат ўз мажбуриятини бажармоқда, холос.

Яъни давлатимиз болалар тарбиясида ҳамда уларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етишида ўзини масъул ҳисоблаб, уларни ривожланиши учун барча шароитларни яратиб келмоқда. Жумладан, бугунги кунда уч ёшгача бўлган болаларни республикамиздаги мавжуд гўдаклар уйи, 3 ёшдан юқори бўлган вояга етмаган болаларни меҳрибонлик уйи, болалар маҳаллалари, болалар шаҳарчалари ўз бағрига олиб, уларни ҳар томонлама баркамол вояга етишлари учун барча шароитлар яратилган. Лекин шу вояга етмаган болани дунёга келтирган айрим ота-оналар эса фарзандлари олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришни хаёлларига хам келтирмайдилар. Ҳаттоки ўз фарзандлари учун арзимаган миқдордаги алиментни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида турлича найранглар ўйлаб топишади.

Ота-оналарнинг фарзандлари тақдирига бу қадар бефарқ қарашлари, ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлашлари уларнинг нафақат фарзанд тарбиясига бефарқлигини, балки жамият тақдирига бафарқлигини ифодалайди. Бугунги кунда ота-она меҳридан йироқ ўсаётган фарзандлар сонини камайтириш мақсадида ота-оналарнинг фарзандлар камолотидаги бурчини, мажбуриятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги ўз мажбуриятидан эркин воз кечиш имкониятининг мавжудлиги никоҳсиз болалар туғилишининг кўпайишига, ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етказишдан бош тортиши ҳолатларини кўпайишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам оила қонунчилигида ўз фарзандининг парваришидан сабабсиз воз кечган ота-оналарга нисбатан жиддий таъсир чорасини белгилаш лозим.

Также планируется внедрить услугу по предоставлению электронных справок юридическим лицам о принадлежности к малому бизнесу.

Кроме того, проходит тестовую эксплуатацию мобильный сервис "СМС-уведомление", в рамках которого, отправив короткий СМС-запрос, физические лица смогут получить СМС-уведомление о своих налоговых задолженностях с указанием реквизитов ГНИ — получателей платежей.

**Зуҳриддин НЕМАТХОДЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги "Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш" маркази директор ўринбосари**

# ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

✦ *Мақолада республикамизда давлат бошқаруви органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масаласи ва ушбу соҳада бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида фикр билдирилган ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимларини ривожлантириш масаласига тўхталиб ўтилган.*

✦ *В статье высказано мнение о вопросе внедрения в республике информационно-коммуникационных технологий в деятельность государственных органов управления и мероприятии по совершенствованию управленческой системы в данной области, а также отмечен вопрос развития системы обеспечения информационной безопасности.*

✦ *In article, has been expressed opinion about bringing information and communication technologies in state activity of government and measures of improvement managing system in this sphere in Republic. More over, in article has been marked question of developing of system information security.*

***Таянч сўзлар:*** *интерактив хизматлар, виртуал олам, контент, ахборот-коммуникация технологиялар, интерактив давлат хизматлар.*
***Ключевые слова:*** *интерактивные услуги, виртуальный мир, содержание, информационно-коммуникационные технологии, интерактивные государственные услуги.*
***Key words:*** *on line services, virtual world, content, information technology, on line state services.*

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини оширишда ҳуқуқий ахборотлардан тўсиқларсиз, тўла-тўкис фойдаланиш фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Биламизки, давлат бошқаруви органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва унда ахборот хавфсизлигини таъминлаш долзарб масаладир. Зеро, XXI аср техника асри бўлиб, давлат ва жамият қурилиши соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсадида республикамизда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги кунда Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони юртимизда ҳам кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бу аудиториянинг катта қисми ёшлардан иборатлиги ҳам барчага аён. Таъкидлаш керакки, имкониятлари кенг бўлган бу виртуал оламда турли ёшдагилар учун мўлжалланган веб-сайтлар мавжуддир.

Глобал тармоқда ишончсиз ва нохуш контентга эга бўлган сайтлар кун сайин кўпайиб бормоқда. Яъни бу тармоқда миллиардлаб саҳифалар мавжуд бўлиб, буларнинг ҳаммаси ҳам ёшларда ижобий тасаввурни шакллантирмайди. Бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга интилиши табиий.

Юқоридаги каби нохуш ҳолатлар оқибатларининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш ҳар биримиздан сергакликни ва масъулиятни талаб қилади.

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда Интернет тармоғидан фойдаланиш фақатгина яхши мақсадларга хизмат қилиши лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да учинчи йўналиш айнан шу соҳага бағишланган. Яъни унда, "Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш", деб айтиб ўтилган. Концепцияда ушбу соҳа бўйича қабул қилинган қонунларга ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, соҳани тартибга солувчи янги қонунларни қабул қилиш таклифи ҳам келтириб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил 21 мартдаги 1730-сонли "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида давлат органларига қуйидаги вазифалар юклатилган:

давлат органларининг ўз функцияларини бажаришда тезкорлик ва сифатни оширишга имкон берувчи фаолиятини автоматлаштириш ахборот тизимларини яратиш;

давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, тегишли ахборот ресурсларидан кенг кўламда, шу жумладан, қишлоқ жойларда фойдаланишни таъминлаш;

ахборот ресурслари, технологиялари ва тизимларини, шу жумладан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимларини ривожлантириш ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бошқариш тизимини такомиллаштириш каби бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларнинг бажарилиши орқали давлат бошқарув органлари ўз фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлашга эришишлари мумкин.

Республикамизда сўнгги йилларда интерактив хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун илдам қадамлар ташланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисида"ги Низомнинг 2007 йил 23 августда 181-сонли қарори билан тасдиқланиши унинг ҳуқуқий асослари шаклланишига замин яратди. Ушбу Низомда интерактив давлат хизмати тушунчасига таъриф бериб, шунингдек, ушбу хизматнинг мақсад ва вазифалари, хизмат кўрсатишнинг шарт-шароитлари, тартиби ва улардан фойдаланишни таъминлаш шартлари белгилаб ўтилган. Низомда шунингдек, интерактив давлат хизмати тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра, Интерактив давлат хизмати — бу давлат органлари томонидан идораларнинг ахборот тизимлари воситасида телекоммуникациялар тармоғи орқали жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган хизматлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизмати кўрсатиш ҳисобланади.

Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ахборот айирбошлаш ва тарқатиш тезкорлиги даражасининг ўсиши ҳисобига давлат функцияларини бажариш самарадорлиги ва тезкорлигини оширишга, сўровларни пухта ишлаш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича давлат функциялари ижро этилиши устидан назоратни кучайтиришга, идораларнинг юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлиги даражасини оширишга, идораларнинг юридик ва жисмоний шахслар ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигига сарфланадиган чиқимларни қисқартиришга, аҳолининг давлат бошқарувида янада фаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида идоралар фаолиятининг очиқ-ошкоралиги даражасини оширишга, ахборот айирбошлашнинг янги механизмларига ўтишга имкон беради.

Интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш юқори даражадаги тезлик ва қулайликни таъминлай олиши, умумий фойдаланиладиган ҳамда барча қатламлар ва гуруҳлар фойдаланувчиларининг устуворликлари, эҳтиёжларига мос келиши керак.

Интерактив давлат хизматлари:

— умумий фойдаланиладиган ахборотни эълон қилиш (тарқатиш);

— юридик ва жисмоний шахсларга интерактив давлат хизматларини икки томонлама ёки транзакцион ўзаро ҳамкорлик шаклидаги 70 фоиздан кам бўлмаган мавжуд интерактив хизматлар таъминланишини ҳисобга олган ҳолда жорий этиш;

— давлат органларининг ахборот тизимлари, шу жумладан, Интернет тармоғи орқали давлат ахборот ресурсларидан фойдаланиш;

— ҳужжатларни электрон шаклда тўлдириш ва давлат органига тақдим қилиш, давлат органи томонидан кўриб чиқиш ва жавоб юборишни ўз ичига оладиган идора хизматлари (ариза, мурожаатларни ва шикоятларни) тақдим этиш;

— электрон шаклдаги маълумотлар тўлиқ айирбошланишини амалга ошириш, шу жумладан, хизматлар кўрсатиш ва уларга ҳақ тўлаш шаклида кўрсатилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида белгиланган базавий интерактив давлат хизматлари мажбурий ҳисобланади ва идоралар томонидан бепул кўрсатилиши кўзда тутилган. Аммо бу қоида, кўрсатил-

ганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ йиғимлар, божлар ва бошқалар шаклида тўлов назарда тутилган хизматларга нисбатан амалда бўлмайди.

Ушбу хизмат фуқаролар ва юридик шахсларга ўзига керакли бўлган маълумотни бюрократик ғовларсиз қабул қилиб олиш, ортиқча қоғозбозликнинг олдини олиш ҳамда вақтни тежаш каби бир қанча афзалликларни беради.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятида интерактив давлат хизматлари реестридаги рўйхат бўйича бир неча турдаги хизматлар кўрсатилмоқда. Бу хизматлар: фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси ФХДЁ ҳудудий органлари рўйхатини, давлат нотариал идоралари реестри тўғрисида, адвокатлар, шунингдек, адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари, адвокатлар ҳайъатлари, юридик маслаҳатхоналар реестри тўғрисидаги маълумотлар тақдим этиш, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар бирлашмалари реестри тўғрисида маълумотлар тақдим этиш, тадбиркорлик субъектлари мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатига олиш реестри тўғрисида маълумотлар тақдим этишни ўз ичига олади.

Келгусида вазирлик фаолиятида онлайн маслаҳатхона, юридик шахсларни Интернет тармоғи орқали рўйхатга олиш каби хизматлар кўрсатилиши ҳам кўзда тутилган.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга ҳамда шахс, жамият ва давлат фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди.

Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилиши керак. Ахборотни муҳофаза этиш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш, ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш, ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

**Тулеген АБДУЛГАЗИЕВ,**
**Главный консультант Исследовательского центра при Верховном суде Республики Узбекистан**

# СОВРЕМЕННЫЕ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СУДОВ

✦ *Мақолада судлар фаолиятида қўлланиладиган замонавий ахборот-коммуникация технологиялар, шунингдек, аҳолини адлияга олиб борувчи йўлни яхшилаш ва ахолининг фуқаролик ҳуқуқларини химоя қилишнинг ҳуқуқий меъёрлари тўғрисидаги хабардорликларини оширишга ёрдам берувчи келгуси лойиҳаларнинг асосий хусусиятлари очиб берилган.*

✦ *В статье раскрываются основные особенности современных информационно-коммуникационных технологий используемых в деятельности судов, а также переспективных проектов, внедрение которых позволит улучшить доступа населения к правосудию и повысить осведомленность населения о правовых мерах защиты гражданских прав.*

✦ *In article, author has disclosed main features of current information and communication technologies using at judicial activity, also adoption future projects, that allow improving access of population to justice and increase knowledge of population about legal measures of defense civil law.*

***Таянч сўзлар:*** *ахборот-коммуникация технологиялар, ахборот хавфсизлиги, электрон имзо, ахборот киоскаси.*
***Ключевые слова:*** *информационно-коммуникационные технологии, информационная безопасность, электронная подпись, инфокиоски.*
***Key words:*** *information technology, prevention of information, e-signature, info desk.*

Концепцией дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране одним из ключевых приоритетов демократического обновления страны обозначено продолжение последовательной демократизации, либерализации судебно-правовой системы, направленной на обеспечение верховенства закона, надежной защиты прав и интересов личности, формирование правового государства с развитой судебной системой.

«Промедление в правосудии есть отказ в правосудии» старый, но мудрый правовой принцип, который подразумевает, что отсутствие своевременной правовой защиты для сторон, законные интересы которых нарушены, приравниваются к отсутствию правосудия вообще. Это является принципиальным основанием, на котором базируются основные права на своевременный суд и необходимость укрепления потенциала судебной системы в области рационального и эффективного разрешения споров.

В настоящее время в Узбекистане создана эффективная нормативно-правовая база для развития и распространения информатизации и информационно-коммуникационных технологий в области государственного управления, которую составляют Законы «Об информатизации», «Об электронной цифровой подписи», «Об электронном документообороте», «Об электронных платежах», «О гарантиях и свободе доступа к информации», а также Указы и Постановления Президента Республики Узбекистан, решения Правительства Республики Узбекистан.

Кроме того, принято постановление Кабинета Министров «О мерах по внедрению в деятельность судов современных информационно-коммуникационных технологий» № 346 от 10 декабря 2012 года, которым, среди основных задач, определены создание информационных систем и ресурсов, обеспечивающих повышение эффективности делопроизводства в судах, а также расширение перечня и улучшение качества

интерактивных услуг, предоставляемых субъектам предпринимательства и населению, а также вопросы обеспечения информационной безопасности и безопасного документооборота в системе судов.

В Узбекистане сложности в администрировании судебных дел возникают в результате существенного бумажного делопроизводства, а также трудоемких отчетностей судей. В результате, стороны, задействованные в судебном процессе, сталкиваются с некоторыми затруднениями при подаче исковых заявлений и рассмотрения дела в суде. Таким образом, путем систематической судебной реформы представляется возможным повышение уровня обеспечения законных прав и интересов граждан, а также эффективное поддержание верховенства права путем расширения доступа к правосудию.

Традиционно, основное внимание со стороны доноров и международных организаций по содействию в реализации судебно-правовой реформы уделяется уголовному праву и уголовному судопроизводству. В свою очередь, гражданскому судопроизводству уделяется незначительное внимание, хотя это сфера требует к себе более пристального внимания, так как из года в год все большее количество людей сталкиваются с проблемами защиты своих прав в гражданском судопроизводстве  и экономический рост страны способствует увеличению спроса на такого рода государственные услуги.

Верховным судом Узбекистана совместно с Правительством проводится работа по улучшению ситуации в гражданском судопроизводстве. В частности в соответствии с рекомендациями упрощяются процедуры рассмотрения судами по гражданским делам определенных категорий дел (беспорные дела — по оплате налогов и других сборов, по оплате за государственные услуги, и т.д.), повышается гражданская ответственность участников процесса, а также рассматривается возможность увеличения количества межрайонных судов по гражданским делам в республике с действующих 66 до 84.[1] Это обусловлено возрастающим количеством гражданских дел, что приводит к перегруженности судов, которая, в свою очередь, влияет на своевременность принимаемых решений.

Однако, решение вопроса перегруженности судов по гражданским делам путем административно-правовых мер имеет краткосрочный эффект и, соответственно, потребует в дальнейшем принятия комплекса мер по реформированию гражданского судопроизводства.

В настоящий момент Исследовательским центром при Верховном суде совместно с Программой развития ООН в Узбекистане реализуется совместный проект «Реформа гражданского судопроизводства: эффективное судебное администрирование», основной целью которого является имплементация передовых методов организации работы эффективного судебного администрирования дел, повышение результативности судов и судебных решений, а также улучшение имеющейся ситуации по взаимодействия между судами по гражданским делам, отделами Судебного департамента при Министерстве юстиции и населением. Реализация данного проекта будет проводится в пилотном режиме — в одном из межрайонных судов по гражданским делам.

Верховным судом предложен Зангиатинский межрайонный суд по гражданским делам в качестве пилотного суда, где будут апробированы все предлагаемые меры с параллельной работой на концептуальном уровне. Полученные результаты будут обобщены, на основе чего, будут разработаны необходимые рекомендации по имплементации данной практики в других гражданских судах страны.

Проектом планируется внедрение полностью автоматизированного процесса прохождения судебного дела в пилотном гражданском суде, а именно с момента подачи иска до получения окончательного решения по гражданскому делу.

Указанный механизм будет включать в себя приём исковых заявлений в электронной форме, электронную регистрацию каждого искового заявления и отражение каждого процессуального действия в электронной форме, ведение электронной накопительной базы отмененных в апелляционной, кассационной и надзорной инстанциях вышестоящих судов судебных постановлений, что обеспечит полную безопасность персональных данных, что, безусловно, будет способствовать эффективному судебному администрированию каждого дела, своевременному и правильному разрешению споров, учету и ведению судебной статистики, упрощению поиска определенной категории гражданских дел, анализу и обобщению судебной практики по гражданским делам, а также повышению профессиональной квалификации судей.

Интерактивный аспект процесса повысит доступность информации участникам дела и обеспечит прозрачность процесса. При этом вся работа будет осуществляться в двух взаимосвязанных этапах.

**Первый этап —** изучение и внедрение в пилотном суде имеющейся практики и требований законодательства в области электронного правительства (Э-хужжат и Электронная подпись), что, в свою очередь, позволит повысить технические навыки судей и сотрудников суда до полноценного внедрения электронного судопроизводства, для создания зеркального отражения процесса в электронной форме.

**Второй этап** — проект будет работать по окончательному внедрению электронного судопроизводства. На обоих этапах параллельно будут отработаны различные каналы (включая СМС сообщения) оповещения сторон и других лиц о каждой стадии рассматриваемого дела.

Специалистами запланирована разработка веб-сайта по гражданскому судопроизводству, который будет ежедневно обновляться и где будет размещена необходимая информация на государственном и русском языках, который будет подключен к системе электронного судопроизводства[2].

Бесспорно, что для более эффективного внедрения передовых методов администрирования гражданских дел потребуется также и обучение использованию ИКТ судьями, юристами и другими ответственными работниками судов.

В настоящее время потенциал судов по администрированию и рассмотрению гражданских дел недостаточен, что приводит к несвоевременному рассмотрению дел, а также влияет на качество рассматриваемых дел[3]. Это - дела о восстановлении на работе, взыскании заработной платы (высокая доля), расторжении брака (самая высокая доля), взыскании алиментов на содержание несовершеннолетних детей (высокая доля), установлении отцовства, лишении родительских прав, выселении из жилых помещений, признании утратившими право на жилую площадь и другим жилищным спорам, праве собственности, а также по спорам, связанным со сделками, и другие.

В судебной практике Узбекистана прием исковых заявлений осуществляется судьей в ходе приема граждан в определенный день недели. Судьей ведется учет принятых граждан, а также принятых в ходе приема исковых заявлений. Все поданные исковые заявления передаются в канцелярию суда, где они также регистрируются и передаются председателю суда. После рассмотрения исковых заявлений председателем суда, они передаются конкретному судье для решения вопроса о принятии заявления и возбуждения гражданского дела либо, если исковое заявление не отвечает предъявляемым требованиям, для вынесения соответствующего определения об оставлении заявления без рассмотрения.

Зачастую гражданами представляются исковые заявления, не соответствующие требованиям ГПК Республики Узбекистан. К исковому заявлению не прилагаются необходимые документы, обосновывающие и подтверждающие заявленные требования, при этом судья независимо от наличия недостатков и неполноты документов, обязан принять исковое заявление. Кроме того, нередко в ходе приема граждане устно обращаются к судье (без предоставления искового заявления) за получением консультаций по поводу формы и содержания искового заявления, документов, необходимых для подачи вместе с исковым заявлением.

Предварительный анализ показывает, что для решения своего спора истцы и ответчики посещают суд первой инстанции по гражданским делам в среднем 6-7 раз, это не включая вопросы исполнения судебного решения.

Другим направлением проекта является улучшение доступа к правосудию, особенно для обеспечения судебной защиты для уязвимых слоев населения (инвалидов, женщин).

В конечном итоге, как зачастую наглядно демонстрирует практика, многие граждане не могут защитить свои права лишь по той причине, что не имеют представления, куда им обращаться, неправильно составляют свои исковые заявления, обращаются с ними не в те компетентные органы, в которые им нужно было обратиться.

Для устранения этого пробела, проектом будут размещены инфокиоски и информационные стенды в пилотном суде, которые будут отражать всю необходимую информацию о гражданском судопроизводстве, включая правила гражданского судопроизводства, схемы решения споров, образцы необходимых документов, необходимые условия для приведения доказательств, рассматриваемые дела, назначенные даты рассмотрения дел, соответствующие имя судьи, статус дела и т.д., что позволит обеспечить более широкий доступ к правосудию и прозрачности процесса.

По итогам проекта будет проведен анализ по вопросу влияния инфокиосков и информационной доски на работу суда и создания удобств для населения.

На основе результатов анализа будет разработано «Положение о минимальных требованиях для судов по гражданским делам по осведомлению населения о гражданском судопроизводстве» и представлено на рассмотрение Верховного суда, которое может быть в дальнейшем направлено на улучшение ситуации с правом на судебную информацию и будет служить в качестве одного из практических механизмов обеспечения надежной реализации целей Универсального периодического обзора (УПО) и выполнения соответствующих рекомендаций.

Планируется широко применять практику Министерства юстиции Республики Узбекистан по внедрению Единой горячей линии для предпринимателей, через которую можно информировать население о гражданском судопроизводстве, которую, кроме того, можно использовать и для обратной связи с населением.

Необходимо отметить, что по причине недостаточной правовой осведомленности и специ-

фических особенностей процессуального права граждане зачастую имеют ограниченную информацию о правилах судебных процедур, что является причиной множества дел незначительного характера.

В гражданском процессе источники информации ограничены, и зачастую население знает лишь общие правила гражданского судопроизводства. Анализ норм ГПК Республики Узбекистан позволяет сделать вывод, что в наибольшей степени прозрачность и открытость регламентируется применительно к лицам, участвующим в деле. Многие проблемы в этом аспекте возникают скорее в связи с ненадлежащей реализацией установленных правил, нежели чем с недостаточным правовым регулированием.

Отсутствие нормативно-правового акта, устанавливающего требования по обнародованию информации о деятельности судов препятствует получению необходимой информации гражданами.

В некоторых странах уже имеются специальные законы, устанавливающие требования по опубликованию информации о судах.

Таким образом, считаем, что благодаря подобным проектам укрепятся институциональные основы гражданских судов Республики Узбекистан, в том числе путем улучшения доступа населения к правосудию через внедрение электронного судопроизводства и повышение осведомленности населения о правовых мерах защиты гражданских прав.

[1]Портал государственной власти Республики Узбекистан- http://www.gov.uz/ru/press/society/9760.
[2] Далее настоящий веб-сайт будет использован в качестве платформы для разработки веб-сайта электронного судопроизводства Узбекистана.
[3] В среднем 1 месяц с момента подачи заявления.

**Жаббор МУҲАММАДИЕВ,**
**ТДЮИ доценти**

# АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА МИЛЛИЙ НОРМАТИВ НЕГИЗНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

✦ *Мақолада мамлакатимизда ахборот ва телекоммуникация тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш муаммолари ёритилган. Муаллиф томонидан ушбу соҳадаги норматив негизни ривожлантиришга ва такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар таклиф қилинган.*

✦ *В статье рассматриваются проблемы охраны информации в информационных и телекоммуникационных системах государства. Автором предлагаются мероприятия по развитию и совершенствованию нормативных основ данной области.*

✦ *In article, have been considered problems of securing information at information and telecommunication systems of government. Author has offered measures of developing and improving legal framework in this sphere.*

***Таянч сўзлар:*** *телекоммуникация, ахборот хавфсизлиги, ахборотни муҳофаза қилиш.*
***Ключевые слова:*** *телекоммуникация, информационная безопасность, зашита информации.*
***Key words:*** *telecommunication, prevention of information, information's protection.*

Инсон ҳаёти, жамият ва давлатнинг ҳаёт фаолиятига ахборот жабҳаси таъсирининг сезиларли даражада кучайиши XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларидаги ижтимоий ривожланишга хос хусусиятлардан бирига айланди. Бу, биринчидан, ҳисоблаш техникаси ва телекоммуникациялар соҳасидаги фан-техника инқилобининг ахборот фаолияти билан боғлиқ фаолиятнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширувчи янги ютуқлар билан, иккинчидан эса, инсоннинг «ахборот» фаолияти соҳасидаги ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳозирги замон цивилизациясининг асосий қадриятлари деб эътироф этилиши билан белгиланади.

Инсоннинг ахборот фаолияти соҳасидаги ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, миллий ахборот инфратузилмасининг такомиллашуви ва унинг барқарор фаолиятини таъминлаш[1], «информацион» иқтисодиёт миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири сифатида ривожланишидан манфаатдорликни акс эттирувчи «информацион» элемент жамият манфаатлари таркибида тобора муҳимроқ ўрин эгалламоқда. Бу нуқтаи назар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида[2] ўз аксини топган.

Жамиятда муносабатларнинг ривожланиш жараёнида, шунингдек, чет давлатлар ва халқаро муносабатларнинг бошқа субъектлари билан ўзаро алоқа қилиш чоғида юзага келувчи қарама-қаршиликлар Ўзбекистоннинг ахборот соҳасидаги манфаатларига жиддий хавф туғдиради. Бундай хавф ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигининг, шу жумладан, унинг ахборот хавфсизлигини тавсифловчи муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлиги — тармоқлараро аҳамиятга эга бўлган мураккаб, комплекс муаммо. Бу муаммони ҳал қилишда ахборот технологиялари терминологияси ва техник шартларини, уларни назорат қилиш ва синовдан ўтказиш усулларини тартибга солишни таъминловчи замонавий стандартлаштириш усуллари ва воситаларини амалиётга жорий этиш муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ахборот хавфсизлигига ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати деб таъриф берилган[3]. Шу боис ахборот хавфсизлиги икки асосий муаммони ҳал қилиш: хавфсиз ахборот технологиялари яратилишини таъминлаш мақсадида ахборот технологияларининг хавфсизлигига баҳо бериш ва автоматлаштирилган ахборот тизимлари, ахборот ва телекоммуникация тизимларида ахборотни муҳо-

фаза қилишни назарда тутади. Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги бу икки асосий муаммонинг ечими стандартлаштириш усуллари ва воситаларини амалга жорий этишни назарда тутади ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив негизни ривожлантириш ва такомиллаштиришни тақозо этади. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида амал қилувчи миллий норматив негиз умуман олганда автоматлаштирилган ахборот тизимлари, ахборот ва телекоммуникация тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилиш имконини беради. Бироқ, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги миллий ва халқаро норматив негиз ҳолатининг таҳлили миллий норматив негиз ахборот технологиялари ривожланишининг ҳозирги даражаси давр талабларидан ортда қолганлигини, халқаро норматив негизнинг ҳозирги ривожланиш даражасига жавоб бермаслигини кўрсатади. Миллий норматив негизни халқаро ва хорижий андозалар даражасига кўтариш мақсадида ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив негизни ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан бир қанча муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқ давлат мажбурлови билан мустаҳкамланган ижтимоий тартибга солиш воситаси сифатида муҳим рол ўйнайди. Бу соҳада давлат ҳуқуқни шакллантиришнинг фаол субъекти ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг ташкилотчиси сифатида намоён бўлади.

Шу муносабат билан давлат шаклланишининг ҳозирги босқичида таҳдидларга қарши кураш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш фаол ривожланмоқда, ахборот соҳасидаги энг муҳим манфаатлар англаб етилмоқда ва қонун йўли билан мустаҳкамланмоқда. Масалан, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Ахборот олиш эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида», «Электрон тижорат тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида», «Архивлар тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Алоқа тўғрисида», «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, инсон ва фуқароларнинг ахборот жабҳасидаги ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа бир қанча қонунлар қабул қилинди ва амал қилмоқда.

Инсон ва фуқароларнинг ахборот жабҳасида рўёбга чиқарилувчи конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари, шахс эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати[4], жамият ахлоқи, шахс, жамият ва давлатнинг компьютер ахбороти соҳасидаги қонуний манфаатларига зид бўлган ғайриқонуний ҳаракатларга қарши кураш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиёти фаоллашмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатнинг ахборот жабҳасидаги манфаатларини таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси бўлган ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлашнинг муҳим назарий ғоялари шаклланишига замин яратмоқда. Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини шакллантириш борасида тўпланган тажриба ахборот жабҳасида юзага келувчи муносабатларни норматив тартибга солишда камчилик ва нуқсонлар мавжудлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида (ахборот хавфсизлигини таъминлашда) ахборот жабҳасида юзага келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиши шу билан изоҳланади. Халқаро ахборот алмашишда иштирок этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, ахборот хавфсизлиги деганда, жамиятда ахборот муҳитининг фуқаролар, ташкилотлар ва давлат манфаатларида шаклланиши, фойдаланилиши ва ривожланишини таъминлайдиган ҳимояланганлик ҳолати тушунилади. Шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш тартибида ахборот хавфсизлигига таҳдиднинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳимоя восита ва механизмлари мажмуининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишига асосланади[5]. Булар бундай таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишни таъминлайдиган ташкилий, техник, дастурий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа механизмлар бўлиши мумкин.

Ахборот хавфсизлиги масалалари ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши лозим бўлган субъектларга ҳам, бундай ҳимояни таъминлайдиган субъектларга ҳам тааллуқлидир. (Булар жумласига деярли барча субъектлар киради: ахборот ишлаб чиқарадиган ва истеъмол қиладиган давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда юридик ва жисмоний шахслар, ахборот тизимлари, технологиялари ва уларни таъминлаш воситаларини ишлаб чиқадиган ва қўллайдиган давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда юридик ва жисмоний шахслар; ахборот ресурсларини вужудга келтирадиган ва улардан истеъмолчиларга ахборот тақдим этадиган ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар, ахборот хавфсизлигини таъминлайдиган давлат тузилмалари ва мансабдор шахслар).

Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонунида хавфсизлик шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати сифатида белгиланган[6]. Ҳаётий муҳим манфаатлар қонун чиқарувчи томонидан қондирилиши шахс, жамият ва давлатнинг мавжудлиги ҳамда прогрессив ривожланиш имкониятини таъминлайдиган эҳтиёжларнинг йиғиндиси сифатида, хавфсизликка таҳдид эса — шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига хавф соладиган шарт-шароитлар ва омилларнинг йиғиндиси сифатида белгиланган. Ва ниҳоят, хавфсизликни таъминлаш — бу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига қилинаётган таҳдидларга мос равишда, таҳдидларни аниқлаш ва олдини олишга қаратилган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа турдаги чора-тадбирлар тизимидир[7].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий тартибга солиш тизимини яратиш амалиётини умумлаштириш ва бу соҳада юзага келувчи муаммоларни илмий-амалий ўрганиш Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлашнинг назарий асослари етарли эмаслиги билан боғлиқ камчиликлар мавжудлигини кўрсатади. Бу ҳолат стандартлаштиришнинг замонавий усуллари ва воситаларини амалда қўллашга нисбатан тизимли ёндашув ахборот хавфсизлиги соҳасидаги норматив негизни такомиллаштириш ва ривожлантириш муаммосини ҳал қилиш имконини беради.

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 29, 67-модда.
[2] Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни (N560-II, 2003 йил 11 декабр). Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни (N439-II, 2002 йил 12 декабрь). Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонуни (N562-II, 2003 йил 11 декабрь). Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат тўғрисида»ги (N611-II, 2004 йил 29 апрель).
[3] Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни. 3-модда.
[4] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 27, 29, 67-модда.
[5] Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни. 13-15 модда.
[6] Ўша ерда. 3-модда.
[7] Ўша ерда. 11-15 модда.

**Ботир РЎЗМЕТОВ,**
**ТДЮИ докторанти, ю.ф.н.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

✦ *Мақола Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги таҳлили ҳамда криминалистика фани асосида тайёрланган бўлиб, ҳозирги жиноят процессида далиллар билан иш олиб боришда мавжуд бўлган муаммолар кўриб чиқилган.*

✦ *В статье на основе подготовленного анализа законодательства Республики Узбекистан и криминалистической науки рассматриваются имеющиеся в уголовном процессе проблемы связанные с использованием доказательств.*

✦ *This article consists of the results of analysis of the Republic of Uzbekistan legislation and the achievements of forensic science. All achievements of legislation and the forensic science viewed as the legal way to work with evidence in the course of the crime cases investigation.*

***Таянч сўзлар:*** *ҳуқуқ, манфаатлар, дахлсиз, далил, тинтув, адвокат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар.*
***Ключевые слова:*** *право, интересы, неприкосновенность, доказательство, обыск, адвокат, правоохранительные органы.*
***Key words:*** *law, interests, personal immunity, evidence, search, lawyer, organs of law enforcement.*

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ривожланишнинг бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган ҳуқуқий ва демократик давлат қурилиши йўлини танлади. Ушбу мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан республиканинг ривожлантирилишига қаратилган бешта устувор тамойиллар ишлаб чиқилди. Улардан бири сифатида илгари сурилган "Қонун устуворлиги" тамойили Ўзбекистон халқининг адолат, қонун ва ҳуқуқ-тартиботга нисбатан чуқур эҳтиромини ўзида акс эттиради.[1]

Амалиётдан маълум бўлишича, турли давлатлардаги, шу жумладан, бизнинг республикамизда ҳам ўтиш давридаги иқтисодиёт ўзининг ижобий томонлари билан биргаликда жиноятчилик каби иллатларнинг ҳам юзага келиши билан тавсифланади. Зеро, жиноятчилик нафақат сон жиҳатидан, балки сифат нуқтаи назаридан ҳам ўзгариб, ижтимоий хавфли ҳаракатларни содир этишнинг ва уларни яширишнинг турли-туман янги йўлларини ўйлаб топишни ўзида акс эттиради.

Ҳозирги пайтда жиноятчиликка қарши кураш борасида исботлаш базасини шакллантириш усули сифатида тергов ҳаракатларининг одатий экстенсив олиб борилиши замон талабларига мос келмайди ва бу соҳада тергов ҳаракатларини олиб боришнинг янги тактик усул ва услубларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳолда ривожланишни талаб этади.

Жамиятдаги инсон ҳаётий жиҳатларининг ўзгаришига олиб келувчи ижтимоий-сиёсий ҳолатнинг ўзгартирилиши барча соҳаларда, шу жумладан, ҳуқуқ соҳасида ҳам инсоннинг қадри ўсишига олиб келди. Ушбу ўзгаришлардан келиб чиқиб, республикамизда, авваламбор, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилувчи гуманизм адолатлиликка асосланган нормаларни кенгайтиришга қаратилган жиноят-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш сиёсати олиб борилмоқда. Ушбу ҳолатларни эътиборга олиб айтиш мумкинки, жиноятларни тергов қилиш борасидаги қарашлар ҳам ўзгариб, эндиликда уларнинг олдига "айбдорни жазолаш" эмас, балки "фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш" асосий вазифа сифатида қўйилмоқда.

Юқоридаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, ҳозирда жиноят-процессуал назарияси олдида умумий нуқтаи назардан тергов ҳаракатлари, исботлаш назарияси кабиларни қайта кўриб чиқиш турибди. Бунда асосий эътибор ва устуворлик тергов, прокурор, судлов инстанцияларидаги мавжуд бўлган

айбланувчи ёки судланувчининг айбини очиб беришга қаратилган исбот-далиллар базасини кўпайтириш ва ҳар қандай оқловчи далилларга шубҳа кўзи билан қараш ўрнига айблов ҳамда оқлаш функцияларининг ўзаро мувозанатини таъминлашга қаратилиши зарур.

Шу билан биргаликда айтиб ўтиш керакки, фан ва техниканинг ривожланиши жиноятларни содир қилишнинг ҳисоблаш технологияларидан кенг фойдаланиш билан боғлиқ усулларини кўпайтириш имкониятини яратиб бермоқда. Инсониятнинг ахборот эрасида яшаётганлиги ва тўлиқ компьютерлаштирилиш тенденцияси доирасида криминалистика техникалари ва суд экспертизаси ҳар томонлама замонавий даражага кўтарилди, тергов ҳаракатларининг криминалистик тактикаси ва исботлаш назарияси олдидаги вазифаларни ечишда эса ўз навбатида математик ва компьютер воситаларидан фойдаланишни фаоллаштириш ишлари ҳозиргача йўлга қўйилмаган.

Тергов-суд амалиётидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, криминалистик-техник таъминотнинг пастлиги ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқ, шунингдек аҳоли ҳуқуқий маданияти даражаси, исботлаш механизмининг зарур таркибий қисми сифатида тергов ҳаракатларининг амалга оширилиши улардан кутилган натижани бермаётганлигига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 10 мартдаги қарори билан тасдиқланган "Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш соҳасидаги ислоҳотларга доир устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича концепция-си"да давлатнинг мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган босқичма-босқич сиёсатининг кўриниши сифатида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига нисбатан уларнинг масъулиятларини ошириш устувор вазифа сифатида белгилаб берилган.

Ушбу вазифа эса ўз навбатида тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг конституциявий кафолатини янада мустаҳкамлашга қаратилгандир. Зеро, тинтув ва олиб қўйиш кабилар фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 27-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 18-моддаларида белгилаб қўйилган шахсий ҳаёти ва турар жойлари дахлсизлигини чегаралаб қўйишга олиб келадиган тергов ҳаракатларидан эканлиги маълум. Ушбу тергов ҳаракатларининг сифатли амалга оширилиши тергов олиб борилаётган жиноят иши юзасидан муҳим ашёвий далилларнинг топилишига хизмат қилади. Шу билан бирга эсда тутиш зарурки, жиноят-процессуал қонунчилик нормаларининг четлаб ўтилиши исботлаш жараёнида ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин, зеро бунда ашёвий далил сифатида топилган предмет ва маълумотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузган ҳолда топилган ашёвий далил сифатида тан олинмаслиги хавфи мавжуд. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қоидани ҳамма тан олиши, бу қоидага ҳамма итоат қилиши шарт," — деган гапларини таъкидлаб ўтиш жоиз.[2]

Тинтув ва олиб қўйиш институтларини ҳар томонлама ўрганиш учун халқаро жиноят-процессуал ҳуқуқий нормаларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ кўринмоқда. Хусусан, Австрия давлати ЖПКнинг 139-моддасида тинтув тушунчасига таъриф бериб, "жиноят ишига тааллуқли бўлган, қидирилаётган шахс яширинаётган ёки ҳужжатлар ё ашёвий далилларни топиш мумкин бўлган квартира ёки бинода тинтув ўтказишга қаратилган тергов ҳаракати" дейилган. Шахсий тинтув эса юқоридаги модданинг кейинги қисмига мувофиқ, жиноят ишига тааллуқли бўлган ҳужжатлар ё ашёвий далилларни инсон танасида ёки унинг ёнидаги нарсаларда яшириниши тахмин қилинаётганда тинтув ўтказишга қаратилган тергов ҳаракати сифатида баҳоланган.[3]

Шунингдек, Швейцария қонунчилигида ҳам "шахсий тинтув" ва "инсон танасининг тинтуви"-га таъриф берилган. Жумладан, Швейцария ЖПКнинг 250-моддасига мувофиқ, "инсон танасининг тинтуви" деганда инсон танасининг жисмоний ёки руҳий жиҳатдан ўрганилиши тушунилади. Шу билан бирга, Швейцария ЖПКнинг 249-моддасида шахсий тинтув сифатида жиноят ишига тааллуқли ҳужжатлар ёки предметларни махсус воситалардан фойдаланмасдан инсон танасида, унинг кийимларида, автотранспортда ва унинг юкхонасида излаш тушунилиши белгиланган.[4]

Айтиб ўтиш керакки, дунёнинг кўпчилик давлатларида автотранспортдаги тинтув бинолар тинтувига эмас, балки шахсий тинтувга киритилади. Хусусан, бундай нормани Франция ЖПКнинг 56-моддасида учратиш мумкин.[5]

Шу билан бирга, деярли барча давлатлар қонунчилигида тинтувнинг *вазифа ва функциялари* бир хилда талқин қилинади. Хусусан, Италия ЖПКнинг 247-моддасида белгиланишича, тинтув тергов олиб борилаётган жиноят ишига алоқадор бўлган нарсаларни қидириш ва олиб қўйиш мақсадида амалга оширилади.[6] Шунингдек, ушбу ЖПКнинг 103-моддаси 1-қисми, "б" бандида қидирувда деб эълон қилинган шахсларни излаш ва топиш учун амалга оширилиши бириктирилган. Швейцария ЖПКнинг 245-моддасига мувофиқ, тинтув жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ашё ва ҳужжатларни топиш учун амалга оширилиши белгиланган, 208-моддасида

эса тинтув жиноят иши юзасидан топиш зарур бўлган шахсни излаш учун ҳам амалга оширилиши акс эттирилган.[7] Ушбу давлатлар қонунчилигига ўхшаш бўлган Германия ЖПКнинг 94 ва 102-моддаларида тинтув жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ашё ва ҳужжатларни топиш ҳамда тинтув жиноят иши юзасидан топиш зарур бўлган шахсни излаш учун амалга оширилиши белгиланган.[8] Шунингдек, Россия Федерацияси ЖПКнинг 182-моддасига мувофиқ, жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ашё ва ҳужжатларни ҳамда қидирувдаги шахсни топиш тинтувнинг вазифаси бўлиб ҳисобланади.[9]

Умумийликлар билан биргаликда, турли давлатлар қонунчиликлари орасида тинтувни амалга ошириш тартиб-таомили борасида хилма-хилликни ҳам учратиш мумкин.

Биринчи фарқ тинтувни амалга оширишга ваколатли шахслар билан боғлиқдир. Хусусан, Швейцария ЖПКнинг 190-моддасига мувофиқ, тинтувни суд, прокурор ёки полиция ходимлари амалга ошириши мумкин.[10] Бундан фарқли ўлароқ, Франция ЖПКнинг 56-моддасида тинтувни полиция офицери, алоҳида турдаги жиноят ишлари бўйича судьянинг ўзи амалга ошириши мумкинлиги белгиланган.[11] Германия ЖПКнинг 109-моддасига мувофиқ, барча турдаги тинтув ишларини суд полицияси амалга оширади, лекин 100-моддага мувофиқ ёзишма-телеграф жўнатмаларини ушлаш ҳолатида тинтувни шахсан судьянинг ўзи амалга ошириши мумкин. Бироқ, ушбу тергов ҳаракати қолдириб бўлмайдиган ҳолатларда полициячи томонидан амалга оширилиши мумкин, бунда улар почта жўнатмаси билан танишмасдан, уни хатлашлари ва судьяга олиб боришлари лозим, у эса ушбу жўнатмани жорий жиноят ишига тикиб қўйиш масаласини кўриб чиқади.[12]

Иккинчи, тинтувни ўтказишга санкция бериш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар билан боғлиқ фарқлар ҳам кузатилади. Италия ЖПКнинг 247-моддасида, Россия Федерацияси ЖПКнинг 183-моддаси 3-қисмида, Швейцария ЖПКнинг 240-моддасида тинтув суднинг санкцияси ёки рухсати билан амалга оширилиши белгиланган. Бироқ, Франция ЖПКнинг 18-моддаси 2-қисмида бир истисно норма мавжуд бўлиб, унга кўра суд тергов ҳаракатини ўтказишга санкция беришдан олдин бу ҳақда прокурорни хабардор қилиши лозим.[13] Италия ЖПКнинг 256-моддасида белгиланишича, суд давлат сирлари ҳисобланган маълумотлар билан боғлиқ тинтувга санкция беришда ўз қарорини Италия Министрлар Кенгаши Раиси билан келишиб олиши керак. Бунда Раис судьянинг ушбу қарори юзасидан сўровига 60 сутка давомида жавоб бериши лозим, бундай жавоб бўлмаган тақдирда суд ўзи мустақил равишда ҳал қилиши мумкин.[14] Бизнингча, бу борада энг либерал нормаларни Германия ЖПКда учратиш мумкин. Унинг 98-моддасида тинтув суд санкциясига мувофиқ, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда эса прокурорнинг рухсати билан амалга ошириши мумкинлиги белгиланган.[15]

Хорижий давлатлар қонунчилигидаги қуйидаги нормалардан шахс ҳуқуқ ва манфаатларининг таъминланиши борасида хулоса қилиш мумкин. Жумладан, Швейцария ЖПКнинг 244-моддасида келтирилишича, тинтув куннинг тунги 22:00 ва 06:00 соатлари оралиғида ҳамда якшанба ва ишланмайдиган (байрам) кунлари амалга оширилиши мумкин эмас. Кўриниб турибдики, ушбу норма фуқароларга қийинчиликлар туғдирилишининг олдини олишга қаратилган. Лекин, истисно тариқасида ушбу вақтларда ҳам зарурий ҳолларда тегишли тартибда тинтув амалга оширилиши мумкин.[16]

Бундан ташқари, Франция ЖПКнинг 56-1-моддасида айбланувчининг ҳимоячиси (адвокат) тинтуви суднинг санкцияси ва фақатгина "адвокатлар бирлашмаси раҳбари", яъни адвокатлик уюшмаси бошлиғи иштирокида амалга оширилиши мумкин, бу эса ўз навбатида ҳимоячининг ҳам ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган алоҳида норма ҳисобланади.[17] Шунга ўхшаш нормани Италия ЖПКнинг 103-моддасида кузатиш мумкин бўлиб, унга кўра адвокатнинг уйи ёки ишхонасида тинтув фақатгина судья ёки судьянинг топшириғи билан прокурор томонидан адвокатнинг ўзи жиноят содир қилишида гумонланаётган ёки ишга тааллуқли предмет, ҳужжат ёхуд қидирилаётган шахсни яшираётганлиги тахмин қилинган ҳолда амалга оширилиши мумкин. "Адвокат тинтуви"даги ўзига хослик шундаки, адвокат томонидан яширилаётган предмет ёки ҳужжатлар унинг ҳимояси остидаги шахс билан боғлиқ ишга тааллуқли бўлиб, улар ушбу шахсни оқлашга қаратилган адвокатлик фаолиятига хос бўлса ҳамда жиноятнинг қисми бўлмаса ёки жиноятчини яширишга хизмат қилмаса, олиб қўйилмайди, акс ҳолда улар олиб қўйилади.[18]

Кўрсатиб ўтилган хорижий тажриба ҳозирда МДҲ давлатлари қонунчилигида учрамайди, зеро, уларни акс эттирувчи нормаларнинг қонунчиликда акс эттирилиши тинтувга алоқадор бўлган нормаларни ривожлантиришга хизмат қилиши аниқ. Хусусан, юқоридагилардан келиб чиқиб, адвокатларнинг (ҳимоячи) жиноят иши билан боғлиқ фаолиятидан ҳамда уларнинг ўзини ёки уйини тинтувдан ўтказишга доир нормаларни акс эттирган янги таҳрирдаги $161^1$-моддани Ўзбекистон Республикаси ЖПКга киритиш ҳамда уни қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

"Ҳимоячининг (адвокатнинг) фаолияти юзасидан тасарруфида жиноят ишига алоқадор бўлган предмет ёки ҳужжатларнинг мавжудлиги, худди шунингдек унинг шахсан жиноят ишига алоқадорлигини ёки қидирилаётган шахснинг яширинишини ошкор қилувчи маълумотлар бор деб ўйлаш учун етар-

ли маълумотга эга бўлган тақдирда суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг илтимосномасига мувофиқ ёки шахсан судья томонидан унга тааллуқли турар жой, ишхонаси ёки бошқа иншоотда тинтув ўтказилиши ва иш учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиши мумкин.

Ҳимоячида (адвокатда) тинтув ва олиб қўйиш ўтказиш жараёнида мазкур Кодексда назарда тутилган шахслар билан биргаликда ҳудудийлик бўйича адвокатлик коллегияси раҳбари ҳам иштирок этиши шарт.

Тинтув жараёнида тинтув ўтказаётган ҳимоячи (адвокат) иштирок этаётган жиноят иши бўйича мижозининг ҳимояси учун хизмат қиладиган жиноят ишига тааллуқли бўлган нарса ва ҳужжатлар олиб қўйилиши мумкин эмас".

Биз томонимиздан таклиф қилинаётган адвокатнинг судья томонидан шахсан тинтув қилинишига доир норма суриштирувчи, терговчи ҳамда бир вақтнинг ўзида давлат айбловчиси ҳам бўлган прокурор томонидан ўз ваколатларининг суиистеъмол қилинмаслигига, шунингдек, адвокатдан мижозини оқлаши мумкин бўлган ашёвий далиллар билан олдиндан танишиш ёки олиб қўйилишининг олдини олишга қаратилган.

Фикримизча, Австрия ЖПКнинг 140-моддаси 1-қисмидаги тинтувни амалга ошираётган шахс параллел равишда шахсни сўроқ қилиши мумкин эмас деган норма эътиборга моликдир, зеро, шахс тинтувдан олдин сўроқ қилинган бўлиши лозим. Бу борадаги норманинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига киритилиши мавжуд бўлган тинтув жараёнида қидирилаётган нарсани топиш учун шахснинг сўроқ қилинишига доир тажрибанинг олдини олади.

Шунингдек, Австрия ЖПКнинг 141-моддасида белгиланишича, судьянинг ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимининг уйида тинтув қилишга асос мавжуд бўлган тақдирда тинтув ўша органнинг ходими томонидан амалга оширилиши мумкин.[19] Лекин, бизнингча, ушбу норма жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлашга халақит қилиши мумкин. Зеро, юқорида кўрсатилган ҳолатда тинтув ўтказилаётган ходимнинг ҳамкасблари касбий раҳмдиллик ёки "мундир шарафи"ни ҳимоя қилиш мақсадида муайян ҳолатларни, маълумотларни очмасликлари, тинтувни ўтказмасликлари ёхуд бу ҳақда олдиндан шахсни хабардор қилишлари мумкин. Фикримизча, бундай ҳолатларда тинтувнинг бошқа ташкилот ходимлари томонидан ўтказилиши белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Хорижий давлатлар ЖПКларида бундан ташқари компьютер ва бошқа ҳисоблаш воситалари тинтуви ва олиб қўйиш масалалари ҳам ҳуқуқий тартибга солинган. Хусусан, ГФР ЖПКнинг 97-моддасида белгиланишича, суд санкцияси билан ишга бевосита ва билвосита алоқадор ашёлар ҳамда ҳужжатлардан ташқари компьютер хотирасидаги аудио, видео ва бошқа файллар ҳам олиб қўйилиши мумкин. Шунингдек, 98-модданинг (b)-бандида белгиланишича, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга қаратилган маълумотларгина жиноят ишига қўшиб қўйилиши мумкин, олиб қўйилган бошқа нарса ва ашёлар, файллар эса эгасига қайтарилиши лозим. 99-моддада компьютер орқали амалга оширилган электрон корреспонденция жўнатмаларини ҳам хатлаш имконияти белгиланган.[20]

Юқоридагига ўхшаш нормани Швейцария ЖПКнинг 245-моддасида ҳам учратиш мумкинки, унга мувофиқ, тинтув жараёнида жиноят ишига алоқадор бўлган нарсалар, аудио, видео ва рақамли маълумотлар, компьютер хотирасидаги файллар ва дастурий воситалар олиб қўйилиши мумкин. Шунингдек, 246-моддада ЭҲМ воситаларидаги нарсаларни аниқлаш ва олиб қўйиш мақсадида мутахассисларни жалб қилиш имконияти белгиланган.[21]

Компьютер техникаси воситаларидаги маълумотлардан жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида фойдаланиш Қозоғистон қонунчилигида ҳам белгиланган. Қозоғистон ЖПКнинг 236-моддасига мувофиқ, прокурор санкцияси билан тезкор ходимлар томонидан компьютер воситалари орқали юборилган тегишли хат жўнатмалари ушлаб қолиниб, олинган маълумотлар терговчига тақдим қилиниши лозим.[22] Юқорида келтирилган мисоллардан қонунчиликда жиноятга қарши кураш самарадорлигини ошириш учун техник янгиликларга қаратилган нормаларни киритишнинг қанчалик муҳимлигини кўриш мумкин.

Хорижий давлатлар ЖПКларида Ўзбекистон Республикаси ЖПК каби санкциясиз тегишли тинтувнинг амалга оширилганлиги ҳақида ваколатли органларни хабардор қилиш мажбурияти белгиланган. Хусусан, Швейцария ЖПКнинг 240-моддаси 2-қисмида суд санкциясисиз ўтказилган тинтув тергов ҳаракати ҳақида суд органларига хабар қилиниши лозимлиги белгиланган бўлсада, бундай хабарни юбориш муддати нормада белгиланмаган.[23] Бундан ташқари, Германия ЖПКнинг 98-моддаси 2-қисмида кечиктириб бўлмайдиган тинтув ўтказилган тақдирда бу ҳақда 3 кун ичида суд хабардор қилиниши лозимлиги белгиланган. Худди шундай тартиб ГФР ЖПКнинг 100-моддасида корреспонденция жўнатмаларини хатлаш масаласи ҳам белгиланган.[24]

Келтирилган хорижий тажрибадан, шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардан келиб чиқиб, замонавий жараёнларни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада кўпроқ таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг киритилиши фойдадан холи бўлмайди. Жумладан, ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар фуқаро-

ларнинг конституциявий ҳуқуқларига жиддий равишда таъсир ўтказадиган тинтув ва бошқа тергов ҳаракатлари юзасидан санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилишига қаратилган бўлиб, уларнинг ваколатларини кенгайтиришга доир бўлиши мақсадга мувофиқ. Чунки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 29-моддаси, 3-қисми, 36-моддаси, 2-қисми, 89-моддаси, 1-қисми, 148-моддаси, 382-моддаси, 3-қисми, 8-бандига мувофиқ барча тергов ҳаракатларини амалга оширишга санкцияни бериш ваколати прокурорга тегишлидир. Шу билан бирга, адвокатларнинг ваколатларини, айниқса, тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнидаги ваколатларини кенгайтириш мамлакатимиздаги суд-ҳуқуқ тизими либераллашуви жараёнини янада илғорлаштиришга имкон яратади.

Бундан ташқари, кўзда тутилаётган қонунчилик ўзгартиришлари Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари исботлаш функциясини сезиларли даражада яхшилаши, уларнинг жиноятларни очишлари, тергов самарасини ошириши, шунингдек, соҳага доир бошқа давлат органлари билан ҳамкорлигини янада кенгайтириши мумкин.

[1] «Концепция по реализации приоритетных направлений реформ в сфере реформирования и дальнейшей либерализации судебно-правовой системы», утвержденная как приложение №3 к Постановлению Президента Республики Узбекистан от 10 марта 2005 года № ПП-24 «О Программе реализации целей и задач демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны» //Фуқаролик жамияти. Гражданское общество.Civil society - Т., Maxsus son - С.13-15. Также непосредственное отношение к судебно-правовой реформе относятся: Программа дальнейшего развития судебной реформы в Республике Узбекистан // Именем закона. Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. 1996. №3-4. – С.92-93; Постановление Олий Мажлиса Республики Узбекистан «О национальной программе повышения правовой культуры в обществе» от 29 августа 1997г. // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1997., №9. – С.227; Указ Президента Республики Узбекистан от 14 октября 2000г. «О совершенствовании судебной системы Республики Узбекистан» // Именем закона, 2000, №4 – С.1; «Концепция по дальнейшему углублению судебно-правовой реформы» от 8 ноября 2002г., утвержденный на заседании Комиссий Олий Мажлиса по вопросам дальнейшего углубления демократических преобразований и формирования основ гражданского общества в Узбекистане; Указ Президента Республики Узбекистан «Об отмене смертной казни в Республике Узбекистан» от 1 августа 2005 г. №УП-3641 // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2005. №30-31. – С.223; Указ Президента Республики Узбекистан «О передаче судам права выдачи санкции на заключение под стражу» от 8 августа 2005г. №УП-3644 // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2005. №32-33. – С.242; Распоряжение Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по подготовке законодательных, нормативно-правовых актов, подлежащих принятию в связи с отменой смертной казни в Республике Узбекистан» от 29 июня 2006 г. №Р-2529 // Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан. 2006. №6(1362). – С.355; Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан №12 от 24 сентября 2004г. «О некоторых вопросах применения норм уголовно-процессуального закона о допустимости доказательств» // Бюллетень Пленума Верховного суда Республики Узбекистан, 2004,№3. – С.22-24. и др.

[2] Каримов И.А. Основные принципы общественно-политического и экономического развития Узбекистана// Родина священна для каждого. Т. 3. –Т.:Узбекистан, 1996. – С.15.

[3] Австриянинг Жиноят-процессуал кодекси www.strafverteidiger-friis.at/Strafprozessordnung-StPк/Strafprozessordnung-StPк.pdf

[4] Швейцариянинг Жиноят-процессуал кодекси http://www.admin.ch/ch/f/ff/2006/1373.pdf

[5] Code de Procededure penale. Trentieme Edition. Jurisprudence Generale dalloz 11. Rue soufflot – 75240 Paris cedex 05. – 1988-1989. – Art.56. – P. 94.

[6] Италиянинг Жиноят-процессуал кодекси www.studioaterno.it/documenti/Codice%20Procedura%20Penale.pdf

[7] Швейцариянинг Жиноят-процессуал кодекси http://www.admin.ch/ch/f/ff/2006/1373.pdf

[8] Германиянинг Жиноят-процессуал кодекси www.gesetze-im-internet.de/bundesrecht/stpo/gesamt.pdf

[9] Научно-практический комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общ.ред. В.М.Лебедева, В.П.Божьева – 2-е изд. – М.: Спарк, 2004. – С. 372-373.

[10] Швейцариянинг Жиноят-процессуал кодекси http://www.admin.ch/ch/f/ff/2006/1373.pdf

[11] Code de Procededure penale. Trentieme Edition. Jurisprudence Generale dalloz 11. Rue soufflot – 75240 Paris cedex 05. – 1988-1989. – Art.56. – P. 92-93.

[12] Германиянинг Жиноят-процессуал кодекси www.gesetze-im-internet.de/bundesrecht/stpo/gesamt.pdf

[13] Code de Procededure penale. Trentieme Edition. Jurisprudence Generale dalloz 11. Rue soufflot – 75240 Paris cedex 05. – 1988-1989. – Art.56. – P. 22.

[14] Италиянинг Жиноят-процессуал кодекси www.studioaterno.it/documenti/Codice%20Procedura%20Penale.pdf

[15] Германиянинг Жиноят-процессуал кодекси www.gesetze-im-internet.de/bundesrecht/stpo/gesamt.pdf

[16] Швейцариянинг Жиноят-процессуал кодекси http://www.admin.ch/ch/f/ff/2006/1373.pdf

[17] Code de Procededure penale. Trentieme Edition. Jurisprudence Generale dalloz 11. Rue soufflot – 75240 Paris cedex 05. – 1988-1989. – Art.56. – P. 96.

[18] Италиянинг Жиноят-процессуал кодекси www.studioaterno.it/documenti/Codice%20Procedura%20Penale.pdf

[19] Австриянинг Жиноят-процессуал кодекси www.strafverteidiger-friis.at/Strafprozessordnung-StPк/Strafprozessordnung-StPк.pdf

[20] Германиянинг Жиноят-процессуал кодекси www.gesetze-im-internet.de/bundesrecht/stpo/gesamt.pdf

[21] Швейцариянинг Жиноят-процессуал кодекси http://www.admin.ch/ch/f/ff/2006/1373.pdf

[22] Козоғистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси http://base.zakon.kz/doc/lawyer/nph-lawyer.exe?uid=;&uid=4B2491A7-6402-411B-9C97-99B8B3275022&language=rus&doc_id=1008442&language=rus&forprint

[23] Швейцариянинг Жиноят-процессуал кодекси http://www.admin.ch/ch/f/ff/2006/1373.pdf

[24] Германиянинг Жиноят-процессуал кодекси www.gesetze-im-internet.de/bundesrecht/stpo/gesamt.pdf

**Ўткир НЕҒМАТОВ,**
**ОАТБ "Агробанк" бўлим бошлиғи**

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТЛАШ ФАОЛИЯТИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

✦ *Мақолада мамлакатимиздаги тижорат банкларида кредит ахбороти ва унинг алмашинуви муносабатларини тартибга солиш, уларни такомиллаштириш ва унда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари ёритилган.*

✦ *В статье рассмотрены вопросы кредитной информации коммерческих банков страны и регулирование отношений их обмена и обеспечения безопасности их информации.*

✦ *In article, have been considered important questions of country`s commercial banks credit references and regulation relations their exchange and supplying information security.*

***Таянч сўзлар:*** *тижорат банклар, ахборот алмашинув, кредит бюролар, ахборот хавфсизлиги.*
***Ключевые слова:*** *коммерческие банки, обмен информацией, кредитные бюро, информационная безопасность.*
***Key words:*** *commercial banks, exchange of information, credit's office, information safety.*

Маълумки, инсон ва фуқароларнинг иқтисодий манфаатлари доимий равишда эътиборни жалб қиладиган муҳим мезон бўлиб ҳисобланади. Бу эса энг аввало, инсон ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини қўллаб-қувватлаш ва норматив жиҳатдан мустаҳкамлаш, унинг нормал турмуш ҳаёти, иш билан бандлиги, моддий фаровонлиги, ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинганлиги, бир сўз билан айтганда, унинг эҳтиёжлардан холи равишда эркин бўлишини таъминлашда намоён бўлади.

Мазкур масала доимий равиша Президентимизнинг диққат-эътиборида бўлиб, амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида аҳолининг турмуш тарзи фаравонлигини босқичма-босқич равишда юқори даражага кўтариб бориш ҳар йили қабул қилинадиган Давлат дастурларининг асосини ташкил этмоқда.

Ушбу стратегик мақсадни рўёбга чиқариш борасида олиб борилаётган ишлар, бу энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашувига чек қўйиш, тижорат банкларининг тадбиркорлик субъектларига иқтисодий кўмагини янада ошириш, шунингдек меҳнатга қобилиятли бўлган аҳолининг кенг қатламларини ушбу соҳага жалб қилишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларда намоён бўлмоқда. Айниқса, бугунги кунда тижорт банклари томонидан аҳолининг меҳнатга иштиёқманд бўлган қисмини иқтисодий фаолиятга жалб этиш, уларга тижорат банкларининг иқтисодий кўмагини бериш тартиб-таомилларини янада соддалаштириш масаласига ҳар қачонгидан-да кўпроқ эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада ҳукуматимиз томонидан тижорат банклари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг тўловга қобилиятлилигини янада ошириш, тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни рағбатлантириш, шунингдек республика молия-банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, банклар ва бутун молия-банк тизими фаолиятига ёндашувларни ҳамда баҳолаш тизимини тубдан ўзгартириш, банк фаолиятини ташкил этишнинг янада юқорироқ даражасига чиқишни таъминлашга қаратилган алоҳида чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу эса ўз навбатида банклар фаолиятида ўзаро ахборот алмашинуви, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали ва бенуқсон фойдаланиш, шу билан бирга, банклараро эркин ахборот олишнинг таъсирчан механизмларини жорий этишни талаб этади.

Ҳаммамизга маълумки, банкларнинг кредит ахбороти бу кредит битимининг ҳолати, берилган таъминот бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар, шунингдек кредит ахбороти субъектининг кредит қобилиятини,

молиявий ҳолатини, тўлов қобилиятини, тўлов интизомини ва ўзга сифатларини аниқлашга кўмаклашувчи бошқа ахборотларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, кредит ахбороти кредит ахбороти субъектини ва кредит ахборотини етказиб берувчини идентификациялаш имконини берадиган, кредит ахбороти субъектининг шартнома бўйича пул суммасини тўлаш мажбуриятлари, кредит ахбороти субъектига алоқадор шахслар, кредит битими билан боғлиқ мол-мулк тўғрисидаги маълумотларни берадиган ахборот ҳам ҳисобланади. Юқоридагилардан маълум бўладики, тижорат банкларида кредит ахбороти ва унинг алмашинуви иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ва уларнинг такомиллашувида ўзига хос муҳим дастак вазифасини бажаради. Демак, уни турли ошкораликлар, қонунбузилишлари ва бошқа шахсларнинг қонунсиз эгаллашидан муҳофаза қилиш энг долзарб масала ҳисобланади.

Ушбу масалага мамлакатимизда жуда катта эътибор берилиб, банклараро ахборот алмашинувини тартибга солиш борасида зарур ҳуқуқий механизмлар яратилган. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 11 мартдаги 7/2-сон "Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюроси ва тижорат банкларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисида"ги Қарори билан махсус Низом тасдиқланган. Тўғриси, 2012 йил 30 январга қадар тижорат банклари ва бошқа микрокредит ташкилотларида ахборот алмашиш масалалари ушбу норматив ҳужжат билан тартибга солиниб келинган. Бироқ, 2011 йилнинг 4 октябрида "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши билан ушбу муносабатлар қонун даражасида ва унда тижорат банклари ўртасидаги ахборот алмашинуви билан боғлиқ барча муносабатлар махсус қонун нормалари билан тартибга солинишининг моддий ва процессуал ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

Янги қонун билан кредит ахбороти, кредит тарихи, кредит ҳисоботи, кредит бюроси каби тушунчалар аниқ ифодаланиб, уларнинг мақоми аниқлаштириб берилди, шунингдек, кредит бюроларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва улар фаолиятини амалга ошириш учун лицензия беришнинг тартиб-қоидалари белгилаб берилди. Шу билан бирга, қонун билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредит бюролари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш борасидаги ваколатлари белгиланиб, унга кўра Ўзбекистонда банкларнинг банки ҳисобланувчи Марказий банк:

кредит ахбороти алмашинуви соҳасида ўз ваколатлари доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади ва лицензия беради, унинг амал қилишини тўхтатиб туради ёки тугатади, шунингдек лицензияни бекор қилади ёки қайта расмийлаштиради;

Кредит бюроларининг давлат реестрини ва кредит ахборотининг давлат реестрини юритади;

кредит бюролари учун ички аудит ўтказишга, йиллик ҳисоботлар тузишга, шунингдек кредит ахбороти ҳимоя қилинишини таъминловчи дастурий-техникавий комплекснинг параметрлари ва жойлашувига доир мажбурий талабларни белгилайди;

кредит бюроларининг фаолиятига тааллуқли ҳисоботларни ва бошқа маълумотларни олади;

кредит бюроларининг фаолиятини белгиланган тартибда текширади;

кредит бюросининг раҳбарига нисбатан малака талабларини белгилайди;

кредит бюроларига уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф қилиш ҳақида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради, кўрсатмалар ижро этилмаган тақдирда, жавобгарлик чораларини кўради.

Айнан ушбу қонун билан мамлакатимизда кредит ахборотини сақлаш ва ҳимоя қилишнинг янги мезонлари белгиланиб, унда кредит бюролари, кредит ахборотини етказиб берувчилар ва кредит ахборотидан фойдаланувчиларнинг кредит ахборотининг сақланишини ҳамда рухсат этилмаган ҳолда унга киришдан, уни йўқ қилиб юборишдан, ўзгартиришдан, ундан фойдаланишдан ёки уни ошкор этишдан ҳимоя қилинишини таъминлаш талаблари кўрсатиб берилди.

Кредит бюролари, кредит ахборотини етказиб берувчилар, кредит ахборотидан фойдаланувчилар, уларнинг раҳбарлари ва бошқа ходимлари кредит ахбороти алмашинуви жараёнида ўзлари олган ёки ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор этиши тақиқланади.

Кредит ахборотини ташкил этувчи маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган ёхуд белгиланган тартибда тақдим этилган шахслар бундай маълумотларни меҳнат шартномаси тугатилганидан кейин ҳам ошкор қилишга ҳақли эмас. Бундай тартибнинг белгиланиши мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришиш имкониятларини кенгайтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Шу билан бирга, қонун билан кредит ахборотини тақдим этишга ва унинг алмашинувига доир чеклашлар белгилаб берилди.

Унга кўра, кредит ахборотини тақдим этиш ва

унинг алмашинуви фақат кредит битими тузиш, уни ўзгартириш ҳамда кредит битимининг ижросини мониторинг қилишдаги таваккалчиликни баҳолаш, шу жумладан, кредит ахбороти субъектларини рейтинг асосида баҳолаш мақсадларида амалга оширилади. Кредит ахборотининг ушбу модда биринчи қисмида назарда тутилмаган мақсадларда тақдим этилишига ва алмашинувига йўл қўйилмайди. Кредит ахборотини, кредит тарихини, кредит ҳисоботларини, шунингдек, бошқа ахборотни кредит ахборотидан фойдаланувчи бўлмаган шахсларга тақдим этишга йўл қўйилмайди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тижорат банкларининг кредит ахбороти кредит, лизинг ҳамда факторинг операциялари ва уларнинг қарздорлари тўғрисидаги ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этиш тартибини янада такомиллаштириш, уларни бугунги кун талабига жавоб берадиган даражага олиб чиқиш, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни самарали амалга оширишга ва оқибатда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ҳамда мустаҳкам бўлишига асос бўлиб хизмат қилади.

# ХОРИЖИЙ АДАБИЁТЛАРНИНГ ШАРҲИ
# Дайджест зарубежной литературы

**Хуан Даосю,**
**Профессор Политико-юридического университета Китая**

## Уголовная ответственность за нарушения норм корпоративного права по УК КНР

Уголовная ответственность — самое сильное средство, к которому может прибегнуть лицо для защиты своих интересов. В КНР таким средством могут защищаться корпоративные интересы. Рассмотрим, какие нарушения в этой сфере считаются согласно УК КНР преступлениями.

Закон КНР о компаниях был принят в 1993 г. и пересмотрен в 2005 г. Новая редакция Закона, вступившая в силу с 1 января 2006 г., обычно называется новым законом о компаниях. В гл. 12 данного акта предусмотрена юридическая ответственность, главным образом административная, за нарушение норм корпоративного закона. Однако ст. 216 «Привлечение к уголовной ответственности» гласит, что «при наличии состава преступления в нарушениях настоящего Закона виновные должны быть привлечены к уголовной ответственности».

В гл. 3 «Преступления, связанные с нарушением экономического порядка социалистического рынка» УК КНР содержится подраздел «Преступления, связанные с нарушением порядка управления компанией, предприятием», где четко установлена уголовная ответственность за такие нарушения.

Все преступления в этой сфере можно разделить на несколько видов:

1) нарушения при учреждении компаний: подача ходатайства о регистрации юридического лица с использованием поддельных документов или сообщение ложных сведений об уставном капитале; введение в заблуждение компетентных органов, осуществляющих регистрацию предприятий, при получении учредительных документов (ст. 158 УК КНР); ложное декларирование учредителями или акционерами компании капиталовложений без внесения денег и материальных ценностей, без отчуждения права собственности созданной компании либо изъятие у нее капиталовложения после ее открытия (ст. 159);

2) нарушения при управлении юридическим лицом: предоставление акционерам или общественности ложной или неполной финансово-бухгалтерской отчетности, а равно непредоставление в установленном порядке такой информации (ст. 161); утаивание или умышленное уничтожение подлежащих по закону хранению бухгалтерских документов, бухгалтерских книг, финансово-бухгалтерских отчетов (ст. 162-1); сокрытие важных фактов или фабрикация серьезной дезинформации в проспектах эмиссии, подписке на акции, способах набора облигаций компаний, предприятий (ст. 160);

3) препятствование ликвидации компании: сокрытие имущества, внесение ложных сведений в балансовые ведомости или в ликвидационные ведомости по имуществу либо распределению имущества компании в ходе ликвидации до погашения задолженностей (ст. 162);

4) ложное банкротство: утаивание собственности, принятие на себя ложных долгов, перемещение либо распоряжение имуществом другими способами (ст. 162-2);

5) безответственность и злоупотребление: безответственность или злоупотребление служебным положением, приведшие государственную компанию к банкротству или причинению ей серьезных убытков (ст. 168); безответственное поведение в процессе подписания или исполнения контракта, что повлекло совершение в отношении компании мошенничества (ст. 167);

6) коррупционные действия: использование членами правления, директором государственной компании служебных преимуществ, ведение от своего имени или от имени другого лица хозяйственной деятельности на предприятии, родственном тому, в котором они занимают должность, и получение незаконной выгоды (ст. 165); использование служебных преимуществ в интересах родственников и друзей; передача прибыльных направлений хозяйственной деятельности организации в ведение родственников и друзей; закупка у организаций, возглавляемых родственниками или друзьями, продукции по цене, значительно превышающей рыночную, или реализация таким организациям продукции по цене значительно ниже рыночной, или закупка у данных

предприятий некачественной продукции (ст. 166) и т.д.

Полагаем, что можно выделить следующие особенности уголовной ответственности за нарушения норм корпоративного права по УК КНР.

Во-первых, уголовный закон предусматривает, что обязательным признаком состава преступления выступают отягчающие обстоятельства (серьезные последствия или крупный размер), в их отсутствие не может быть речи об уголовной ответственности. В то же время определений серьезного последствия и крупного размера уголовный закон не дает. Для правильного и единообразного применения УК Верховный народный суд КНР, Верховная прокуратура КНР и Министерство общественной безопасности КНР издают судебные разъяснения и другие нормативные акты. Например, в «Положении Верховной прокуратуры КНР о привлечении к уголовной ответственности за экономические преступления» от 18 апреля 2001 г. указано, что в целях ст. 167 УК крупный ущерб государственным интересам - это причинение ущерба свыше 500 тыс. юаней или свыше 30 % уставного капитала, крупный размер в ст. 165 должен превышать 100 тыс. юаней и т. д. Без этих отягчающих обстоятельств соответствующие деяния влекут только дисциплинарную или административную ответственность.

Во-вторых, уголовный закон КНР в редакции 1997 г. признает юридические лица субъектами преступления наряду с физическими. Физические лица, которые могут быть признаны виновными в рассматриваемых преступлениях, — это руководители и другие непосредственно ответственные лица в компаниях или на предприятиях. Преступления юридических лиц (они в УК КНР обычно называются организациями) могли бы быть темой монографий, в Китае в течение многих лет идут оживленные дискуссии[1]. Юридическое лицо может быть привлечено к уголовной ответственности в трех случаях: а) неисполнение или ненадлежащее исполнение закона, устанавливающего обязанность или запрет на осуществление определенной деятельности; б) осуществление деятельности, не соответствующей учредительным документам или объявленной цели; в) совершение преступного деяния в интересах юридического лица либо его допущение, санкционирование, одобрение или использование органом или лицом, осуществляющим функции управления юридическим лицом. В УК КНР закреплено 110 составов преступлений, субъектами которых могут быть юридические лица.

В-третьих, субъектами дачи и получения взятки могут быть не только должностные лица и другие государственные служащие, но и работники компании, предприятия или другой организации. Согласно Поправке № 6 к УК КНР от 29 июня 2006 г. «передача работникам компании, предприятия или другой организации имущественных ценностей для извлечения неправомерной выгоды на значительную сумму — наказывается лишением свободы на срок до 3 лет или арестом; то же деяние, совершенное в крупном размере, — наказывается лишением свободы на срок от 3 до 10 лет со штрафом». В соответствии со ст. 7 данной Поправки дача или получение взятки лицами, находящимися на государственной службе в государственной компании либо направленными государственной организацией в негосударственную организацию для выполнения служебных обязанностей, влечет ответственность по ст. 385 и 386 УК КНР, которые предусматривают уголовную ответственность за дачу и получение взятки государственными служащими. Данная норма имеет большое значение для поддержания нормального порядка рыночной экономики.

**Журнал «Российский юридический журнал»**
**№2-2013, Москва. С.89-91**

[1] Чжао Бинчжи. Юридические лица не должны быть субъектами преступлений // Правоведение. 1989. № 5. С. 89; Гао Минсюань. Некоторые вопросы о преступлениях юридических лиц // Правоведение в Китае. № 6. С. 21; Чэнь Цзэсянь. Квалификация преступлений организации и наказания. Пекин, 1997. С. 17.

**Фридрих-Кристиан Шредер,**
**Университет г. Регенсбург. Германия**
**доктор юридических наук, профессор**

# БОРЬБА С ОРГАНИЗОВАННОЙ ПРЕСТУПНОСТЬЮ В ФЕДЕРАТИВНОЙ РЕСПУБЛИКЕ ГЕРМАНИИ

Не только в Германии, но и во всем мире говорят об организованной преступности, при этом само понятие «организованная преступность» имеет относительно короткую историю. В 20-е гг. прошлого столетия в США эмигрантами-итальянцами были созданы первые преступные синдикаты, которые проектировали свои преступления через деятельность коммерческих предприятий, т.е. создавали их, чтобы совершать преступления. Как следствие возникло понятие «organized crime» («organisiertes Verbrechen», организованное преступление), затем этот вид преступности распространился по всему миру. В настоящее время в Германии, как и во многих других странах, чаще используется термин «организованная преступность».

В законодательстве Германии отсутствует определение организованной преступности. Вместе с тем министры юстиции и внутренних дел 16 федеральных земель (в Германии большинство государственных функций осуществляется федеральными землями на основе соглашения между ними, которые представлены соответствующими полномочными министрами) выработали следующее определение понятия «организованная преступность»: «Организованная преступность – это направленное на получение прибыли или властных полномочий планомерное совершение преступных деяний, которые и в отдельности, и совокупно имеют существенное значение, если более двух лиц, действуя совместно в течение длительного или неопределенного времени: а) используют коммерческие или им подобные по своей направленности структуры; б) используют насилие или другие соответствующие средства запугивания или с) оказывают влияние на политику, средства массовой информации, государственное управление, органы юстиции и экономику» (Приложение Е к принятым министрами юстиции федеральных земель «Руководящим принципам для уголовного процесса и процесса по взысканию административных штрафов» — RiStBV).

Кроме того, министры внутренних дел федеральных земель передали в полицейские участки и органы прокуратуры перечень «индикаторов для распознавания обстоятельств дела, являющихся признаками организованной преступности». Этот перечень включает в себя около 50 позиций, таких, как точное планирование преступной деятельности, работы на заказ, создание квартир «для отдыха» за границей, деятельность специалистов, закрытие группы от внешнего мира, использование псевдонимов, поддержка членов преступного сообщества, помощь в совершении побега, «опекание» в местах предварительного заключения, выплата взяток и бросающееся в глаза покровительство.

Закон по борьбе с организованной преступностью 1992 г. ввел во многие уголовно-правовые нормы о назначении наказания такие обстоятельства, отягчающие наказание, как совершение преступного деяния в виде промысла или членство в банде. Эти предписания позволяют существенно увеличить наказание для преступников, которые рассматривают преступление в качестве источника получения постоянных доходов, и для членов банд. Например, максимальное наказание за кражу составляет лишение свободы на срок до 5 лет, а за кражу, совершенную бандой до 10 лет.

Право Федеративной Республики Германия предусматривает эффективные и дифференцированные положения об изъятии предметов преступного деяния, а также о конфискации имущества, полученного в результате совершения преступного деяния (§ 73-75 Уголовного кодекса, с учетом параграфов со значками «а» и «b» это 14 параграфов). При совершении преступных деяний, типичных для организованной преступности, конфискация возможна и в том случае, когда с учетом конкретных обстоятельств дела есть основания полагать, что эти предметы были получены для совершения противоправного деяния (Уголовный кодекс, § 73d). Хотя это является нарушением принципа «все сомнения – в пользу обвиняемого», законодатель Германии счел эту меру приемлемой, поскольку это относится не к

самому наказанию, а представляет собой дополнительную меру. Это является особенно важным, поскольку данная мера может быть назначена еще до вынесения приговора на стадии возбуждения уголовного дела (§ 111b – 111p Уголовно-процессуального кодекса) и подозреваемые не могут скрыть эти предметы.

Закон о борьбе с организованной преступностью 1992 г. ввел, кроме того, специальные следственные меры. К ним относятся: так называемые «тайные агенты» (агенты под прикрытием) – полицейские служащие, осуществляющие розыскные мероприятия, скрывая свою принадлежность к органам полиции (§ 110a Уголовно-процессуального кодекса); так называемые «технические средства», например «жучок», который незаметно установлен в машине (§ 110f Уголовно-процессуального кодекса), или так называемый «выборочный поиск» (человека выбирают по определенному «растеру», образцу (Rasterfahndung)), т.е. личные данные, содержащиеся в компьютере, сопоставляются с другими (§ 98a Уголовно-процессуального кодекса).

Немецкое право, регулирующее вопросы борьбы с оргпреступностью, не ограничивается только уголовно-правовыми мерами. Во всех местных управлениях полиции, управлениях уголовной полиции федеральных земель и федеральном управлении уголовной полиции были созданы специализированные подразделения по борьбе с организованной преступностью. Они полностью укомплектованы персоналом и хорошо оснащены технически (например, подразделение по борьбе с организованной преступностью Управления полиции Нижней Баварии/Верхнего Пфальца (Niederbayern/кberpfalz) на подведомственной ему территории площадью 20.000 км$^2$ с населением 2,2 млн. жителей насчитывает в своем штате более 30 полицейских и трех сотрудников). Кроме того, в каждой прокуратуре имеется прокурор, который в сотрудничестве с компетентными подразделениями уголовной полиции выполняет задачи по наблюдению за организованной преступностью, планированию и координации соответствующих мероприятий – так называемые «уполномоченные по борьбе с организованной преступностью». Эти организационные меры помогают не только назначить наказание за совершенные преступными сообществами деяния, но и ликвидировать эти организации.

**Журнал «Вестник Московского университета»**
**№6-2009. С.75-80**

# ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида Олий ўқув курслари қонунлар ижроси устидан назорат кафедраси бошлиғи, ю.ф.д., проф. Бахтиёр Пўлатов ва Фарғона вилоят прокуратурасининг масъул ходимлари Тожихон Шеркулова, Шерзод Мирзокиров, Бахром Джўраевларнинг ҳаммуаллифлигида (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси, ю.ф.д. Толибжон Умаров ва Фарғона вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Фарход Зуфаровларнинг умумий таҳрири остида) "Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил қилиш ва прокурор назоратининг наъмунавий ҳужжатлар тўплами" мавзусидаги амалий-услубий қўлланма нашр этилди.

Амалий-услубий қўлланмада қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг моҳияти, вазифаси, доираси, предмети, қонунлар ижросини текшириш тартиб-қоидаси, прокурор ваколатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назоратнинг моҳияти ва прокурор назорати ҳужжатларининг мақсад ва аҳамияти, давлат бошқарувининг айрим соҳаларида прокурор назоратини ташкил қилиш, тавсиялар, текширишларда фойдаланиладиган қонунлар, Президент Фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа норматив ҳужжатлар ўз аксини топган ва прокурор назоратининг наъмунавий ҳужжатлари ёритилган.

Қўлланма прокуратура органлари ходимларининг амалий фаолиятида, ҳуқуқшунослик олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқув жараёнларида ва илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари бошлиғи, ю.ф.д. Т.А-.Умаровнинг умумий таҳрири остида "Жиноят-процессуал қонунчиликка оид ислоҳотлар жараёни ва такомиллашуви" мавзусидаги мақолалар тўплами нашр этилди. Масъул муҳаррир: ю.ф.д. Ф.Х.Рахимов. Тақризчилар: ю.ф.д., проф. Б.Х.Пўлатов, ю.ф.д., проф. Ф.Ю.Шодмонов.

Тўпламга Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари ҳамда 2012-2013 ўқув йилларида раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курслари тинголовчиларининг бугунги кунда жиноят-процессуал қонунчилигига оид ислоҳотлар, уларнинг ривожланиш жараёнлари, айрим муаммолар ва ижобий йўналишларда амалга оширилган ишларга бағишланган мақолалари киритилган.

Тўпламдан амалиётчилар, назариётчилар, ҳуқуқшунослар ва бошқа мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Судларда прокурор ваколатини таъминлаш кафедраси томонидан "Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокига оид процессуал ҳужжат намуналари" мавзусидаги услубий қўлланма чоп этилди(Тошкент: NAFIS BEZAK, 2013. -124 бет).

Мазкур услубий қўлланмада судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг мақсад ва вазифаси, биринчи инстанция судида ишлар кўрилишида прокурор ваколати, фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўрилишида прокурор иштироки, суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан кассация протести келтирилиши ва текширилишида прокурор ваколатлари, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларини назорат тартибида текширишда прокурор фаолияти ҳамда қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларини янги очилган ҳолатлар бўйича текширишда прокурор фаолияти тўғрисида қисқача тушунтиришлар берилиб, бу йўналишда прокурор фаолиятини амалга оширишга оид процессуал ҳужжатларни тузиш тартиби ва уларнинг намунавий шакллари ёритилган.

Ушбу услубий қўлланма прокуратура ходимлари, айниқса, прокуратура органларига янги ишга қабул қилинган иш ўрганувчилар учун судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишда, ҳуқуқшунослик олийгоҳларининг талабалари ва ўқитувчилари ҳамда шу йўналишда тадқиқот иши олиб бораётган изланувчилар учун мўлжаланган.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

*– мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;*

*– матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;*

*– келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;*

*– мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;*

*– матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;*

*– матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;*

*– мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;*

*– мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;*

*– мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган бўлиши лозим.*

*– рус тилидаги қисқа аннотация*

*– мақолаларни қуйидаги элекирон манзилга юборинг: axborotnoma@vuk.uz*

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

*– статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;*

*– исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;*

*– достоверность и корректность приводимой в статье информации;*

*– к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;*

*– представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;*

*– статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;*

*– объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;*

*– на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.*

*– краткая аннотация статьи на узбекском языке*

*– статьи нужно направлять по адресу: axborotnoma@vuk.uz*




Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари